

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

52-сон
(396)
2009 йил
31 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

551. «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 21 декабрдаги ЎРҚ–236-сон Қонуни
552. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 21 декабрдаги ЎРҚ–237-сон Қонуни
553. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрдаги ЎРҚ–238-сон Қонуни
554. «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрдаги ЎРҚ–239-сон Қонуни

555. «Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–240-сон Қонуни

556. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ–241-сон Қонуни

557. «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ–242-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

558. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 декабрдаги ПФ–4158-сон Фармони

559. «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон Фармони

560. «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон қарори [Кўчирма]

561. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ–1250-сон қарори

562. «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон қарори

563. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон қарори

Учинчи бўлим

564. «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекинвест Интернешнл», «Ўз-АИГ» қўшма

суғурта компанияларини ва «АИГ-Ўзбекинвест» агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 23 ноябрдаги 565-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 317-сон қарори

565. «Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон қарори

567. «Мол-мулкни баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 декабрдаги 322-сон қарори

568. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ–163-сон ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2008 йил 26 сентябрдаги ЎРҚ–183-сон қонунлари)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 декабрдаги 323-сон қарори

569. «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон қарори

572. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 декабрдаги 334-сон қарори

573. «Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 декабрдаги 335-сон қарори

574. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2009 йил 13 ноябрдаги ПҚ–1227-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 декабрдаги 336-сон қарори

576. «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 340-сон қарори

578. «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий во-ситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарори

Бешинчи бўлим

579. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 апрелдаги 173-сон қарорига иловада кўрсатилган «Бошқа озиқ-овқат махсулотлари»га киритиладиган товарлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 1 декабрдаги 110, 01-02/8-30-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 713-1*)
580. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 апрелдаги 173-сон қарорига иловада кўрсатилган «Бошқа ноозиқ-овқат истеъмол товарлари»га киритиладиган товарлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 1 декабрдаги 111, 01-02/8-26-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 714-1*)
581. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари микдорларини ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2009 йил 16 декабрдаги 13, 80-Қ/Қ, 116-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2057*)
582. «Суғурталовчининг муваққат маъмурияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 20 ноябрдаги 108-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2058*)

583. «Шаҳар ва туман хокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида намунавий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 24 декабрдаги 12, 91, 14-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1279-1*)
584. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 9 декабрдаги 2009-32, 01-02/19-29, 240-В-3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1281-3*)
585. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2009 йил 21 ноябрдаги 33/2, 112-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1548-4*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 19 декабрдан 31 декабргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

551 Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **49-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 22 декабрда эълон қилинган.

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **49¹-модда** билан тўлдирилсин:

«49¹-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **51-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **245-модданинг биринчи қисми** «48» рақамидан кейин «49¹» рақами билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун 2010 йил 1 февралдан эътиборан кучга кириди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 декабрь,
ЎРҚ-236-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

552 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 20 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда) **329-моддасининг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дархол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб ҳамда то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунига қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилгунига қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати куйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчининг асос-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 22 декабрда эълон қилинган.

лантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 декабрь,
ЎРҚ-237-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

553 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 17 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «**Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида**»ги 510–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 23 декабрда эълон қилинган.

1) **7-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **8-модданинг:**

номидаги ва **биринчи қисмидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи ва **иккинчи қисмларидаги** «захирага» деган сўз «резервга» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «**Мудофаа тўғрисида**»ги 641–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган 211–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 80-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда) **8-моддасининг ўн биринчи хатбошисидаги** «муддатли хизмат» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги 924–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда) **41-моддасининг иккинчи хатбошисидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4,

128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **47-модданинг биринчи қисмидаги** «офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи, прапоршчик, мичман ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **49-модданинг биринчи қисмидаги** «муддатли ҳарбий хизматчиларни» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **287-модда:**

биринчи қисмининг диспозициясидаги «Муддатли хизмат» деган сўзлар «Муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг диспозициясидаги «Муддатли хизмат» деган сўзлар «Муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «прапоршчик, мичман» деган сўзлар эса чиқариб ташлансин;

4) **288-модда иккинчи қисмининг диспозициясидаги** «прапоршчик, мичман» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **295-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «муддатли хизмат» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда) **254-моддасининг биринчи қисмидаги** «муддатли ҳарбий хизматчи» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил,

№ 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда) **16-моддасининг биринчи қисмидаги** «Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга» деган сўзлар «Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»** ги 154–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 330, 337-моддалар) **31-моддасидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **68-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи қисмларидаги «захирага» деган сўз «резервга» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **143-модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «муд-

датли ҳарбий хизматдан захирага бўшатиш» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **144-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошиси русча матнидаги** «срочной службы» деган сўзлар «срочной военной службы» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **231-модда иккинчи қисмининг русча матнидаги** «срочной службы» деган сўзлар «срочной военной службы» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «**Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида**»ги 278–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда) **1-моддасининг олтинчи хатбошисидаги** «старшиналар, прапоршчиклар, катта прапоршчиклар, мичманлар ва катта мичманлар» деган сўзлар «ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **148-модданиннг иккинчи қисмидаги** «муддатли хизмат» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **150-модданиннг иккинчи ва тўртинчи қисмларидаги** «муддатли хизмат» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **154-модданиннг биринчи қисмидаги** «муддатли хизмат» деган сўзлар «муддатли ҳарбий хизмат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) **73-моддасидаги** «захирага» деган сўз «резервга» деган сўз билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «**Ўрмон тўғрисида**»ги 770–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 122-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **31-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита билан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 164–II-сонли Қарори билан тасдиқланган **Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 324-модда) **4-бандининг «а» кичик бандидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган «**Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 215–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 84-модда) **6-моддасининг биринчи қисмидаги** «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида**»ги 436–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда) **40-моддасининг иккинчи қисми русча матнидаги** «срочной службы» деган сўзлар «срочной военной службы» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар) **275-моддасининг биринчи қисми 8-банди русча матнидаги** «срочной службы» деган сўзлар «срочной военной службы» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 декабрь,
ЎРҚ-238-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

554 **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 12 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 77-модданинг:

биринчи қисмидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 25 декабрда эълон қилинган.

жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади»;

2) **80-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** «ўрта махсус» деган сўзлардан кейин «касб-хунар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **103-модда иккинчи қисмининг 4-бандидаги** «ўрта махсус» ва «ўрта махсус ўқув юртларини, хунар-техника билим юртларини» деган сўзлар тегишинча «ўрта махсус, касб-хунар» ва «ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **107-модданиннг тўртинчи қисми** «ўрта махсус» деган сўзлардан кейин «касб-хунар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **143-модда:**

учинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги «хунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус» деган сўзлар «олий ва ўрта махсус, касб-хунар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «хунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус» деган сўзлар «олий ва ўрта махсус, касб-хунар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **149-модданиннг тўртинчи хатбошисидаги** «253» рақами чиқариб ташлансин;

7) **242-модданиннг биринчи қисмидаги** «(таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **252-модданиннг:**

биринчи қисмидаги «XI (XII) синфда» ва «IX синфда эса саккиз иш кунидан кам бўлмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

9) **253-модда** чиқариб ташлансин;

10) **254-модданиннг:**

номидаги «ва ўрта махсус» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

матнидаги «ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун эса, камида ўн календарь кун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **255-модданиннг номи** ва **матни** «ўрта махсус» деган сўзлардан кейин «касб-хунар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **257-модданиннг биринчи қисмидаги** «ва ўрта махсус» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «**Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–139-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2008 йил, № 1, 1-модда) **20-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

учинчи қисм чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлар** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади».

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 декабрь,
ЎРҚ-239-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

555 Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 24 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**»ги 837-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 26 декабрда эълон қилинган.

си, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади сувга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир»;

2) қуйидаги мазмундаги **2¹-модда** билан тўлдирилсин:

«2¹-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ер ости сувлари — ер сатҳидан пастда ер қобиғининг тоғ жинслари қатламларида жойлашган сувлар;

ер усти сувлари — ер қобиғининг устида жойлашган сувлар;

мелиорация объектлари — коллектор-дренаж ва ер усти ташлама сувларини тўплаш ҳамда уларни суғориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга қўмаклашадиган, коллекторларни ва коллектор-дренаж тармоғини, вертикал дренаж қудуқларини, мелиорация насос станцияларини (агрегатларини) ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари;

сувлар — сув объектларида тўпланган барча сувлар мажмуи;

сув истеъмоли (сувни истеъмол қилиш) — юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда олган ҳолда фойдаланиш;

сув истеъмолчилари уюшмаси — юридик шахс бўлган сув истеъмолчилари томонидан сувга доир муносабатлар соҳасидаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилоти;

сув истеъмолчиси — ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув объектидан сув ресурсларини белгиланган тартибда олувчи юридик ёки жисмоний шахс;

сув объекти — сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган ва сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилға-

лар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (очиқ ва ёпиқ каналлар, шунингдек коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва сунъий (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) сув хавзалари, шунингдек булоқлар ва бошқа объектлар;

сув объектларини муҳофаза қилиш — сув объектларини сақлаш ва тиклашга қаратилган тадбирлар тизими;

сув режими — сув объектлари ва тупроқ-грунтда сув сатҳи, тезлиги, сарфи ва ҳажмининг вақт бўйича ўзгариши;

сув ресурслари — фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши лозим бўлган сув объектлари сувлари;

сув хўжалиги — иқтисодиётнинг сув ресурсларини ва сув объектларини ўрганиш, ҳисобга олиш, бошқариш, улардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, шунингдек сувларнинг зарарли таъсирига қарши курашишни қамраб олувчи тармоғи;

сув хўжалиги объекти — сув ресурсларини тўплаш, бошқариш, етказиб бериш, улардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилиш, ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш мақсадида сув хўжалиги фаолияти амалга ошириладиган сув объекти;

сувдан фойдаланиш — юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув ресурсларини сув объектдан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

сувдан фойдаланувчи — сув ресурсларини сув объектдан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

сувларнинг зарарли таъсири — сув тошиши, сув босиши, зах бошиши ва сувларнинг ўзга таъсирлари натижасида айрим табиий-хўжалик объектлари ва ҳудудларнинг ювилиши, бузилиши, лойқа чўкиши, ботқоқланиши, шўрланиши ва бошқа салбий ҳодисалар;

трансчегаравий сув объектлари — икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган сув объектлари;

трансчегаравий сувлар — икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувлари»;

3) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона давлат сув фонди:

жилғалар, сойлар, дарёлар, сув омборлари, кўллар, денгизлардан, каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари, булоқлар, ҳовузларнинг сувлари ва бошқа ер усти сувларидан;

ер ости сувлари, қор захиралари ва музликлардан иборатдир.

Трансчегаравий сув объектларининг (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Орол денгизи ва бошқа трансчегаравий сув объектларининг) сувларидан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланади»;

4) **6-модданинг иккинчи — тўртинчи хатбошилари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш, шунингдек сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш соҳасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

сув фондини ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини, сувдан фойдаланиш, сув истеъмоли меъёрларини ва сув объектдан сув олиш лимитларини (бундан буён матнда сув олиш лимитлари деб юритилади) тасдиқлаш тартибини белгилаш»;

5) **7-модданинг:**

номи ва **биринчи хатбошисидаги** «Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг» деган сўзлар «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «сув истеъмолининг белгиланган» деган сўзлар «белгиланган сув олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **8-модданинг:**

биринчи қисмидаги «маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек бу соҳада махсус ваколати бўлган ҳамда сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (худудий) бошқармалари орқали тартибга солиб турувчи давлат органлари» деган сўзлар «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (худудий) бошқармалари орқали тартибга солувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «махсус ваколати бўлган давлат органлари» деган сўзлар «махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **9-модданинг:**

биринчи қисмидаги «мулкчиликнинг барча шаклларидаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари» деган сўзлар «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **10-модда, IV бобнинг номи** ва **11-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10-модда. Сувлардан ва сув объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг иштироки

Сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ ҳамда фуқаролар сувлардан ва сув объектла-

ридан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашади. Давлат органлари бу тадбирларни ўтказишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек фуқароларнинг таклифларини ҳисобга олиши мумкин.

IV боб. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга тушириш

11-модда. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга тушириш шартлари

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга туширишда, янги технологик жараёнларни жорий этишда аҳолининг соғлиғини сақлаш ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини ҳамда маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш талабларига риоя этган ҳолда сувдан оқилона фойдаланиш, шунингдек коллектор-дренаж сувларини ва оқинди сувларни чиқариб юборишнинг қулай режими таъминланиши лозим. Бунда сув объектларидан олинadиган ва шу объектларга қайтариладиган сувни ҳисобга олишни, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олишни, ерларнинг сув босишини имкон қадар камайтиришни, ерларни шўрланишдан, зах босишдан ёки қакраб қолишдан муҳофаза қилишни, шунингдек қулай табиий шароитлар ва ландшафтларни сақлаб қолишни таъминловчи тадбирлар назарда тутилади.

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари сув объектларидан дам олиш ва спорт учун фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда тузилиши лозим»;

9) **12-модда** «қуриш» деган сўздан кейин «реконструкция қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **13** ва **14-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13-модда. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ҳамда бошқа объектлар қуриладиган, реконструкция қилинадиган, таъмирланадиган ва тикланадиган жойларни белгилаш

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ҳамда бошқа объектлар қуриладиган, реконструкция қилинади-

ган, таъмирланадиган ва тикланадиган жойларни белгилаш мазкур сув объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар, шунингдек бошқа манфаатдор ташкилотлар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ келишиб олинади.

14-модда. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаларининг келишиб олиниши ва давлат экспертизаси

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари қишлоқ ва сув хўжалиги, санитария назорати, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари ҳамда бошқа органлар билан келишиб олиниши лозим, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат экспертизасидан ўтказилади.

Мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилади.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра айланма сув таъминотига ва чиқитсиз технологияга ўтказилиши мумкин бўлмаган саноат корхоналарининг сув билан тўхтовсиз таъминлаш тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилишга йўл қўйилмайди»;

11) **15-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15-модда. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни ишга туширишни тақиқлаш

Қуйидагиларни:

сувларнинг булғаниши ва ифлосланишининг олдини оловчи қурилмалар билан таъминланмаган, шунингдек сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи янги ҳамда реконструкция қилинган корхоналар, цехлар, агрегатларни, коммунал ва бошқа объектларни;

ерларнинг сув босиши, зах босиши, ботқоқланиши, шўрланишининг ҳамда тупроқ эрозиясини олдини олишнинг лойиҳаларда назарда тутилган тадбирлари амалга оширилмагунча суғориш ва сув билан таъминлаш тизимларини, сув омборлари ва каналларни;

тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ сув қабул қиладиган ва бошқа иншоотларни қуриб битказмай туриб, зах қочириш тармоқларини;

тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ балиқларни сақлаб қолиш қурилмалари бўлмаган сув олиш иншоотларини;

тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ тошқин сувларни ва балиқларни ўтказиб юборадиган қурилмалари тайёр бўлмаган гидротехника иншоотларини;

ер ости сув захиралари тасдиқланмаган сув олиш иншоотлари гуруҳини; сувни тартибга солувчи қурилмалар билан таъминламай туриб ва те-

гишли ҳолларда санитария муҳофазаси зоналарини белгиламай туриб, сув чиқариш учун бурғиланган қудуқларни ишга тушириш тақиқланади»;

12) **16-модда, V бобнинг номи ва 17-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«16-модда. Сув объектларидан ўтадиган кўприклар, ўтиш йўллари ҳамда бошқа транспорт коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаларини келишиб олиш

Сув объектларидан ўтадиган кўприклар, ўтиш йўллари ҳамда бошқа транспорт коммуникацияларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш органлари ҳамда зарур ҳолларда, энергетика, архитектура ва қурилиш органлари, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (кемалар қатновини белгилаш юзасидан) билан келишиб олиниши ҳамда тошқин сувларни ўтказиб юборишни, сув объектларидан фойдаланиш режимини, сувларнинг булғаниши, ифлосланиши ва камайиб кетишига йўл қўймасликни, уларнинг зарарли таъсирининг олдини олишни таъминловчи тадбирлар ўтказилишини назарда тутиши лозим.

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи сув объектларидан ўтадиган кўприклар, ўтиш йўллари ҳамда бошқа транспорт коммуникацияларини таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари қишлоқ ва сув хўжалиги органлари билан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органлар билан келишиб олиниши ҳамда тошқин сувларни ўтказиб юборишни, сув объектларидан фойдаланиш режимини, сувларнинг булғаниши ва ифлосланишининг олдини олишни таъминловчи тадбирлар ўтказилишини назарда тутиши керак.

V боб. Сув объектларида, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида ишларни бажариш

17-модда. Сув объектларида, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида ишларни бажариш тартиби

Сув объектларида, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида, ер ости сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларда сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи қурилиш, таъмирлаш, тиклаш, ўзан тубини чуқурлаштириш ва портлатиш ишлари, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва сув ўсимликларини олиш, кабеллар, қувурлар ҳамда бошқа коммуникацияларни ўтказиш, дарахтларни кесиш, бурғилаш, қишлоқ хўжалиги ишлари ва ўзга

ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар органлари ва бошқа органлар билан келишилган ҳолда бажарилади.

Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи ишлар ушбу Қонун талабларига мувофиқ равишда, илмий асосланган норма ва қоидалар асосида қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, балиқчилик хўжалиги, ўрмон хўжалиги, маиший ва коммунал хўжалик манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади»;

13) **VI бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«VI боб. Сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчилари ва улар фойдаланадиган объектлар»;

14) **18-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18-модда. Сувдан фойдаланувчилар

Сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари, коммунал-маиший соҳа, гидроэнергетика корхоналари, бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар сувдан фойдаланувчилар бўлиши мумкин»;

15) қуйидаги мазмундаги **18¹** ва **18²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«18¹-модда. Сув истеъмолчилари

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар сув истеъмолчилари бўлиши мумкин.

18²-модда. Сув истеъмолчилари уюшмалари

Сув истеъмолчилари уюшмалари асосан гидрография принципига ёки сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган бошқа шартларга мувофиқ ташкил этилади.

Фермер хўжаликлари, юридик шахс ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжаликлари, шунингдек юридик шахс бўлган бошқа сув истеъмолчилари сув истеъмолчилари уюшмаларининг муассислари бўлиши мумкин.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа сув истеъмолчилари сув истеъмолчилари уюшмаларининг аъзолари бўлиши мумкин.

Сув истеъмолчилари уюшмаси ва унинг хизмат кўрсатиш зонасида жойлашган аъзолари, шунингдек бошқа қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги сувга доир муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади»;

16) **19-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув объектлари ёки уларнинг қисмлари сувдан фойдаланиш объектлари бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга берилиши мумкин»;

17) қуйидаги мазмундаги **19¹-модда** билан тўлдирилсин:

«19¹-модда. Сув истеъмоли манбалари

Сув объектлари ёки уларнинг қисмлари сув истеъмоли манбалари бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сув истеъмоли учун берилиши мумкин»;

18) **VII бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«VII боб. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли турлари»;

19) **21-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21-модда. Сувдан фойдаланиш турлари

Сув объектдан сув олиш усулига, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этилишига қараб сувдан фойдаланиш сувдан умумий ва махсус фойдаланишга бўлинади.

Жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз эҳтиёжларини ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадида сувдан фойдаланиш сувдан умумий фойдаланишдир.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сувдан фойдаланиш сувдан махсус фойдаланишдир. Сувдан махсус фойдаланишга айрим ҳолларда махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда, аммо сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган сувдан фойдаланиш ҳам киритилиши мумкин.

Сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Сув объектлари танҳо ёки биргаликда фойдаланишда бўлиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ёки жисмоний шахсларга бутунлай ёки қисман фойдаланишга берилган сув объекти танҳо фойдаланиладиган сув объектидир.

Танҳо фойдаланишга берилмаган сув объекти биргаликда фойдаланиладиган сув объектидир.

Сув объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қишлоқ ва

сув хўжалиги, санитария назорати, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари билан келишилган ҳолда фойдаланишга берилади.

Сув объектлари сувдан фойдаланувчиларга сув истеъмолчиларининг қишлоқ хўжалиги, ичимлик, даволаш ва маиший эҳтиёжларини, аҳолининг курорт, рекреация ва ўзга эҳтиёжларини, саноат, энергетика, транспорт, балиқчилик хўжалиги ҳамда бошқа давлат ёки жамоат эҳтиёжларини қондириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда фойдаланишга берилади.

Оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланишга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳамда махсус талаблар ва шартларга риоя қилинган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

Сув объектлари битта ёки айна бир вақтда бир нечта мақсадда фойдаланишга берилиши мумкин»;

20) қўйидаги мазмундаги **21¹-модда** билан тўлдирилсин:

«21¹-модда. Сув истеъмоли турлари

Мақсадли фойдаланилишига кўра сув истеъмоли ичимлик, коммунал-маиший, даволаш, курорт, рекреация, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги сув истеъмолига ва бошқа турларга бўлинади. Сув объектдан олинадиган сувнинг миқдорига қараб сув истеъмоли умумий ва махсус сув истеъмолига бўлинади.

Жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда ўз шахсий ичимлик, маиший, рекреация, даволаш эҳтиёжлари, ҳайвонларни суғориш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадидаги сув истеъмоли умумий сув истеъмолидир.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сув истеъмоли махсус сув истеъмолидир. Махсус сув истеъмолига айрим ҳолларда махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлламаган ҳолда, аммо сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган сув истеъмоли ҳам киритилиши мумкин.

Сув ресурслари қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда истеъмол учун берилади»;

21) **22, 23** ва **24-моддалар** чиқариб ташлансин;

22) **26-модданинг иккинчи қисми** «махсус фойдаланиш» деган сўзлардан кейин «ёки сувни махсус истеъмол қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

23) **27-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27-модда. Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш рухсатнома асосида амалга оширилади.

Табийй сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома ер усти сувлари бўйича — қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, ер ости сувлари бўйича — геология ва минерал ресурслар органлари, минерал ва термал сувлар бўйича — саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш органларининг таклифлари асосида табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан берилади.

Сунъий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома:

ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларига, трансчегаравий сув объектларидан, вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларга, насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларига, мелиорация экспедицияларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига — республика ёки вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан;

ирригация тизимлари бошқармаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига — вилоят ёки туманлараро аҳамиятга молик сув объектларидан ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан;

сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига — туман аҳамиятига молик сув объектларидан ирригация тизимлари бошқармалари томонидан;

ўзлари хизмат кўрсатадиган зонада жойлашган фермер ва деҳқон хўжаликларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳамда бошқа сув истеъмолчиларига—қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан берилади.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

24) **28-модданинг русча матнидаги** «законодательными актами» деган сўзлар «актами законодательства» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **29** ва **30-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29-модда. Танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларида сувдан умумий фойдаланиш ва умумий сув истеъмоли

Танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларида сувдан умумий фойдаланишга ва умумий сув истеъмолига шу сув объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган ҳолда белгиланган шартларга кўра

йўл қўйилади, зарур ҳолларда эса, бундай сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ тақиқлаб қўйилиши мумкин.

30-модда. Сув олиш лимитлари

Сув олиш лимитлари барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан белгиланади.

Сув олиш лимитлари (ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан сув манбалари, ҳавза ирригация тизимлари, магистрал каналлар (тизимлар), ирригация тизимлари, иктисодиёт тармоқлари, ҳудудлар, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари бўйича белгиланади, ер ости сувлари борасида эса геология ва минерал ресурслар ҳамда саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш органлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа сув истеъмолчилари учун сув олиш лимитлари уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланади.

Коммунал ва маиший хўжаликларнинг сув олиш лимитлари тегишли фойдаланувчи ташкилотлар томонидан белгиланади.

Сув олиш лимитлари сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун манбаларнинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлиги ҳисобга олинган ҳолда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бир йилда икки марта ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун бир йилда бир марта белгиланади ва улар учун мажбурийдир.

Сувдан фойдаланувчиларнинг сувни етказиб бериш бўйича хизматлари, шунингдек кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун шартнома асосида ҳақ тўланади»;

26) **IX бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«IX боб. Сувдан фойдаланувчиларнинг ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари»;

27) **32-модда:**

учинчи — олтинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги **учинчи — саккизинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«сувдан фойдаланишни амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иншоотлар, қурилмалар ҳамда бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш;

берилаётган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, сувдан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича олинмай қолган сув учун компенсация талаб қилиш;

сув ресурсларини бошқаришга оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш;

манбанинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлилигидан келиб чиққан ҳолда сув олиш лимитларини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши, шу жумладан белгиланган сув олиш лимитлари ва сув бериш режимига мувофиқ сув олиш ҳуқуқининг бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сувдан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин»;

28) қуйидаги мазмундаги **32¹-модда** билан тўлдирилсин:

«32¹-модда. Сув истеъмолчиларининг ҳуқуқлари

Сув истеъмолчилари:

берилаётган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома бўйича олинмай қолган сув учун компенсация талаб қилиш;

сув ресурсларини бошқаришга оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш;

ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда сув олиш лимитларини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш;

сувга доир муносабатлар соҳасидаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши, шу жумладан белгиланган сув олиш лимитлари ва сув бериш режимига мувофиқ сув олиш ҳуқуқининг бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Сув истеъмолчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин»;

29) **33, 34** ва **35-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33-модда. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади.

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши лозим.

34-модда. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқларини чеклаш

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда аҳоли соғлиғини сақлаш мақсадини, давлатнинг бошқа манфаатларини, шунингдек ўзга сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг манфаатларини кўзлаб, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқлари чекланиши

мумкин. Бунда аҳолининг ичимлик ва маиший эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш шароитлари ёмонлашмаслиги лозим.

35-модда. Сувдан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

Сувдан фойдаланувчилар:

сув объектларидан оқилона фойдаланиши, сувни тежаб сарфлаш, сувларнинг сифатини тиклаш ва яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши;

белгиланган сув олиш лимитларига ва сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши;

сувдан махсус фойдаланишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсатномани расмийлаштириши;

ифлослантирувчи моддалар мавжуд бўлган оқинди сувларни сув объектларига оқизишни тамомила тугатиш чора-тадбирларини кўриши;

бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига, шунингдек сув объектларига, хўжалик объектлари ва табиий ресурсларга (ерлар, ўрмонлар, ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва бошқаларга) зарар етказилишига йўл қўймаслиги;

сув объектларини, сувни муҳофаза қилиш иншоотларини ва бошқа иншоотларни, техник қурилмаларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, уларни ишлатиш сифатини яхшилаши ҳамда улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши;

сувни олиш ва беришда сув миқдори ҳисобини юритиши, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоботни тақдим этиши;

сув ресурсларидан фойдаланганлик, шунингдек сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловларни ўз вақтида шартномавий асосда тўлаши;

сувни тежаш чора-тадбирларини кўриши;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда сув истеъмолчиларига кўмаклашиши;

сувларнинг булғаниши, ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларига сувларнинг зарарли таъсирини бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши, шунингдек ер усти ва ер ости сувлари тўпланадиган майдонларнинг ифлосланишига йўл қўймаслиги;

сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарини сақлашнинг белгиланган режимига риоя қилиши;

сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг вакилларини ўз сув хўжалиги объектларига белгиланган тартибда киритиши ҳамда уларга зарур ахборотни тақдим этиши;

сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган авариялар ва бошқа табиий ҳамда техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятлар юзга келганлиги тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ўз вақти-

да хабардор қилиши ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни амалга оширишда, шунингдек сув объектларида таъмирлаш-тиклаш ишларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши;

балиқларни, бошқа сув флораси ва фаунасини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириши шарт.

Сувдан фойдаланувчилар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин»;

30) қуйидаги мазмундаги **35¹-модда** билан тўлдирилсин:

«35¹-модда. Сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари

Сув истеъмолчилари:

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши, сувнинг мақсадсиз истеъмол қилинишига йўл қўймаслиги, сувни тежаб сарфлаш, сувларнинг сифатини тиклаш ва яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши;

белгиланган сув олиш лимитлари ва сув истеъмоли қоидаларига риоя этиши;

сувни махсус истеъмол қилишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсатномани расмийлаштириши;

ифлослантирувчи моддалар мавжуд бўлган оқинди сувларни сув объектларига оқишишни тамомила тугатиш чора-тадбирларини кўриши;

бошқа сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига, шунингдек сув объектларига, хўжалик объектлари ва табиий ресурсларга (ерлар, ўрмонлар, ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва бошқаларга) зарар етказилишига йўл қўймаслиги;

сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши, ички сув объектлари ва иншоотларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши;

олинаётган сув миқдори ҳисобини юритиши ва сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома берган органларга зарур ахборотни тақдим этиши;

сув ресурсларидан фойдаланганлик, шунингдек сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловларни ўз вақтида шартномавий асосда тўлаши;

сувни тежаш чора-тадбирларини кўриши;

сувларни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда келишилган технология, ўрмон-мелиорация, агротехника, гидротехника, санитария тадбирлари ва бошқа тадбирларни амалга ошириши;

сувларнинг булғаниши, ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширишда ўзларига хизмат кўрсатувчи сувдан фойдаланувчиларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг талабига кўра иштирок этиши, шунингдек ер усти ва ер ости сувлари тўпланадиган майдонларнинг ифлосланишига йўл қўймаслиги;

сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи мин-

тақалари ва санитария муҳофазаси зоналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартларига риоя этиши;

сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг вакиллари ўз сув хўжалиги объектларига белгиланган тартибда киритиши ҳамда уларга зарур ахборотни тақдим этиши;

сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган авариялар ва бошқа табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзга келганлиги тўғрисида ўзларига хизмат кўрсатувчи сувдан фойдаланувчиларни, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ўз вақтида хабардор қилиши, шунингдек уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни амалга оширишда иштирок этиши;

балиқларни, бошқа сув флораси ва фаунасини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириши шарт.

Сув истеъмолчиларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин»;

31) **Х бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Х боб. Сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш ҳуқуқини бекор қилиш»;

32) **36** ва **37-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36-модда. Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқини бекор қилиш асослари

Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи:
сувдан фойдаланишга, сув истеъмолига эҳтиёж қолмаганда ёки улардан воз кечилганда;

сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли муддати тугаганда;
корхона, муассаса, ташкилот, фермер хўжалиги тугатилганда, деҳқон хўжалиги тугатилганда (фаолияти тугатилганда);

сув хўжалиги иншоотлари бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилганда;
танҳо фойдаланилаётган сув объектларини қайтариб олишга зарурат туғилганда бекор қилинади.

Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ёхуд сувдан мақсадсиз фойдаланилганда ёки сув мақсадсиз истеъмол қилинганда ҳамда лимитдан ортиқча сув олинганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар тўланмаган тақдирда ҳам сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин (ичимлик ва маиший эҳтиёжлар учун сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи бундан мустасно).

Қонун ҳужжатларида сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

37-модда. Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқини бекор қилиш тартиби

Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи:

сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун берилган рухсатномани бекор қилиш;

танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларини қайтариб олиш йўли билан бекор қилинади.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун унга рухсатнома берган органнинг қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади»;

33) **39-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39-модда. Сув хўжалиги тадбирларини ўтказиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли шартларини бекор қилиш ёки ўзгартириш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларга сув хўжалиги тадбирларини (сув объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини ва бошқаларни) ўтказиш, сувлардан нооқилона фойдаланиш, уларни булғатиш, ифлослантириш, камайтириш, шунингдек сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли шартларини қонунга хилоф равишда бекор қилиш ёки ўзгартириш натижасида етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қопланади.

Сув объектларининг соҳил бўйи минтақаларида ва санитария муҳофазаси зоналарида қонунга хилоф равишда қурилган объектлар ҳамда қонунга хилоф равишда ўзлаштирилган ер участкаларида сув хўжалиги тадбирларини ўтказиш чоғида етказилган зарарнинг ўрни қопланмайди»;

34) **40-модданинг матнидаги** «санитария» деган сўз «санитария-гигиена» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

35) **41-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олаётган сувларини ҳисобга олиб боришни ташкил этади, сув билан таъминлаш манбаларидаги сувнинг сифати ҳолатини мунтазам кузатиб боради ва манбаларда сув сифати ўзгарганлиги ҳамда ишлатилган сув миқдори ҳақида табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш, санитария назорати органларига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига маълумотлар бериб туради»;

36) **42-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аҳолининг ичимлик, маиший ва бошқа эҳтиёжларини марказлаштирилмаган тартибда сув билан таъминлаш учун сув объектларидан фойдаланганда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сувдан умумий ёки махсус фойдаланиш ёхуд сувни умумий

ёки махсус истеъмол қилиш тартибида бевосита ер усти ёки ер ости сув объектларидан сув олишга ҳақлидир. Зарур ҳолларда, бундай сув олиш каналлар, коллекторлар, сув омборларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш чоғида назарда тутилиши ва меъёрлаб қўйилиши лозим. Шу мақсадлар учун мўлжалланган сув олиш иншоотларидан фойдаланиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларига мувофиқ ҳамда сув объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, санитария назорати органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари мазкур сув олиш иншоотларининг тегишли санитария-техника ҳолатида бўлишини таъминлаши шарт»;

37) **44-модданинг иккинчи қисмидаги** «кончилиқни назорат қилиш давлат идоралари» деган сўзлар «саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

38) **47, 48, 49** ва **50-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47-модда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг, шунингдек фуқароларнинг суғориладиган ерларида қулай сув режимини вужудга келтириш мақсадида амалга оширилади.

Сув объектларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш лимит бўйича сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига риоя этган ҳолда сувдан умумий ва махсус фойдаланиш ёки сувни умумий ва махсус истеъмол қилиш тартибида амалга оширилади. Фермер ва деҳқон хўжалиқларининг сув олиш лимитлари уларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас, манбаларнинг суви камайган ҳоллар бундан мустасно.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома ушбу Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ берилади.

48-модда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланишни ва сув истеъмолини режалаштириш

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳар йилги сув билан ҳақиқий таъминланганлик ҳисобга олинган ҳолда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари асосида амалга оширилади.

Коллектор-дренаж тармоғида сувдан фойдаланишни ва сув истеъмолини режалаштириш мелиорация қилинаётган ерларнинг ҳолатини, коллектор-дренаж суви сифатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Сув истеъмоли режалари сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан тузилади ва тасдиқланади. Сув истеъмолчилари уюшмалари сув истеъмо-

ли режаларини умумлаштиради ва уюшмаларнинг сувдан фойдаланиш режаларини тузади.

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг сувдан фойдаланиш режалари ирригация тизимлари бошқармалари ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади.

Қуйидагилар:

ирригация тизими бошқармаси туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда — сув истеъмолчилари уюшмалари бўйича;

ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари билан келишилган ҳолда — ирригация тизими бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармаси — ҳавза ирригация тизими бўйича, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари бўйича тузилган ва умумлаштирилган сувдан фойдаланиш режаларини тасдиқлайди.

49-модда. Суғориладиган ерларда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг ўзига хос хусусиятлари

Суғориладиган ерларда каналлар, мураккаб муҳандислик иншоотлари, мелиорация тармоғи барпо этилганлиги шундай ерларнинг ўзига хос хусусиятидир.

Сув фонди ерларидан, сув объектларидан, суғориладиган ерлар доирасидаги сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари сув хўжалиги объектлари ва иншоотларидан ягона сув хўжалиги тизими сифатида фойдаланилади, улар давлат мулки бўлиб, хусусийлаштирилиши мумкин эмас.

Сув объектларининг соҳил бўйи минтақалари, ер ости суви чиқаргичи санитария муҳофазаси зоналарининг хўжалик-ичимлик суви мақсадидаги I ва II пояслари табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Суғориладиган деҳқончилик эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш лимит бўйича сувдан фойдаланишнинг ёки сувни истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Сувни фақат рўйхатдан ўтказилган, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланган сув ажратиш жойларидан (каналларнинг сув олиш иншооти, қудуқ, насос станцияси (агрегати) ва бошқа сув олиш иншоотлари) шартномавий асосда олишга рухсат берилади.

50-модда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланувчи сувдан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланувчи сувдан фойдаланувчилар ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

сув ресурсларини самарали бошқариши, лимитдан ортиқча сув олинишига ва сувдан мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўймаслиги;

белгиланган тартибда янги сув объектлари қурилишини ва ишлаб турганлари реконструкция қилинишини, шунингдек суғориладиган ерларнинг комплекс реконструкция қилинишини ташкил этиши;

сувни тежайдиган технологияларни ва илғор суғориш техникасини жорий этиш орқали суғориш воситалари ва усуллари такомиллаштиришда сув истеъмолчиларига кўмаклашиши;

қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сувларнинг мониторинги асосида салбий жараёнларнинг сабаблари ва оқибатларини бар-тараф этиши шарт»;

39) қуйидаги мазмундаги **50¹-модда** билан тўлдирилсин:

«50¹-модда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан фойдаланувчи сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан фойдаланувчи сув истеъмолчилари ушбу Қонуннинг 35¹-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтларини суғориш, шунингдек яйловларга сув чиқаришнинг қулай режимини сақлаши;

сувни тежайдиган технологияларни ва илғор суғориш техникасини жорий этиш орқали суғориш воситалари ва усуллари такомиллаштириши;

сувни тежаш имконини берадиган агротехника тадбирларини амалга ошириши;

тупроқ унумдорлигини сақлаш имконини берадиган мелиорация тадбирларини амалга ошириши;

суғориш учун берилган сувларнинг коллектор-дренаж тармоғига ва бошқа сув объектларига оқизиб юборилишига йўл қўймаслиги;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклашда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши шарт»;

40) **51-модданинг иккинчи қисмидаги** «корхоналар ҳамда ташкилотлар» деган сўзлар «корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

41) **53** ва **54-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«53-модда. Жамоа боғлари, токзорлари, экинзорларини ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сув объектларидан фойдаланиш

Жамоа боғлари, токзорлари, экинзорларини ва томорқа ер участкаларини сув билан таъминлаш сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома асосида сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқароларнинг экинзорларини ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сув ресурсларини ажратиш сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сув олиш

лимитларида назарда тутилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг экинзорларни ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сувга бўлган эҳтиёжларини умумлаштиради, сув истеъмоли тўғрисида шартномалар тузади ва улар ўртасида сувни истеъмол қилиш тартибини белгилайди, шунингдек суғориш тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этади.

54-модда. Сув истеъмолчиларининг сув объектларидан бериладиган сув оқими маромини ўзбошимчалик билан ўзгартиришини тақиқлаш

Сув истеъмолчиларининг сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари билан белгиланган тартибда келишилмаган ҳолда сув сарфини кўпайтириш ёки камайитириш мақсадида сув объектларидаги гидротехника иншоотларини ўзбошимчалик билан ўзгартириши, шунингдек уларга муваққат тўсиқлар, насос станциялари (агрегатлар) ва сувни кўтарадиган ҳамда сув оладиган бошқа иншоотларни қуриши тақиқланади.

Рўйхатдан ўтказилмаган сув ажратиш жойларидан ўзбошимчалик билан сув олиш тақиқланади»;

42) **55-моддадаги** «Каналлар ва бошқа» деган сўзлар «Сув объектлари ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) **56-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«56-модда. Сув объектларидан саноат мақсадларида ва иссиқлик энергетикаси эҳтиёжлари учун фойдаланувчи сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари

Сув объектларидан саноат мақсадларида ва иссиқлик энергетикаси эҳтиёжлари учун фойдаланувчи сув истеъмолчилари, ушбу Қонуннинг 35¹-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, сув таъминотининг айланма ҳамда такрорий тизимларини жорий этиш орқали сув сарфини камайитириш ва оқинди сувларнинг оқизиб юборилишини тугатиш чора-тадбирларини кўриши шарт»;

44) **57-модданинг матнидаги** «корхона водопровод сувини белгилаб қўйилган миқдордан ошиқ сарф қилиб юборган» ҳамда «маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари» деган сўзлар тегишинча «корхона водопровод сувини лимитдан ортиқча олган» ҳамда «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

45) **59-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сув объектларидан гидроэнергетика эҳтиёжлари учун фойдаланиш иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари манфаатлари ҳисобга олиниб, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда, шунингдек, агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида, тегишли ҳоллар-

да эса, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда табиатни муҳофаза қилиш органларининг қарориди бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сувлардан комплекс ва оқилона фойдаланиш талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гидроэнергетика корхоналари ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

сув объектларининг фойдаланиш қоидаларида белгиланган иш режимига, шу жумладан сув омборларини тўлдириш ва ишга тушириш, улардан сув чиқариш ҳамда сувнинг юқори ва қуйи сатҳи ўзгаришининг режимига риоя этиши;

санитария ва табиат муҳофазаси мақсадларида сув омборларидан сув чиқариб турилишини таъминлаши шарт»;

46) **62-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«62-модда. Балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаларидан ёки ов қилиш участкаларидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мажбуриятлари

Фойдаланиш учун балиқчилик хўжалиги сув ҳавзалари ёки ов қилиш участкалари бериб қўйилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ушбу Қонуннинг 35 ва 35¹-моддаларида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

балиқ захираларининг урчиб қўпайиш шароитларини таъминлаши;

ирригация-мелиорация тармоқларини, сунъий ҳовузлар ва бошқа балиқчилик хўжалиги иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклашни амалга ошириши, шунингдек уларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши;

зарур мелиорация ишлари олиб бориши ҳамда мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар жойлашган ерлардаги қирғоқ участкаларини лозим даражада санитария ҳолатида сақлаши шарт»;

47) **64-модданинг биринчи қисмидаги** «ҳокимият ва бошқарувнинг маҳаллий органлари» деган сўзлар «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

48) **XVII бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«XVII боб. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда жойлашган сув объектларидан фойдаланиш»;

49) **70-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кема қатнови учун сув объектларидан фойдаланиш қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади»;

50) **73-модданинг биринчи қисмидаги** «кончилик назорати давлат»

деган сўзлар «саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

51) **74-модданинг биринчи қисми** «сувдан фойдаланувчи» деган сўзлардан кейин «хамда сув истеъмолчиси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

52) **78-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув омборларида тўғонлар, дамбалар, сув ўтказадиган ва сув оладиган иншоотлар, гидроэнергетика мажмуаларидан ҳамда бошқа иншоотлардан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдаланиш қоидалари ҳамда сув омборларининг таъсир зоналаридаги сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчилари, ер участкаларининг мулкдорлари, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда сув омборларини тўлдириш ва ишлатиш борасида белгиланган режимга риоя қилиши шарт»;

иккинчи қисми «сувдан фойдаланувчиларнинг» деган сўзлардан кейин «ва сув истеъмолчиларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

53) **79-модданинг матни** «қўмитаси» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

54) **80-модданинг матни** «органлари» деган сўздан кейин «хамда катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш органлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

55) **82, 83** ва **84-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«82-модда. Гидроузеллар ва бошқа гидротехника иншоотларидан фойдаланиш тартиби

Дарёлар, сойлар, каналлар ва коллекторлардаги қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан фойдаланиладиган гидроузеллар ҳамда бошқа гидротехника иншоотлари давлат мулки бўлиб, улардан белгиланган тартибда фойдаланилади.

Сув истеъмолчилари уюшмалари, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг гидромелиорация тармоғидаги гидротехника иншоотлари, шу жумладан суғориш каналлари ва коллектор-дренаж тармоқлари сувдан фойдаланувчилар томонидан мансублиги бўйича ишлатилади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда бошқа сувдан фойдаланувчилар билан шартномавий асосда гидромелиорация тармоғига ва ундаги иншоотларга техник хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олиши мумкин.

83-модда. Ўзбекистон Республикасининг ва Орол денгизи хавзасидаги бошқа давлатларнинг ҳудудида жойлашган трансчегаравий сув объектларидан фойдаланишни тартибга солиш

Ўзбекистон Республикасининг ва Орол денгизи хавзасидаги бошқа давлатларнинг ҳудудида жойлашган трансчегаравий сув объектларидан (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Орол денгизи ва бошқа трансчегаравий сув объектларидан) фойдаланишни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

84-модда. Трансчегаравий сув объектларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли

Трансчегаравий сув объектларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, сув ҳўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси трансчегаравий сув объектларининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида тартибга солинмаган қисмида сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади»;

56) **XXIII бобнинг номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«XXIII боб. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш»;

57) **85, 86** ва **87-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«85-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилувчи органлар

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низолар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қишлоқ ва сув ҳўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари, шунга ваколатли бошқа органлар ва судлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

86-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга доир ваколати

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудидаги сув объектларидан фойдаланиш масалалари юзасидан фуқаролар ўртасидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш мазкур органларнинг ваколатига қиради, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳамда шунга ваколатли бошқа давлат органлари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустасно.

87-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга доир ваколати

Тегишли ҳудудда сув объектларидан фойдаланиш масалалари юзасидан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар ўртасидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатига киради, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳамда шунга ваколатли бошқа органлар ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустасно»;

58) **88** ва **89-моддалар** чиқариб ташлансин;

59) **90, 91** ва **92-моддалар** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«90-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилишга доир ваколати

Турли вилоятлар ёки битта вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига киради, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари ҳамда шунга ваколатли бошқа давлат органлари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустасно.

91-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги халқаро низоларни ҳал қилиш

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида трансчегаравий сувлардан ва трансчегаравий сув объектларидан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш тўғрисидаги низолар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланадиган тартибда ҳал қилинади.

92-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низоларни кўриб чиқиш

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги низолар тарафлардан бирининг аризасига биноан кўриб чиқилади. Аризага сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш ҳуқуқи бузилганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар илова қилинади»;

60) **93, 94** ва **95-моддалардаги** «Сувдан фойдаланишга» ва «Сувдан фойдаланиш» деган сўзлар тегишинча «Сувдан фойдаланишга ва сув истеъмолига» ва «Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

61) **XXIV бобнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«XXIV боб. Сувни ва сув объектларини муҳофаза қилиш»;

62) 98-модданинг:

номидаги «Сувни муҳофаза қилишни, шунингдек унинг ҳолати ва режимини яхшилашни» деган сўзлар «Сувни ва сув объектларини муҳофаза қилишни, шунингдек сув режими ва сувнинг ҳолатини яхшилашни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «сувларнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маҳаллий ҳокимият органлари» деган сўзлар «сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

63) 99-модда:

номи «Сувни» деган сўздан кейин «ва сув объектларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисмининг:

учинчи хатбошиси «сувни» деган сўздан кейин «ва сув объектларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сувларни ўғитлар, захарли кимёвий моддалар ва бошқа зарарли моддалар билан булғатиш»;

64) 100-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**«100-модда. Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналари**

Сув объектларининг тупроқ эрозияси маҳсулотлари билан булғаниши, ифлосланиши, камайиши ва лойқа чўкишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, шунингдек қулай сув режимини сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш учун нормал шарт-шароит яратиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари белгиланади.

Аҳолининг ичимлик, майший ва даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сувларни муҳофаза қилиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари белгиланади.

Сув объектларининг вазифаси, жойлашган ўрни ва техник кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарида ҳўжалик фаолиятининг махсус режими белгиланади.

Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

65) **103-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«103-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш бўйича мажбуриятлари

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа манфаатдор органлар билан келишилган ҳолда ёки шунга ваколатли давлат органларининг ёзма кўрсатмалари бўйича:

сув тошқинларининг, сув босиши ва зах босишининг;

соҳиллар, химоя дамбалари ва бошқа иншоотлар бузилиб кетишининг; ерларнинг ботқоқланиши ва шўрланишининг;

тупроқ эрозиясининг, жарлар, ўпирилишлар юзага келишининг, сел оқимларининг ва сувлар етказадиган бошқа зарарли таъсирнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириши шарт»;

66) **104-модда:**

иккинчи қисмидаги «ҳокимияти органлари» деган сўзлар «давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «ҳокимият органлари» деган сўзлар «давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

67) **105-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув етказадиган зарарли таъсирдан муҳофаза қилиш, зарарли таъсирнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш тадбирлари сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмолчиларининг маблағлари ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан, республика ва минтақавий дастурлар бўйича эса республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади»;

68) **106-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«106-модда. Сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий чора-тадбирлари

Сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари:

сув ресурсларидан фойдаланганлик, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари, сув объектларини ифлослантирганлик ва уларга зарарли таъсир этишнинг ўзга турлари учун ҳақ олишни;

сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда, сувни муҳофаза қилиш ва тежашда самарали бўлган фаолиятни амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзларни;

ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, экологик рағбатлантиришнинг ва бошқача рағбатлантиришнинг самарали чора-тадбирлари тизимини қўллашни назарда тутди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сувдан оқилона фойдаланиш, сувни оқилона истеъмол қилиш ва сувларни муҳофаза қилишга қаратилган самарали чоратадбирларнинг татбиқ этилишини рағбатлантириши ва тақдирлаши мумкин»;

69) **107-модданинг матнидаги** «халқ хўжалигининг» деган сўзлар «иқтисодиёт тармоқларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

70) **110-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сув хўжалиги баланслари ушбу Қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган сувлардан фойдаланишни тартибга солиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан умумлаштирилади»;

71) **111-модданинг матнидаги** «халқ хўжалигининг» деган сўзлар «иқтисодиёт тармоқларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

72) **XXVII бобнинг ўзбекча матнидаги номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«XXVII боб. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик»;

73) **115-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади»;

74) **XXVIII бобнинг ўзбекча матнидаги номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«XXVIII боб. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш натижасида етказилган зарарларни қоплаш»;

75) **ўзбекча матндаги 2-модданинг номи** ва **иккинчи қисми, 6-модданинг тўққизинчи хатбошиси, 7-модданинг олтинчи хатбошиси, 9-модданинг биринчи қисми, 20-модданинг матни, 26-модданинг биринчи қисми, 38, 46, 63, 66, 67** ва **71-моддаларнинг матнлари, 73-модданинг биринчи қисми, 75** ва **96-моддаларнинг матнлари, 101-модданинг тўртинчи қисми, 102-модданинг иккинчи қисми, 104-модданинг биринчи қисми, 115-модданинг номидаги** ва **117-моддадаги** тегишли сон ва келишиқдаги «қонун» деган сўз тегишли сон ва келишиқдаги «қонун ҳужжати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Ветеринария тўғрисида**»ги 935–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 335-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил,

№ 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда) **8-моддасининг иккинчи хатбошисидаги** «жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари» деган сўзлар «фермер ва деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда) **74-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«74-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш

Табий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва бошқа табиий сув объектларидан олинadиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, шунингдек лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан олти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сунъий сув оқимлари (очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинadиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан икки қисмидан бир баравари-

гача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан олти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — олти бараваридан ўн тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «**Ўсимликлар карантини тўғрисида**»ги 113-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 188-модда; 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг еттинчи хатбошисидаги** «жамоа хўжаликлари, деҳқон (фермер) хўжаликларига ва бошқа» деган сўзлар «фермер ва деҳқон хўжаликларига, бошқа» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг бешинчи қисми иккинчи хатбошисидаги** «жамоа хўжаликлари, деҳқон (фермер) хўжаликлари» деган сўзлар «фермер ва деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модданинг биринчи қисмидаги** «жамоа хўжаликлари, деҳқон (фермер) хўжаликлари» деган сўзлар «фермер ва деҳқон хўжаликлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**»ги 545-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 14-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда) **32-моддасининг матни** «сувдан» деган сўздан кейин «фойдаланувчиларнинг, сув истеъмолчиларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **34-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар тузилади. Комиссиялар таркибига ер

ресурслари ва давлат кадастри (комиссия котиби), кишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш, геология ва минерал ресурслар, давлат мулкани бошқариш, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади»;

2) **43-модданинг бешинчи қисмидаги** «ва сувдан фойдаланиш» деган сўзлар «сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **53-модданинг тўртинчи қисми** «ижарага» деган сўздан кейин «очиқ» деган сўз билан тўлдирилсин;

4) **55-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«55-модда. Дехқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш

Оилали ва кишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга дехқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади. Кишлоқ жойларда камида уч йил яшаб турганлик тўғрисидаги талаб янги суғориладиган ер массивлари учун қўлланилмайди. Бунда дехқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкасининг ўлчами яқка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилади. Мазкур қоида яқка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкаларига татбиқ этилмайди.

Дехқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкаларининг аниқ ўлчамлари ер ресурсларининг мавжудлиги, аҳолининг зичлигига қараб белгиланади. Дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарор туман (шаҳар) ҳокими томонидан ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг ижобий хулосаси асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

Фуқароларга дехқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимосди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкасини олишга мухтож бўлган фуқаролар яшаш жойидаги туман (шаҳар) ҳокимига оиласининг таркибини ва ер участкасининг мўлжалланган жойини кўрсатган ҳолда ариза беради.

Туман (шаҳар) ҳокими ер участкаларини бериш (реализация қилиш)

масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хулосаси асосида деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тўғрисида қарор қабул қилади ёки аризага ер участкаси бериш бўйича асослантирилган рад жавобини юборади.

Қишлоқ жойларда яшовчи ва ўз мулкида чорва моллари бўлган фуқароларга пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкаларини бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида**»ги 600–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 84-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) куйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **11-модда биринчи қисмининг:**

тўққизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбошиси тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) **12-модда биринчи қисмининг:**

саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) **4-бобнинг номи** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4-боб. Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) ер участкалари бериш.

Ердан фойдаланиш ва сув истеъмоли»;

4) **16-модданинг:**

номи куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16-модда. Сув истеъмоли»;

биринчи қисмидаги «судан фойдаланиш» деган сўзлар «сув объектларидан сув олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги 602–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) куйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъектидир»;

2) **4-модданинг:**

биринчи қисмидаги «шахс» деган сўз «Ўзбекистон Республикасининг фуқароси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Фермер хўжалиги бошлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

3) **5-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва захира ерларда ташкил этилади»;

учинчи қисмидаги «10» ва «1» рақамлари тегишинча «30» ва «5» рақамлари билан алмаштирилсин;

4) **III бўлимнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«III. Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш. Ердан фойдаланиш ва сув истеъмоли»;

5) **11-модданинг:**

биринчи қисми «участкалари» деган сўздан кейин «очиқ» деган сўз билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Қайта ташкил этилаётган» деган сўзлар «Фаолият кўрсатаётган, қайта ташкил этилаётган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи — ўн биринчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **бешинчи — ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий йиғилиши ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг ваколатли органи фермер хўжаликларига берилиши лозим бўлган ер участкаларини ижарачини аниқламаган ҳолда белгилаши мумкин. Бундай ҳолда фермер хўжалигига ер участкаси ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда берилади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси фермер хўжалигининг бошлиғи ва туман ҳокими томонидан имзоланади.

Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан, шунингдек ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясининг туман ҳокимининг қарорини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари олган ва қишлоқ аҳоли пунктида турар жойи бўлган шахсларнинг томорқа ер участкаси сақланиб қолади.

Фермер хўжалигининг ер участкаси чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланади»;

6) **12-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) таркибидан чиқиш ва фермер хўжалигини мустақил юритиш истагини билдирган аъзолари ушбу Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқига эга»;

7) **13-модда:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фермер хўжалиги бошлиғи пенсия ёшига тўлганда ёки меҳнат қобилиятини йўқотганда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисми талабларига жавоб берадиган ўз оила аъзоларидан бирига қонун ҳужжатларига мувофиқ ижара шартномаси амал қиладиган муддатга бериши мумкин»;

еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари тегишинча **саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

8) **15-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«15-модда. Сув истеъмоли

Фермер хўжаликларининг сув истеъмоли уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган сув объектларидан сув олиш лимитлари асосида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

9) **16-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитларнинг, ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари етказиб берилиши, сув хўжалиги хизматлари, техник ва бошқа хизматлар кўрсатилиши учун шартномалар тузиш»;

10) **17-модда биринчи қисмининг саккизинчи — ўн тўртинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи — ўн бешинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«сув ресурсларидан сув истеъмоли тўғрисидаги шартномага мувофиқ фойдаланиши, сувни тежаш, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини кўриши;

мазкур фермер хўжалиги аъзо бўлган сув истеъмолчилари уюшмаси балансида турган суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ва таъмирлашда белгиланган тартибда иштирок этиши, шунингдек уларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши;

сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи мин-

тақалари, санитария муҳофазаси зоналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби ва шартларига риоя этиши;

ер участкасини сақлаш шартларига ва сервитутларга риоя этиши;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини, ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаши;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловларни белгиланган тартибда ўз вақтида тўлаши;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда агротехника талабларига риоя этиши;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт»;

11) 19-модда:

тўртинчи қисмидаги «олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш» деган сўзлар «олиш, сотиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фермер хўжалиги тугатилаётганда фаолиятни амалга ошириш даврида ўз маблағлари ҳисобига яратилган мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эркин тасарруф этиши мумкин».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги 604–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 88-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **4-модданинг учинчи қисмидаги** «деҳқон хўжалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлганда эса, шартнома асосида — ушбу модданинг иккинчи қисми талабларига жавоб берадиган ҳар қандай шахсга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **5-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Дехқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади ҳамда фуқарога белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан ва деҳқон хўжалиги давлат рўйхатига олинганидан кейин ташкил этилган ҳисобланади.

Дехқон хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва доврахтлар билан қопланмаган ўрмон фонди ерларида, шунингдек захира ерларда ташкил этилади.

Дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкасини олишга мухтож бўлган фуқаролар яшаш жойидаги туман (шаҳар) ҳокимига оиласининг таркибини ва ер участкасининг мўлжалланган жойини кўрсатган ҳолда ариза беради.

Туман (шаҳар) ҳокими ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хулосаси асосида деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тўғрисида қарор

қабул қилади ёки аризаچига ер участкаси бериш бўйича асослантирилган рад жавобини юборади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин»;

3) 6-модданинг:

биринчи қисмидаги «деҳқон хўжалиги бошлигининг доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Посёлка, қишлоқ ва овул» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) 2-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2-боб. Деҳқон хўжаликларига ер бериш. Ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш ва сув истеъмоли»;

5) 8-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади. Қишлоқ жойларда камида уч йил яшаб турганлик тўғрисидаги талаб янги суғориладиган ер массивлари учун қўлланилмайди. Бунда деҳқон хўжалиги юритиш учун берилладиган ер участкасининг ўлчами якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки берилладиган ер участкасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилади. Мазкур қоида якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки берилладиган ер участкаларига татбиқ этилмайди.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалигига ажратилган ернинг чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилади.

Томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган деҳқон хўжалигига туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва реализация қилиш, озуқа етиштиришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Дехқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкаларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

6) **11-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11-модда. Сув истеъмоли

Дехқон хўжалиklarининг сув истеъмоли уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган сув объектларидан сув олиш лимитлари асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Дехқон хўжалигига бериладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби, шунингдек мазкур солиқ бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

7) **16-модданинг тўртинчи қисмидаги** «олиш, уни ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш» деган сўзлар «олиш, сотиш, уни ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **20-модданинг тўртинчи қисми** «туман» деган сўздан кейин «(шаҳар)» деган сўз билан тўлдирилсин;

9) **25-модда учинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «посёлка, қишлоқ ва овул» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида**»ги 820–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 217-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 1, 1-модда) **14-моддасининг матнидаги** «суддан бошқа тарзда фойдаланиш» деган сўзлар «бошқача тарзда суддан фойдаланиш, сувни истеъмол қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги 69–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда, № 9, 494-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) **29-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29-модда. Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг сув истеъмолини амалга ошириш кафолатлари

Фермер ва деҳқон хўжалиklари сув истеъмолини уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган сув объектларидан ҳар йилги сув олиш лимитлари асосида бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тенг ҳуқуқларда амалга оширади.

Фермер ва деҳқон хўжаликларининг сув объектларидан сув олиш лимитлари уларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас, манбаларнинг суви камайган ҳоллар бундан мустасно.

Фермер ва деҳқон хўжаликларининг сув истеъмоли ҳуқуқини давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан чеклашга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади».

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **84-модданинг бешинчи қисми** «сувдан фойдаланиш» деган сўзлардан кейин «ёки сув истеъмоли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **257-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** «сувдан фойдаланишни» деган сўзлардан кейин «ёки сув истеъмолини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **260-модданинг иккинчи қисмидаги** «сувдан фойдаланиш» деган сўзлар «сув объектларидан сув олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **263-модда учинчи қисмининг биринчи хатбошиси** «сувдан фойдаланиш» деган сўзлардан кейин «ёки сув истеъмоли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **264-модданинг биринчи ва учинчи қисмлари** «сувдан фойдаланиш» деган сўзлардан кейин «ёки сув истеъмоли» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

13-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 25 декабрь,
ЎРҚ–240-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

556 Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 25 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари ўзгартирилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расмий эълон қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга киритилади»;

2) **16-модданинг биринчи қисми:**

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган чет эл ташкилоти»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг, чет давлатнинг қонун ҳужжатларига ёки халқаро шартномага мувофиқ ташкил этилган халқаро ташкилот»;

3) **20-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида бир юз саксон уч календарь кунидан ортиқ давом этадиган тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши ҳам эътироф этилади»;

бешинчи қисми 2-бандининг ўзбекча матнидаги «ишончли шахс» деган сўзлар «ишончли вакил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **21-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «узоқ муддатли» деган сўзлар «молиявий» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **22-модданинг:**

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**асосий фаолият тури** — юридик шахснинг ҳисобот даври якунлари

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 31 декабрда эълон қилинган.

бўйича умумий реализация қилиш ҳажмидаги тушум улуши устунлик қиладиган фаолияти»;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**бюджетдан ажратиладиган субсидия** — давлат томонидан муайян мақсадлар учун бюджет ҳисобидан бериладиган пул маблағлари; солиқ тўловчига муайян мақсадларга йўналтириш шарти билан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ҳисобига бўшайдиган маблағлар»;

еттинчи хатбошиси «тақсимланмаган фойда устав фондини (устав капиталлини) кўпайтириш учун йўналтирилган тақдирда, юридик шахс акциядорининг, муассисининг (иштирокчисининг, аъзосининг) қўшимча акциялар қиймати, акциялар номинал қийматининг ошиши, улуш (пай, ҳисса) қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**мол-мулк** — эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш объектлари бўла оладиган моддий объектлар, шу жумладан пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар (пайлар, ҳиссалар) ҳамда номоддий объектлар»;

ийгирманчи хатбошисидаги «савдо маркасига» деган сўзлар «товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), савдо маркасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **30-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкин»;

7) **40-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар ўзаро алоқадор юридик шахслар ўз тижорат ва молиявий муносабатларида ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланилиши мумкин бўлган нархлардан фарқ қиладиган нархларни қўлласа, солиқ солинадиган база товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш нархлари асосида ҳисоблаб чиқариладиган солиқ солиш объектини аниқлашда давлат солиқ хизмати органлари ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланиладиган нархлардан фойдаланади.

Ўзаро алоқадор юридик шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва уларнинг чет давлатлар юридик шахслари бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

чет давлатларнинг юридик шахслари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

муассислари (иштирокчилари, аъзолари) айти бир юридик ёки жисмо-

ний шахслар бўлган Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва чет давлатларнинг юридик шахслари»;

8) **46-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Мазкур норма давлат солиқ хизмати органлари томонидан молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) доирасида текшириш ўтказилган давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этиладиган ҳолларда қўлланилмайди»;

тўртинчи қисмидаги «солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан» деган сўзлар «аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **52-модданинг тўққизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вафот этган жисмоний шахснинг жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ва қатъий белгиланган солиқни тўлаш бўйича қарзи умидсиз қарз деб эътироф этилади»;

10) **56-модда тўртинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида давлат солиқ хизмати органи томонидан хулоса тақдим этилган тақдирда, солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида» деган сўзлар «солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида хулоса тақдим этилган тақдирда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **58-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ортиқча тўланган бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш ортиқча тўланган сумма қайси бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказилган бўлса, ўша бюджет ёки давлат мақсадли жамғармаси маблағларидан солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида, зиммасига мажбурий тўловларни ундириб олиш мажбурияти юклатилган органларга тегишли ариза берилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида амалга оширилади»;

12) **60-модданинг учинчи қисмидаги** «топширилганлиги тўғрисидаги қвитанцияда» деган сўзлар «почта жўнатмаси топширилганлиги тўғрисидаги билдириш бланкасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **62-модда:**

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари жисмоний шахсларга нисбатан фақат суд тартибида қўлланилади ва уларга ушбу Кодекс 63 — 65-моддаларининг қоидалари татбиқ этилмайди, бундан яқка тартибдаги тадбиркорлар мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Яқка тартибдаги тадбиркорларга тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари ушбу Кодекснинг 63 — 65-моддаларида назарда тутилган тартибда қўлланилади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

14) **64-модданинг:**

тўртинчи қисмидаги «уч кунлик муддатда» деган сўзлар «уч иш куни ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:
«Ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган мажбурият солиқ тўловчининг дебитори томонидан бажарилмаган тақдирда, ундирув солиқ тўловчи тақдим этган солиштирма далолатнома асосида амалга оширилади»;

15) **65-модданинг учинчи қисмидаги** «суд қарори» деган сўзлар «суд хужжатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **81-модда:**

учинчи қисмидаги «жисмоний шахслар учун эса мол-мулк солиғини ҳам» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Объектлар бўйича ҳисобга қўйилиши давлат солиқ хизмати органлари томонидан мустақил равишда амалга ошириладиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчи — жисмоний шахсларга нисбатан ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган мажбурият татбиқ этилмайди»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

17) **84-модда** қўйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби ушбу моддада назарда тутилган органлар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади»;

18) **96-модданинг:**

биринчи қисми қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:
«Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш қўйидаги ҳолларда давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари асосида ҳам амалга оширилиши мумкин:

солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичида солиқ тўловчи — юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда;

солиқ тўловчи — юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда»;

иккинчи қисмидаги «шунингдек солиқ ҳисоботи тақдим этилмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

19) **103-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси ўзбекча матнидаги** «бундан воз кечишни» деган сўзлар «буни рад этишни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **104-модданинг олтинчи ва еттинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ солиқ тўловчи содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги ёки уни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришни тақдим этмаган ёхуд рад этганлиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этган тақдирда, шунингдек ушбу модданинг бешинчи қисмига

мувофиқ берилган муддат ичида жарима тўланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга муурожаат қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ушбу боб қоидаларига риоя этмаганлиги давлат солиқ хизмати органининг қарори давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан бекор қилиниши ёки мазкур қарорнинг суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиши мумкин»;

21) **108-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Якка тартибдаги тадбиркор томонидан содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда қўлланилади»;

тўртинчи — саккизинчи қисмлари тегишинча **бешинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

22) **110-модда номининг ўзбекча матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«110-модда. Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатлар»;

23) **113-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ тўловчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг давлат солиқ хизмати органида объектлар бўйича ҳисобга туришдан бўйин товлаши қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан кўпи билан ўттиз кун ўтган бўлса, — энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида;

агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан ўттиз кундан ортиқ ўтган бўлса, — энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида»;

24) **115-модданинг биринчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчи — жисмоний шахсга ёки солиқ тўловчининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик»;

25) **117-модданинг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«фаолиятнинг ушбу турларини лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз амалга ошириш даврида олинган соф фойда миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

26) **118-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўшилган қиймат солиғи солинмайдиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобва-
рақ-фактурада акс эттирганлик»;

27) **119-модда:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«119-модда. Фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш тартибини бузиш»;

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси «Фискал хотирали назорат-касса машиналарини» деган сўзлардан кейин «ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмининг биринчи хатбошиси «шунингдек пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

28) **129-модда учинчи қисмининг:**

2-банди «муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқиладиганда (чиқариладиганда)» деган сўзлардан кейин «ёки муассис (иштирокчи) улушининг миқдори камайтирилганда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8-банди «ва инсонпарварлик ёрдами» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9-банди чиқариб ташлансин;

12-банди ўзбекча матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно)»;

13-бандидаги «объект» деган сўз «молиявий ижара (лизинг) объекти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15-бандидаги «уларнинг» деган сўз «унинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

29) **130-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи — олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Наشريёт ва таҳририятлар учун газета ва журналларни реализация қилишдан олинган тушум уларда рекламани жойлаштиришдан олинган даромадлар киритилган ҳолда аниқланади.

Мол-мулкни ижарага беришдан фоизлар, роялти, даромадлар олиш им-

конини берувчи мол-мулкни ва мулкый ҳуқуқларни бошқа шахсларга фойдаланишга бериш, шунингдек талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахснинг фойдасига воз кечишдан олинган даромадлар, агар ушбу хизматлардан олинган жами даромадлар суммаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларнинг умумий суммасида устунлик қилса, хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар деб эътироф этилади.

Кредит, суғурта ташкилотлари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун ушбу Кодекснинг тегишинча 148, 150 ва 152-моддаларида кўрсатилган даромадлар хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар деб эътироф этилади»;

тўртинчи — саккизинчи қисмлари тегишинча **еттинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

30) **131-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади»;

31) **132-модда:**

9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) ушбу Кодекснинг 138-моддасига мувофиқ илгари чегириб ташланган харажатларнинг ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар»;

12 ва 13-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12) ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пеня, шунингдек қонуний кучга кирган суд ҳужжати асосида қарздор томонидан тўланиши лозим бўлган жарималар ва пеня;

13) ушбу Кодекснинг 140-моддасига мувофиқ курсдаги ижобий фарк»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қўшилган қиймат солиғи солинадиган бошқа даромадлар қўшилган қиймат солиғи суммаси чегирилган ҳолда аниқланади.

Нотижорат ташкилотлари учун ушбу моддада назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, бундан мазкур модда биринчи қисмининг 11, 14 ва 15-бандларида назарда тутилган бошқа даромадлар мустасно»;

32) **133-модданинг:**

биринчи қисмидаги «номоддий активлар, қимматли қоғозларнинг (улушнинг, пайнинг), товар-моддий захиралар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Асосий воситалар ва бошқа мол-мулк объектларининг чиқиб кетишидан олинган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда асосий воситалар ва бошқа мол-мулк объектларининг илгариги қайта баҳолалардаги ортган суммасининг ушбу асосий воситалар ва бошқа мол-мулк объекти қийматининг илгариги қайта баҳолалардаги камайиши суммаси-

дан ортган қисми асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади»;

33) **135-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жўнатиш, етказиб бериш ёки топшириш ҳужжатлари»;

34) **138-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қоплаш тарзида олинадиган даромадларга солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегирилган ва жорий солиқ даврида ўрни қопланган харажатлар ва (ёки) зарарлар киради»;

учинчи қисмидаги «жами» деган сўз «бошқа» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Захираларни ташкил этиш харажатлари солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегириб ташланган шубҳали қарзлар (таваккалчилик операциялари) бўйича захиралар қисқарган ҳолларда, уларнинг қисқариш суммаси бошқа даромадлар таркибида ҳисобга олинади ёки бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ харажатларни камайтиради»;

35) **141-модда саккизинчи қисми 1-бандининг ўзбекча матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш учун бошқа шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилиши муносабати билан, шунингдек комитент ёки бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ва (ёки) бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларга ҳақ тўлаш ҳисобига воситачи ва (ёки) бошқа ишончли вакил томонидан топширилган мол-мулк тарзидаги тўловлар, агар бундай харажатлар тузилган шартномаларнинг шартларига мувофиқ воситачи ёки бошқа ишончли вакилнинг ёхуд бошқа топшириқ берувчининг харажатлари таркибига киритилиши лозим бўлмаса»;

36) **143-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидагилар киради:

1) ҳақиқатда бажарилган иш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган иш ҳақи;

2) илмий даража ва фахрий унвон учун устамалар;

3) предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўланадиган тўловлар, бундан яқка тартибдаги тадбиркорлар билан тузилган шартномалар мустасно;

4) юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

5) рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар:

а) йиллик иш яқунлари бўйича мукофот;

б) юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги локал ҳужжатларида назарда тутилган тўловлар;

в) касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва мансаб маошларига устамалар;

г) кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;

д) рационализаторлик таклифлари учун тўловлар;

6) компенсация тўловлари (компенсация):

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақиға устамалар;

в) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда мансаб маошларига устамалар ва қўшимча тўловлар;

г) кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар;

д) доимий иши йўлда кечадиган ёки кўчиб юриш ва ҳаракатланиш хусусиятига эга бўлган ходимларнинг жўнаб кетиш пайтидан қайтиб келиш пайтигача йўлдаги ҳар бир сутка учун тўланадиган иш ҳақиға устамалар;

е) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишлар вахта усулида бажарилганда ходимларнинг иш ҳақиға устамалар;

ж) юридик шахс жойлашган ердан (йиғилиш пунктидан) ишлаш жойигача ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва (ёки) транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, мансаб маоши миқдорида тўланадиган суммалар;

з) ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;

и) ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъерий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

к) дала таъминоти;

7) ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

- а) қонун ҳужжатларига мувофиқ:
йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ундан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;
ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;
ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътилларга ҳақ тўлаш;
ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;
- б) асосий иш жойи бўйича асосий иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;
- в) донор ходимларга кўрикдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;
- г) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш;
- д) қишлоқ хўжалиги ишларига ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи;
- е) аввалги иш жойи бўйича мансаб маоши миқдорлари муайян бир муддат давомида сақлаб қолинган ҳолда бошқа юридик шахслардан ишга жойлаштирилган, шунингдек вазифани вақтинча бажариб турганда ходимларга маошдаги фаркни тўлаш;
- ж) юридик шахсларнинг ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқиши вақтида асосий иш жойи бўйича тўланадиган иш ҳақи;
- з) ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш;
- и) соғлиғининг ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда сақланадиган аввалги ўртача ойлик иш ҳақини қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тўлаш, шунингдек вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларига иш ҳақининг ҳақиқий миқдоригача қўшимча ҳақ тўлаш;
- к) мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарорига кўра ҳақ тўлаш;
- л) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;
- м) юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун, ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;
- н) олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар;

8) ногиронларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча тўловлар»;

37) **144-модда жадвалининг VII гуруҳи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

VII		Бошқа гуруҳларга киритилмаган асосий воситалар	
	1	Кўп йиллик дов-дарахтлар	10
	2	Бошқалар	15

38) **145-модда:**

1-бандининг ўзбекча матнидаги «чет» деган сўз «ўзга» деган сўз билан алмаштирилсин;

2-бандининг ўзбекча матнидаги «буткул» деган сўз «капитал» деган сўз билан алмаштирилсин;

5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ваколатли ташкилотлар томонидан муайян ҳуқуқлар ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни беришни назарда тутувчи ҳужжатларни берганлик учун йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича харажатлар, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) экспертизадан ўтказиш ҳамда маҳсулотни сертификатлаштириш билан боғлиқ харажатлар»;

11-бандининг учинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бу харажатлар мазкур шахсларнинг расмий қабулини ўтказиш, транспорт таъминоти, овқатланиши ва турар жойи, солиқ тўловчининг штатида турмаган таржимонлар хизматига ҳақ тўлаш харажатларидир»;

15-банди «ушбу Кодекснинг 143-моддасида кўрсатилганлари бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

18-бандининг ўзбекча матнидаги «қайта» деган сўз чиқариб ташлансин;

20-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20) солиқ тўловчининг фаолиятида зарур бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек ходимларнинг малакасини ошириш харажатлари»;

22-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22) ассоциацияларга, жамғармаларга ва бошқа ташкилотларга, шу жумладан халқаро ташкилотларга тўланадиган бадаллар, агар бундай бадалларни тўлаш солиқ тўловчи фаолиятининг амалга оширилиши учун мажбурий шарт бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан амалга оширилса»;

25-бандидаги «даврий (жорий)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

27-бандининг ўзбекча матнидаги «меҳнатда жароҳатланиши» деган сўзлар «меҳнатда майиб бўлиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28-банди чиқариб ташлансин;

31-бандидаги «халқ таълими» деган сўзлар «таълим» деган сўз билан алмаштирилсин;

33-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«33) Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича тўланадиган суғурта мукофотлари суммалари»;

43-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларининг ўзбекча матнидаги «мулк ҳуқуқининг ушбу чет эл валютасига ўтиши санасидаги ҳолатга кўра» деган сўзлар «ушбу чет эл валютасига бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиш санасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

49-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«49) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини, болани икки ёшга тўлгунига қадар парваришlash нафақаларини, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақаларни тўлаш харажатлари»;

куйидаги мазмундаги **50 — 56-бандлар** билан тўлдирилсин:

«50) ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;

51) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;

52) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари;

53) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озик-овқат билан таъминлаш харажатлари;

54) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) харажатлари;

55) меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича куйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар;

ходимнинг соғлиғига шикаст етганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

56) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳум ўртача ойлик иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар»;

39) **146-модданинг номи ва биринчи қисми биринчи хатбоши-сининг ўзбекча матнидаги** «базадан», «базани» деган сўзлар тегишинча «фойдадан», «фойдани» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) **147-модданинг:**

9 — 11-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) ушбу Кодекснинг 177-моддасида назарда тутилган жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланадиган солиқ тўловчининг харажатлари;

10) ходимларга таътил учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган ҳақ ва улар бўйича пуллик компенсациялар, бундан ушбу Кодекснинг 143-моддасида кўрсатилганлари мустасно;

11) дала таъминоти, хизмат мақсадида ходимнинг шахсий автотранспортдан фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган тўловлар»;

14 ва 15-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14) меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши сабабли ходимларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган тўловлар;

15) экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар, ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари тарзидаги маблағлар»;

21-банди «ва таътилга қўшимча тўланадиган ҳақлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

41) **148-модда:**

номи куйидаги тахрирда баён этилсин:

«148-модда. Кредит ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадлари»;

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошиси ва **1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кредит ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадларига куйидагилар киради:

1) кредит ташкилотининг ўз номидан ва ўз ҳисобидан пул маблағларини жойлаштиришдан, кредитлар ҳамда заёмлар беришдан олинадиган фоизлар, бошқа фоизли даромадлар. Ўзбекистон Республикаси кафолати остида берилган кредитлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ фоизларни тўлаш бўйича имтиёзли давр берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар кредит шартномасига кўра олиш муддати етиб келмагунича солиқ олинадиган даромад сифатида қаралмайди»;

6 ва **11-бандлари** чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Балансинг валюта қисми қайта баҳоланишидан олинган даромадлар, шунингдек чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан юзага келган ижобий фарқ ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар сифатида қаралади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

42) **150-модданинг номи** ва **биринчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«150-модда. Суғурта ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадлари»

Суғурта ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадларига куйидагилар киради»;

43) **151-модданинг 8-банди ўзбекча матнидаги** «чет» деган сўз «ўзга» деган сўз билан алмаштирилсин;

44) **152-модданинг номи** ва **биринчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«152-модда. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадлари»

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадларига куйидагилар киради»;

45) **154-модда:**

биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг

солиқ солинадиган фойдасини аниқлашда фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсади учун солиқ солинадиган фойда суммаси ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган харажатлар суммасининг 10 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас»;

учинчи қисмидаги «ушбу Кодекснинг 147-моддасига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар бундан мустасно» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) Ўзбекистон Республикаси ушбу норезидентининг хизматлари учун воситачилик даромадлари»;

46) **155-модда:**

учинчи қисми:

9-бандининг охириги жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, агар жўнатиш пункти ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, ташиш халқаро ташиш деб ҳисобланади»;

10-бандининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10) халқаро ташишларда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ташишларда транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатишдан олинадиган даромадлар»;

қуйидаги мазмундаги **11¹-банд** билан тўлдирилсин:

«11¹) текинга олинган мол-мулк»;

тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар мустасно»;

47) **156-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра ташкил қилинадиган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг вақтинча бўш маблағларини молия бозорларида жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинадиган даромадлар солиқ солишдан озод қилинади»;

48) **159-модданинг биринчи қисми:**

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, хомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар

суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда»;

3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар қилинган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Янги технологик жиҳоз харид қилинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, юридик шахслардан олинладиган фойда солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилинади. Ушбу имтиёз товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилади»;

4-банди чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) қўшимча фойда солиғини тўловчилар учун соф қўшимча фойда суммасига»;

49) **168-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахсларнинг — Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига ушбу Кодекснинг 182-моддасида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ва ставкалар бўйича солиқ солинади»;

50) **171-модда иккинчи қисмининг:**

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари»;

3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари»;

5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим

тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатлари»;

8-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан ушбу Кодекснинг 174 ва 178-моддаларида кўрсатилганлари мустасно»;

11-бандидаги «агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12-банди чиқариб ташлансин;

13-банди биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13) мол-мулкни суғурта қилиш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга тўланадиган суғурта мукофотлари»;

51) **172-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи;

илмий даража ва фахрий унвон учун қўшимча тўловлар;

ушбу Кодекснинг 173-моддасига мувофиқ рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

ушбу Кодекснинг 174-моддасига мувофиқ компенсация тўловлари (компенсация);

ушбу Кодекснинг 175-моддасига мувофиқ ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қуйидагилар ҳам киради:

предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга (ушбу Кодекс 169-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бундан мустасно) тўловлар;

юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар»;

52) **173-модданинг:**

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) йиллик иш якунлари бўйича мукофот, байрам саналари ва муҳим саналар, жамоатчилик фаолиятидаги ютуқлар муносабати билан ходимларни рағбатлантириш хусусиятига эга бир йўла бериладиган мукофотлар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар»;

4-бандидаги «ҳар йилги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

53) **174-модданинг:**

1 ва **2-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар);

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақиға устамалар»;

4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар»;

54) **175-модданинг:**

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) қонун ҳужжатларига мувофиқ:

а) йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилға ҳақ тўлаш, шунингдек ушбу таътидан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;

б) ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилға ҳақ тўлаш;

в) ўқиш билан боғлиқ таътилға ва ижодий таътиллارға ҳақ тўлаш;

г) ўн икки ёшға тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшға тўлмаган ногирон боласи бор аёлларға берилган қўшимча таътилға ҳақ тўлаш»;

11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) ўн саккиз ёшға тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарға болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларға, шунингдек тиббий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш»;

13, 14 ва **17-бандлари** чиқариб ташлансин;

55) **176-модданинг:**

4-банди қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Мол-мулкни олиш нархи ва реализация қилиш нархи, олиш нархи бўлмаган тақдирда эса, инвентаризация қиймати ва реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ даромад деб эътироф этилади»;

5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) саноат мулки объектларига, селекция ютуғига берилган патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромади»;

7-банди чиқариб ташлансин;

56) **177-модда биринчи қисмининг:**

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар, агар ушбу Кодекс 171-моддасининг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидагилардир»;

2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) солиқ тўловчининг манфаатларини қўзлаб текинга, шу жумладан ҳада шартномаси асосида берилган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати»;

57) **178-модда:**

3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам»;

13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти»;

15 ва 16-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15) ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар»;

16) моддий ёрдам тариқасида:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар;

ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар;

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган тўловлар;

мақсадли хусусиятга эга бўлган ҳамда ходимлар билан юз берган шахсий тусдаги воқеалар, ҳодисалар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган тўловлар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловлар»;

қуйидаги мазмундаги **17 — 20-бандлар** билан тўлдирилсин:

«17) қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

18) ишламайдиган пенсионерларга юридик шахс томонидан тўланадиган тўловлар;

19) суғурта товони суммалари;

20) маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пул тўловлари»;

58) **179-модда:**

1-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бошқа ҳолларда — солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда»;

7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти»;

11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинadиган даромадлар, бундан қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини) реализация қилишдан олинган даромадлар, шунингдек амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида олинган мол-мулкни сотишдан тушадиган даромадлар мустасно»;

14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14) юридик шахсдан солиқ даври мобайнида энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган қийматдаги:

ходимлар натура шаклида олган совғалар;

илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ва бошқа турлардаги ёрдам»;

19-бандининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкни сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини олиш учун йўналтириладиган суммалари, шунингдек дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар»;

20-бандидаги «хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан» деган сўзлар «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармаларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22 ва 23-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22) фуқароларнинг суғурта товони сифатида оладиган суммалари;

23) қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар»;

28-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28) фуқароларнинг солиқ солинадиган ва Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг суммалари»;

30-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30) қуйидаги жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммалари:

ёш оила аъзолари томонидан якка тартибда уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартиралли уйдаги квартирани реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда.

Ушбу бандда кўрсатилган мол-мулк олинган (мол-мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, мазкур бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади»;

қуйидаги мазмундаги **31-банд** билан тўлдирилсин:

«31) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг:

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари»;

59) **182-модда:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«182-модда. Жисмоний шахсларнинг — Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари»;

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«интеллектуал мулк объектларига бўлган мулквий ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказганлик учун мукофот, ижара бўйича даромадларга ҳамда ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга шартномалар бўйича олинган бошқа даромадларга — 20 фоиз»;

60) **184-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахсларнинг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қуйидаги даромадлар кирази:

1) ушбу Кодекснинг 172-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари;

2) ушбу Кодекснинг 177-моддасига мувофиқ моддий наф тарзидаги даромадлар;

3) мулквий даромадлар, агар даромаднинг тўлов манбаи юридик шахс —

Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти, чет эл юридик шахсининг ваколатхонаси бўлса;

4) ушбу Кодекснинг 178-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар, агар даромаднинг тўлов манбаи юридик шахс — Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти, чет эл юридик шахсининг ваколатхонаси бўлса»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахсга моддий наф тарзида даромад тўловчи солиқ агенти, жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушлаб қолмасликка ҳақлидир. Бунда жисмоний шахс моддий наф тарзидаги даромад бўйича ушбу Кодекснинг 189-моддасига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаши шарт»;

61) 186-модданинг:

тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўз ходимларига моддий ёрдам кўрсатган ва совғалар берган солиқ агентлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини солиқ даврининг охирида амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади.

Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан совға, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс даромадлар тўғрисида декларация топширган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ даврининг охирида амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади»;

саккизинчи ва тўққизинчи қисмларидаги «179-моддаси 1-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида, 14-бандида» деган сўзлар «179-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбошисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи қисмидаги «иш ҳақи тўлаётганда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи қисмидаги «олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва ушлаб қолинган солиқ суммалари» деган сўзлар «жисмоний шахснинг жами йиллик даромади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

62) 187-модданинг 2-бандидаги «25-кунига қадар» деган сўзлар «25-кунидан кечиктирмай» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

63) 188-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Иш ҳақи бўйича ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда солиқни тўлаш амалга оширилмайди»;

64) 189-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентларининг қуйидаги даромадлари киради:

мулкий даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса;

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;

асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар;

икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;

солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи унинг аризасига кўра белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди, ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган даромадлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси резидентига айланган чет эллик жисмоний шахс, мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қоидаларидан қатъи назар, ушбу Кодекснинг 192-моддасида назарда тутилган тартибда ва муддатларда даромадлари тўғрисида декларация тақдим этади»;

65) 191-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосий иш жойи бўйича тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги маълумотнома илова қилинади»;

иккинчи — тўққизинчи қисмлари тегишинча **учинчи — ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

66) 192-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Декларация қилиниши шарт бўлмаган даромадларни олган солиқ тўловчилар доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин»;

иккинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **учинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «учинчи қисмида» деган сўзлар «тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисида

билдиришнома топширишга ҳақли. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этилган тақдирда, солиқнинг якуний суммаси ушбу декларация ҳисобга олинган ҳолда аниқланади»;

67) **196-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисобга олиш учун чет давлат ваколатли органининг маълумотномаси ёки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асос бўлади»;

68) **199-модда**:

биринчи қисмининг 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда ушбу Кодекснинг 147-моддасига мувофиқ харажатлари чегирилмайдиган солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўзи ишлаб чиқарган товарларни бериш, ўз кучи билан ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш»;

иккинчи қисми:

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун товарларни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, бундан ушбу модданинг биринчи қисми 7-бандида назарда тутилган харажатлар мустасно»;

4-бандининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) қайтариладиган тарани жўнатиш»;

7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) банклар ва суғурта ташкилотлари томонидан мол-мулкни ўз филиалларига бериш»;

қуйидаги мазмундаги **13-банд** билан тўлдирилсин:

«13) товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш»;

69) **200-модданинг номи, биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«200-модда. Солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборотларни белгилаш

Солиқ тўловчининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти солиқ солинадиган оборотдир, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган оборотлар бундан мустасно.

Солиқ тўловчининг товарларни (ишларни, хизматларни) қуйидаги реализация қилиш оборотлари солиқ солинмайдиган оборотдир:

ушбу Кодекснинг 208, 209 ва 210-моддаларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборот;

реализация қилинган жойи Ўзбекистон Республикаси бўлмаган оборот.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойи ушбу Кодекснинг 202-моддасига мувофиқ белгиланади»;

70) **202-модда учинчи қисмининг 4-банди олтинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «ишончли шахс» деган сўзлар «ишончли вакил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

71) **204-модданинг тўртинчи — ўн олтинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи — ўн саккизинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун такдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир. Агар шартномага биноан бу ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳукуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати солиқ солинадиган базадир.

Импорт қилинган товарлар реализация қилинганда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Мол-мулк молиявий ижарага, шу жумладан лизингга берилганда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади, солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган товарлар молиявий ижарага (лизингга) берилганда эса, қўшилган қиймат солиғини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган активнинг қиймати солиқ солинадиган базадир. Бунда чиқиб кетаётган активнинг қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган, молиявий ижара ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида эътироф этиладиган сумма тарзида белгиланади.

Қурилиши тугалланмаган объект реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, қурилиши тугалланмаган объектни реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Кредит ташкилоти томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятни қоплаш ҳисобига олинган мол-мулк реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш нархи билан қарзни қоплаш ҳисобига мазкур гаров мол-мулки олинган қарз суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда, солиқ солинадиган база белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ушбу Кодекс 200-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ реализация қилишда солиқ солинмайдиган оборотлар ҳисобланувчи чипталар, абонементлар, йўлланмалар (жойсиз даволаниш учун берилган ҳужжатлар) ва хизматлар олишга ҳуқуқ берувчи бошқа ҳужжатлар мазкур хизматларни кўрсатмайдиган юридик шахслар томонидан ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш баҳоси ва уларни олиш баҳоси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Ушбу Кодекс 219-моддасининг 5 ва 6-бандларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олиш назарда тутилмаган мол-мулк реализация қилинган тақдирда (мазкур мол-мулк қўшилган қиймат солиғи билан олинганлиги ёки олинмаганлигидан қатъи назар), солиқ солинадиган база унинг реализация қилиш (чиқиб кетиш) қиймати билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда, экспедиторнинг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб хизматлар кўрсатилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ (фоиз) тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик, топшириқ шартномасига биноан комитент ёки топшириқ берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Гаровга қўювчи гаров мол-мулкни гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш ҳисобига топширган тақдирда, гаровга қўювчининг солиқ солинадиган обороти миқдори гаровга олувчи томонидан реализация қилин-

ган мол-мулк қийматидан келиб чиққан, бироқ қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда мазкур гаровга қўйилган мол-мулкка олинган заём маблағлари суммасидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Гаровга топширилган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича гаровга қўювчининг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан баланс (қолдик) қиймати ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қайтариладиган тара солиқ солинадиган оборотга киритилган тақдирда, тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, солиқ солинадиган база мазкур таранинг қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган гаров қиймати асосида белгиланади»;

72) **205-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ солинадиган базага ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади»;

73) **208-модда:**

биринчи хатбошиси «қўшилган қиймат солиғидан» деган сўзлардан кейин «агар ушбу Кодекснинг 212-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи, патент божи, йиғим ёки бошқа тўловлар ундириладиган хизматлар»;

10-бандининг учинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу банднинг қоидалари юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмаларига кўра шаҳар йўловчилар ташиш транспортида ходимларни ишдан ва (ёки) ишга ташиш бўйича хизматларга, тадбирлар ўтказиш учун ташиш бўйича хизматларга, шу жумладан шаҳар ташқарисига ташишга ҳам татбиқ этилади»;

15-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15) санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари. Ушбу бандни қўллаш мақсадида:

санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматларига санаторийлар, шифоналар, профилакторийлар, курортлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва зоналари, болалар дам олиш оромгоҳлари ва бошқа дам олиш ташкилотлари томонидан уларнинг асосий устав фаолияти доирасида кўрсатиладиган хизматлар қиради»;

21-банди чиқариб ташлансин;

24-бандидаги «санитария тозалаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

25 ва **35-бандлари** чиқариб ташлансин;

74) **211-модда:**

7-бандининг иккинчи жумласидаги «имтиёз қўлланилган бутун давр учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **11-банд** билан тўлдирилсин:

«11) қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч»;

75) **213-модда иккинчи қисми биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «(ишонч билдирувчи)» деган сўзлар «(топшириқ берувчи)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

76) **217-модда** «канализация» деган сўздан кейин «санитария тозалаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

77) **218-модда:**

биринчи қисми:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи ҳақиқатда олинган ва (ёки) солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғининг суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, агар бунда қуйидаги шартлар бажарилса»;

қуйидаги мазмундаги **1¹-банд** билан тўлдирилсин:

«1¹) товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадида фойдаланилса»;

3-банди қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Агар импорт қилинган товарлар бўйича солиқни бюджетга тўлашдан озод этиш тарзида бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шarti билан имтиёз берилган бўлса ҳам қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинди»;

учинчи — тўққизинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **учинчи — саккизинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Реализация қилинганда ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи товарлар экспортдан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади. Товар воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли вакил орқали экспортга реализация қилинган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг суммаси улушида ҳисобга олинади.

Товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда моддий ресурслар бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммаси, шу жумла-

дан эҳтиёт қисмлар ва деталлар қиймати ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шартларга риоя этилган тақдирда ҳисобга олинади.

Товар воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича олинган тақдирда, комитент, топшириқ берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда тўланган қўшилган қиймат солиғи ҳисобот даврида реализация қилинган товарлар улушида ҳисобга олинади.

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ва (ёки) қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий тўлашга ўтилган тақдирда, юридик шахс бундай турдаги тўловларга ўтилган пайтдан эътиборан товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қолдиқлари бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Шундай тартиб имтиёзлар бекор қилинганда, қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича мажбурият юзага келган солиқ тўловчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Қўшилган қиймат солиғини тўловчида солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборотлар, шу жумладан қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотлар мавжуд бўлган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи ушбу Кодекснинг 221-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

Ушбу бобни қўллаш мақсадида мол-мулкни ижарага беришга, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга хизматлар сифатида қаралади»;

78) **219-модданинг:**

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) олинаётган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича, шунингдек молиявий ижарага, шу жумладан лизингга бериш учун олинаётган мол-мулк бўйича»;

3-банди чиқариб ташлансин;

6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) ушбу Кодекснинг 147-моддасига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатларни амалга ошириш мақсадида олинган мол-мулк бўйича»;

79) **220-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан тасдиқланган нормалардан, бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалардан ортиқча моддий ресурслар бўйича йўқотишлар ва бузилишлар»;

80) **222-модданинг:**

иккинчи қисми:

4-бандидаги «ўнинчи қисмига» деган сўзлар «саккизинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-банди ўзбекча матнидаги «кафиллик шартномаси» деган сўзлар «топшириқ шартномаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)

етказиб берилган тақдирда, ушбу ҳужжатларда қўшилган қиймат солиғи суммаси албатта ажратиб кўрсатилиши керак»;

саккизинчи қисмидаги «ҳисобот даврининг» деган сўзлар «ойнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўн биринчи — ўн учинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи — ўн тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи солиқ солинадиган базага уни кўпайтиришга (камайтиришга) қаратилган тузатиш киритган тақдирда, мазкур товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи томонидан тасдиқланадиган қўшимча ҳисобварақ-фактура тузилади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи қўшимча ҳисобварақ-фактурада қуйидаги маълумотларни кўрсатиши керак:

- 1) қўшимча ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва тузилган санаси;
- 2) ҳисобварақ-фактурани тўлдиришда зарур бўлган, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган реквизитлар;
- 3) тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси;
- 4) қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий);
- 5) қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий).

Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар ўзлари олган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактураларнинг, шунингдек реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларнинг реестрини юритиши шарт. Бунда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрига фақат қўшилган қиймат солиғи ажратиб кўрсатилган ҳисобварақ-фактуралар киритилади.

Ҳисобварақ-фактуранинг шакли, уни тўлдириш тартиби, шунингдек келиб тушган ва тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

81) **225-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчилар, бундан кредит ва суғурта ташкилотлари мустасно, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрини тақдим этади»;

82) **227-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳисобга олиннадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг солиқ даври яқунларига кўра ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқчалиги сақланиб қолган тақдирда, ушбу ортиқча сумма кейинги солиқ даврига ўтказилади ва қўшилган қиймат солиғи бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади ёхуд солиқ тўловчига мазкур моддада белгиланган тартибда қайтарилади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

83) 228-модданинг учинчи қисми:**1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) товарларни экспорт қилишни амалга ошираётган юридик шахслар — ушбу Кодекс 213-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини, шунингдек чет эл валютасида реализация қилинган товарлар учун тушум солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирмаларни»;

қуйидаги мазмундаги **1¹-банд** билан тўлдирилсин:

«1¹) товарлар экспортини воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли вакил орқали амалга ошираётган юридик шахслар — ушбу Кодекс 213-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини, шунингдек чет эл валютасида реализация қилинган товарлар учун тушум воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирмаларни ёки уларнинг кўчирма нусхаларини»;

84) 230-модда иккинчи қисмининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**«3) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида;

давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишга»;

85) 233-модда қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади»;

86) 242-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конларни аниқлаш ва қидириш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олишни амалга ошираётган, шунингдек фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар солиқ солиш мақсадида ер қаъридан фойдаланувчилардир»;

87) **243-модданинг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олаётган, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилар»;

88) **244-модда:**

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қатламдаги босимни сақлаб туриш ва (ёки) углеводородларни тугал технологик жараён доирасида ажратиб олиш учун махсулдор қатламга қайта ҳайдаб киритиладиган табиий газ ҳажми солиқ солиш объекти бўлмайди»;

еттинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кавлаб олинган (шу жумладан қўшилиб чиқадиган) фойдали қазилмалар;

фойдали қазилмалардан, минерал хом ашёдан, техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган фойдали компонентлар»;

89) **247-модда иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари** «йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

90) **250-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўшимча фойда суммаси билан қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган соф тушумдан ҳисоблаб чиқарилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган соф қўшимча фойда солиқ солинадиган базадир»;

91) **253-модданинг биринчи қисмидаги** «аниқлаш, қидириш ва кавлаб олиш бўйича» деган сўзлар «аниқлаш ва қидириш бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

92) **254-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Тижоратбоп топилма бонуси, агар аввал мазкур кон бўйича тижоратбоп топилма бонуси тўланмаган бўлса, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳуқуқини олган ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳам тўланади»;

93) **263-модда учинчи қисмининг:**

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) — ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда»;

2 ва 4-бандларидаги «25-кунигача» деган сўзлар «25-кунидан кечиктирмай» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

94) **269-модда:**

биринчи қисмининг:

2-бандидаги «халқ таълими» деган сўзлар «таълим» деган сўз билан алмаштирилсин;

8-банди иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Объектларни табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадлари ва ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларга киритиш тегишли табиатни муҳофаза қилиш ёки давлат ёнғин назорати органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади»;

9-банди русча матнидаги «энергопередач» деган сўз «электропередачи» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) янги ташкил этилган корхоналар — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди»;

95) 271-модда олтинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти доимий муассасанинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солинадиган мавжуд мол-мулк тўғрисидаги маълумотномани ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январидан кечиктирмай тақдим этиши шарт. Тақдим этилган маълумотнома асосида давлат солиқ хизмати органи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобини ўн кун ичида амалга оширади ва тўлов хабарномасини ёзади»;

Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулкка эга бўлган норезидентларига солиқ тўловчидан ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органдан олинган маълумотлар асосида тўлов хабарномасини ёзади»;

96) 275-модда биринчи қисмининг:**2-банди иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳнома си ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органининг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади»;

8-банди чиқариб ташлансин;**97) 276-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ солиш объектлари жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилган ёхуд улар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган тақдирда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар бўйича жисмо-

ний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади»;

98) **277-модданинг ўнинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Календарь йил мобайнида имтиёз ҳуқуқи вужудга келган (амал қилиши тугаган) тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган (амал қилиши тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади»;

99) **282-модда иккинчи қисмининг 9-бандидаги** «халқ таълими» деган сўзлар «таълим» деган сўз билан алмаштирилсин;

100) **285-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ солинадиган базада (ҳисобланган солиқ суммасида) солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда юридик шахслар бир ойлик муддат ичида давлат солиқ хизмати органига ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этиши шарт»;

101) **288-модданинг иккинчи қисми** «ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида кўрсатилганлари бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

102) **290-модда биринчи қисми:**

3-бандининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади»;

5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади»;

7-бандининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар)»;

103) **293-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 290-моддасида кўрсатилган имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ушбу имтиёзларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

104) **296-модданинг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда солиқ солинадиган база олиними лозим бўлган (олинган) дивидендлар суммасига, қўшимча фойда солиғи тўловчилар учун эса соф қўшимча фойда суммасига ҳам камайтиради»;

105) **297-модданинг иккинчи қисмидаги** «халқ таълими» деган сўзлар «таълим» деган сўз билан алмаштирилсин;

106) **XIV бўлим номининг ўзбекча матнидаги «ЁНИЛҒИСИ»** деган сўз «**ЁҚИЛҒИСИ**» деган сўз билан алмаштирилсин;

107) **301** ва **302-моддаларнинг ўзбекча матнидаги «ёнилғиси»** деган сўз «ёқилғиси» деган сўз билан алмаштирилсин;

108) **304-модданинг ўзбекча матнидаги «ёнилғиси»** ва «ёнилғи» деган сўзлар тегишинча «ёқилғиси» ва «ёқилғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

109) **308-модда:**

3-банди чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг оддий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар»;

110) **310-модда бешинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Иш ҳақи ҳисобига ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда суғурта бадаллари тўлови амалга оширилмайди»;

111) **311-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, якка тартибдаги тадбиркорлар суғурта бадалларини мажбурий тартибда ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда тўлайди»;

тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай» деган сўзлар «тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

112) **312-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қуйидагилардир:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс»;

113) **313-модда иккинчи қисмининг:**

2-банди қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белги-ланади»;

3-банди ўзбекча матнидаги «пул мукофоти» деган сўзлар «ҳақ» деган сўз билан алмаштирилсин;

114) **316-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қўйидагилардир:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс»;

115) **317-модда иккинчи қисмининг 2-банди** қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белги-ланади»;

116) **323-модданинг иккинчи хатбошиси** «ёки автотранспорт воситаларининг қиймати» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

117) **324-модданинг 6-банди** «мактаб-интернатлар» деган сўзлардан кейин «ногирон болалар учун марказлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

118) **330-модда:**

1-банди чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **25 — 27-бандлар** билан тўлдирилсин:

«25) юридик ва жисмоний шахслар — суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлари бўйича;

26) халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан ҳукуматлараро келишувлар асосида берилган кредитлар бўйича асосий қарздор сифатида қатнашувчи давлат органлари ва ташкилотлари — субзаём олувчилардан пайдо бўлган қарздорликларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

27) давлат эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича сотиб олувчи ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотлари — етказиб берувчилар (пудратчилар) томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги билан боғлиқ даъволар юзасидан»;

119) **335-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дехқон хўжаликларини, давлат корхоналари негизида тузилаётган акциядорлик жамиятларини, шунингдек хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди»;

120) **336-модданинг еттинчи қисмидаги** «қисмининг» деган сўз чиқариб ташлансин;

121) **337-модданинг:**

ўн саккизинчи қисмидаги «мол-мулкни бошқа шахсга беришга доир шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги» деган сўзлар «мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

йигирма олтинчи қисми йигирма бешинчи қисм деб ҳисоблансин; қуйидаги мазмундаги **йигирма олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Пул маблағлари мавжуд бўлмаган, бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга умумий юрисдикция судининг, хўжалик судининг ажримига кўра давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Банк тасдиғида умумий юрисдикция судига, хўжалик судига муурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши лозим»;

122) **348-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «ягона солиқ» деган сўзлар «ягона солиқ тўлови» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

123) **350-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **3-банд** билан тўлдирилсин:

«3) оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — якка тартибдаги тадбиркор»;

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга, бундан махсус печлардан фойдаланган ҳолда энергия тежайдиган замонавий технологиялар асосида пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно»;

124) **354-модданинг еттинчи қисмидаги** «тўловчилар» деган сўз «тўловчилар — юридик шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

125) **355-модда:**

иккинчи қисмининг 1-банди:

учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган

тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади»;

олтинчи хатбошиси ўзбекча матнидаги «пул мукофоти» деган сўзлар «ҳақ» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«товарларни таннархидан ёки олиш баҳосидан паст баҳоларда реализация қилувчи, шунингдек товарларни текинга берувчи юридик шахслар учун — товарлар таннархи ёки уларни олиш баҳоси. Бунда баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ушбу норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига текинга бериладиган товарларга татбиқ этилмайди»;

учинчи қисмидаги «ушбу Кодекс 130-моддасининг тўртинчи — еттинчи қисмларида» деган сўзлар «ушбу Кодекс 130-моддасининг еттинчи — ўнинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми:

8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами»;

9-банди чиқариб ташлансин;

11-бандининг ўзбекча матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатишга оид бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган молмулк (ҳақ тўлови бундан мустасно)»;

14-бандидаги «уларнинг» деган сўз «унинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

126) **357-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади»;

127) **359-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисобот даври қуйидагилардир:

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун — йил чораги;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун — бир ой»;

128) **363-модданинг бешинчи қисми ўзбекча матнидаги** «даромад» деган сўз «фойда» деган сўз билан алмаштирилсин;

129) **372-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

130) **373-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган келгуси иш куни тугагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади»;

131) **375-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолиятининг тури ва солиқ тўловчининг фаолиятни амалга ошириш жойига қараб белгиланган ставкалар бўйича тўланади»;

тўртинчи қисмидаги «25-кунига қадар» деган сўзлар «25-кунидан кечиктирмай» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

132) **380-модда:**

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Биргаликдаги фаолият натижасида олинган даромад биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташланган ҳолдаги соф тушум билан реализация қилинган биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга тўғри келадиган биргаликдаги фаолиятга киритилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ тарзида аниқланади»;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализация қилинмасдан оддий ширкат шартномаси шериклари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаб олинса, ишончли шахс томонидан биргаликдаги фаолият шерикларидан (иштирокчиларидан) ушбу Кодекс 381-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ олинган қўшилган қиймат солиғи суммасига мазкур Кодекснинг 220-моддасида белгиланган тартибда тузатиш киритилиши ва бу сумма илгари уни ишончли шахсга топширган шерикка (иштирокчига) қайтариб берилиши лозим. Бунда ушбу қисмга мувофиқ тузатиш киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси топшириладиган биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қийматига киритилмайди ва биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тегишли ҳиссасини оладиган шериклар (иштирокчилар) томонидан ҳисобга олинади. Тузатиш киритилган солиқ суммаси ушбу модданинг тўққизинчи қисмига мувофиқ мазкур мол-мулкни топшириш расмийлаштириладиган ҳужжатларда кўрсатилади.

Ишончли шахс биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни шерикларига (иштирокчиларига) топшираётганда ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ аниқланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатган ҳолда ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиради. Биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни топшириш учун расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобида шерикнинг (иштирокчининг) ушбу солиқ суммасини ҳисобга олиши учун асос бўлади. Ҳисобварақ-фактурадаги «товар жўнатиш ҳужжатларининг ёки шартномаларнинг рақами ва санаси» сатрига «биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тақсимоти» деган белги қўйилади»;

133) 381-модданинг:

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумлалар** билан тўлдирилсин:

«Бунда ушбу қисмга мувофиқ тузатиш киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси топшириладиган мол-мулкнинг қийматига киритилмайди ва биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни амалга оширувчи ишончли шахс томонидан ҳисобга олинади. Тузатиш киритилган солиқ суммаси ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ мазкур мол-мулкни топшириш расмийлаштириладиган ҳужжатларда кўрсатилади»;

тўртинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оддий ширкат шартномасининг биргаликдаги фаолиятга ҳисса сифатида мол-мулк топшираётган шериги (иштирокчиси) қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ишончли шахс томонидан ҳисобга олинishi учун топшириладиган мол-мулк бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатган ҳолда ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиради»;

134) 387-модда:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қатъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турлари бозорлар томонидан амалга оширилганда, бундай фаолиятдан олинган даромадларга ушбу Кодекснинг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ солинади. Бунда мазкур даромадларга ушбу модда учинчи қисмининг қондалари татбиқ этилмайди»;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ушбу Қонун 2010 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 декабрь,
ЎРҚ-241-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

557 Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 25 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **175-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларнинг суммасини камайтиришга олиб келса, шунингдек бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқларни, бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, худди

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 31 декабрда эълон қилинган.

шунингдек камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаслик»;

2) қуйидаги мазмундаги **215³-модда** билан тўлдирилсин:

«215³-модда. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибини бузиш

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш тартибининг кўрсатилган ахборотни тақдим этмасликда, ўз вақтида тақдим этмасликда ёки бузиб кўрсатган ҳолда тақдим этишда ифодаланган бузилиши —

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **264-модданинг биринчи қисми** «(акциз маркаси билан маркаланмаган товарлар қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган ёки муомалага киритилган ҳолларда)» деган сўзлардан кейин «215³-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги 474–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда биринчи қисмининг 8-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8) солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёки давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлар, бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун кириши рад этилган ҳолларда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан суд тартибида чоралар кўриш, бундан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқ-

ланган ҳоллари мустасно. Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш қўйидаги ҳолларда давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари асосида ҳам амалга оширилиши мумкин:

солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичида солиқ тўловчи — юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда;

солиқ тўловчи — юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда»;

2) **7-модда тўртинчи қисмининг 6-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) солиқ тўловчи — мижозларнинг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақларидан пул маблағлари бериш, ўтказиш ёки уларни ҳисобдан чиқаришга доир операцияларни давлат солиқ хизмати органларининг ёзма талаби бўйича тўхтатиб қўяди. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, ушбу Қонун 5-моддаси биринчи қисмининг 8-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

3-модда. Ушбу Қонун 2010 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 декабрь,
ЎРҚ-242-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****558 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2009 йил 30 октябрдаги 1083–I-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2009 йил 4 декабрдаги 693–I-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар икки ҳафта муддатда илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 декабрь,
ПФ–4158-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 21 декабрдаги
ПФ-4158-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига 2010 йил 1 январдан киритиладиган
ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1994 йил 16 июндаги ПФ-871-сон Фармони 3-бандининг учинчи хатбошидаги «ижтимоий суғурта» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида» 1996 йил 10 декабрдаги ПФ-1657-сон Фармонининг 2-бандида:

биринчи хатбошидаги «1997 йилнинг 1 январидан бошлаб» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«уч нафар ва ундан ортиқ болали оилаларга — 140 фоиз»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони 2-иловасининг 2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

№	Товарнинг номи	2007 йилги версиядаги ТИФ ТН бўйича коди
9.	Қора металллар, қора металллар прокати, қора металлларнинг парчаси ва чиқиндилари	7201 — 7213 (7213100000, 7213914900 бундан мустасно), 7214 (7214200000, 7214911000, 7214991000, 7214993100, 7214993900, 7214995000 бундан мустасно), 7215, 7216 (7216100000, 7216210000, 7216220000, 7216501000), 7217 — 7229

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2003 йилнинг 1 апрелдан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида» 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сон Фармони 3-бандидан «ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2005 йил 13 апрелдаги ПФ-3596-сон Фармони билан тасдиқланган, уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойда

компенсация пул тўловлари бериладиган шахсларнинг имтиёзли тоифалари рўйхатидан 1 ва 2-бандлар чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ–3619-сон Фармони иловасининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Қонунда назарда тутилган ҳолатларни мустасно қилган ҳолда, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сон Фармонидаги:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Хўжалик юритувчи субъектларга беш йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, янги технологик ускуналар харид қилиш, янги қурилиш шаклида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдоридан, тегишли солиқ даврида амортизация ажратмаларини чиқариб ташлаган ҳолда, аммо солиққа тортилдиган даромаднинг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда фойдадан олинмаган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилсин»;

4-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ушбу Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари мазкур харажатлар амалга оширилган солиқ давридан бошлаб, технологик ускуналар бўйича эса — навбатдаги ҳисобот солиқ даврида ускуналар ишга туширилган пайдан бошлаб қўлланилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

559 Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқарола-

рининг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

2. Қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг пенсия таъминоти ва тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси учун масъул бўлган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимига кирувчи функциялар ҳамда тегишли тузилмаларни топшириш ҳисобига ташкил этилади;

Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмаларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг топшириладиган тузилмалари штат сони ўрта ҳисобда 20 фоиз қисқаради.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига қўшимча равишда қуйидаги асосий вазифалар ва функциялар юклансин:

фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил қилиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдорлари қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;

пенсиялар ҳамда бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил қилиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;

пенсиялар тайинланиши ва қайта ҳисоблаб чиқилишини тизимли асосда доимий таҳлил қилиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан қатъиян мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

меҳнат майиблиги ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларни тўлашга маблағларни даъволар бўйича айбдор юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил қилиш;

тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига:

фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминлаш;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни, хусусан, пенсиялар ҳамда бошқа тегишли тўловларни тайинлаш ва тўлашда ўрнатилган қоидаларни қўлланиш қисмида уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш юзасидан қўшимча вазифалар юклансин.

5. Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси таркибида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида тегишли бўлимлар ташкил қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси зиммасига:

янги тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисоблаб чиқилиши, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилиши тўғрилигини, шу жумладан, фуқароларнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдида бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишонарлигини текшириш йўли билан ёппасига текширувларни амалга ошириш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан ишловчи пенсионерларга пенсиялар ҳамда нафақаларнинг ҳисоблаб ёзилиши ва тўланиши тўғрилигини режа асосида текшириб туриш;

фуқароларга пенсия ва нафақалар, шу жумладан, банк ва почта муассасалари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишининг тизимли мониторингини олиб бориш, қоидабузарликлар аниқланганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш;

тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган текширув ҳужжатлари ва хулосаларни, зарурат туғилганда, мустақил экспертларни жалб этган ҳолда такрорий экспертизаларни ўтказиш юзасидан қўшимча вазифалар юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 декабрь,
ПФ-4161-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**560 Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида****[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2009 йил 30 октябрдаги 1083–I-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2009 йил 4 декабрдаги 693–I-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

2010 йилда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети асосий параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг, Республика йўл жамғармасининг, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг 2010 йилги асосий параметрлари 3 — 6-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2010 йилги Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,0 фоиз миқдорида белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш республика бюджети маблағларининг 2010 йил бошидаги бўш қолдиқлари ва бошқа қадрсизланмайдиган манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. 2010 йил учун:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари 7-иловага** мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари 8-иловага** мувофиқ;

ягона солиқ тўлови ставкалари 9-1, 9-2 ва 9-3-иловаларга** мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича юридик ва жисмоний шахсларга белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 10-иловага** мувофиқ;

юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)га белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 11-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоиз миқдорида;

* 1 — 6-иловалар берилмайди.

** 7 — 11-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

кўшилган қиймат солиғи ставкалари 20 фоиз миқдорда;
республикада ишлаб чиқариладиган ва рўйхат бўйича четдан келтириладиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари 12-1 ва 12-2-иловаларга* мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 13-иловага* мувофиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 14-иловага* мувофиқ;

имзоланадиган бонус ва тижорат топилмаси бонуси 15-1 ва 15-2-иловаларга* мувофиқ;

айрим турдаги маҳсулотлар бўйича ортиқча фойдадан солиқ ставкалари 16-иловага* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари 17 ва 18-иловаларга* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари 19-иловага* мувофиқ;

ягона ер солиғи ставкалари 20-иловага* мувофиқ;

махаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 21-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ставкалари 22 ва 23-иловаларга* мувофиқ;

24-иловада* белгиланган солиққа тортиш объектларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 1,5 фоиз миқдорда ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 0,5 фоиз миқдорда;

маблағларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида 25-иловада* келтирилган нормативларга мувофиқ тақсимлаган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз миқдорда;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига уларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 4 фоиз миқдорда тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб:

ўсимлик ёғи ва алкоголь маҳсулотлар бўйича акциз солиғи тўла ҳажмда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади;

жисмоний шахсларнинг мулк солиғини ҳисоблаб чиқаришда мулкка эгалик ҳуқуқи билан жисмоний шахсларга тегишли бўлган солиққа тортиладиган мулкнинг инвентаризация қиймати 1,1 миқдордаги коэффициентни ҳисобга олган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқилади;

автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган барча юридик шахслар ушбу

* 12-1 — 25-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

фаолият тури бўйича Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўрнатилган тартибда қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлайдилар;

янги импорт автомобиллари билан чакана савдо фақат юридик шахслар — ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг расмий дилерлари томонидан амалга оширилади.

5. 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб:

«Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Ўзбекнефтгаз» МХК билан келишилган ҳолда белгиланадиган тартибда тизим ичида махсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби;

улгуржи савдо корхоналари учун (улгуржи дорихона ташкилотлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи ихтисослаштирилган улгуржи база-идоралар бундан мустасно) — ўтказилган ҳар бир савдо операциясидан тушадиган сумманинг 5 фоизи миқдорида ягона солиқ тўлови бўйича аванс тўловларини тўлаш тартиби жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда ўн кун муддатда улгуржи савдо корхоналари томонидан аванс тўловларини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

ягона солиқ тўлови тушумлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорларда Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ўртасида тақсимланади;

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият олиб боровчи норезидентлар давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш чоғида муҳр эскизларини кейинчалик тасдиқлаш учун тақдим этадилар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварақларини очадилар.

7. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори 4-бандининг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 250-сон қарори 9-бандининг амал қилиш муддати 2015 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 21 майдаги ПҚ–640-сон қарори 6-банди иккинчи хатбошисининг

амал қилиши 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ консултантлари ташкилотлари — кичик корхоналар ва микрофирмаларга тадбиқ этилсин.

14. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг барча даражалардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидаги улушини кўпайтириш мақсадида қуйидаги умумдавлат солиқлари:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ;

республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи бўйича тушумлар тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилади.

15. 2010 йил учун:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромад ва харажат ҳажмлари, республика бюджетидан дотациялар ва субвенцияларнинг чекланган миқдорлари 26-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари 27-иловага* мувофиқ;

республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 28-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда жойларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва амалда ишлаб турганларини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлантирилишини рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини ошириш, шунингдек бюджет ташкилотларининг харажатлари ва тармоқларини мақбуллаштиришни назарда тутган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг дотацияга муҳтожлигини камайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни давом эттирсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

тегишли бюджетларга дотациялар, субвенциялар ва ссудалар (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек, ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи, стипендиялар, нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг биринчи навбат-

* 26 — 28-иловалар берилмайди.

даги харажатларини сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари маҳаллий бюджетларига бериладиган даромадларнинг тасдиқланган ҳажмларига ушбу ҳудудларда шаклланадиган солиқ тушумларини ҳисобга олиб, даромадлар ва харажатлар ўртасида вужудга келадиган касса бўйича тафовутларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали тартибга солган ҳолда аниқлаштиришлар кири-тиш ҳуқуқи берилсин.

17. 2010 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари миқдорлари 29-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2010 йилдан бошлаб бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартибини республиканинг барча ҳудудларидаги мазкур муассасаларга татбиқ этсин ҳамда бюджетни режалаштириш ва молиялаштиришнинг янги тартибига ўтказиладиган ҳар бир бюджет ташкилотига молиялаштириш меъёрлари етказилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Молия вазирлигининг 2010 йил 1 январдан бошлаб Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг марказлаштирилган бухгалтерияларини тугатиш ва уларнинг негизида:

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари тузилмасида 2 тадан штат бирлигига эга бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини молиялаштириш шўъбаларини;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари тузилмасида 2 тадан штат бирлигига эга бўлган молия-бухгалтерия хизматини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда ихтисослаштирилган мактабгача тарбия болалар муассасалари (гуруҳлари)ни хатловдан ўтказсин ва амалдаги талаб-эҳтиёжга ҳамда тарбияланувчиларнинг тегишли контингенти мавжудлигига қараб, уларнинг фаолиятини танқидий таҳлил қилсин;

хатлов натижаларига кўра 2010 йилнинг 1 мартига қадар ихтисослаштирилган мактабгача тарбия болалар муассасалари (гуруҳлари) тармоғини

* 29-илова берилмайди.

мақбуллаштириш ҳамда мазкур муассасаларнинг раҳбар ва педагог ходимларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

22. 2010 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб, тегишли сарф-харажатларни бюджет маблағлари ва қисман — энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорда ота-оналарнинг ҳар ой тўлайдиган маблағи ҳисобидан молиялаштирилган ҳолда олимпия захиралари коллежларининг ўқувчилари учун бепул (имтиёзли) овқатланиш жорий қилинсин. Бунда ҳар бир олимпия захиралари коллежида ўқувчилар умумий контингентининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари пул тўлашдан озод қилинишлари назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги 2010 йилнинг 1 апрелига қадар олимпия захиралари коллежларида бепул (имтиёзли) овқатланиш сарф-харажатларини қисман қоплашга ота-оналар томонидан пул тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, шунингдек овқатланиш нормалари ва ўқувчиларни бепул (имтиёзли) овқат билан таъминлаш назарда тутилган олимпия захиралари коллежлари рўйхатини тузиб, белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб, белгиланган тартибда:

фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловларини;

бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақаларни Давлат бюджети маблағларидан молиялаштиришни таъминласин.

24. 2010 йилга шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар тўлаш иш берувчилар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар тўлаш тегишли бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2010 йилдан бошлаб божхона тўловлари бўйича тушумларнинг газначилик ҳисобварағига ўтказилиши тартибини жорий этиш тадбирлари амалга оширилишини таъминласин;

вазирликлар ва идораларнинг барча бюджетдан ташқари жамғармалари, шу жумладан бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармалари маблағларига нисбатдан Давлат бюджетининг газначилик ижроси тартиби жорий этилсин;

бир ой муддатда вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар ва солиққа доир бўлмаган тўловлар, маъмурий ҳамда молиявий санкциялар ажратмаларининг Давлат бюджетига келиб тушадиган улушини пропорционал оширган ҳолда,

уларнинг 20 фоизгача камайтирилишини ҳисобга олиб, ажратмалар миқдорларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

26. 2009 йилги макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрларини қуйидаги ҳажмларда аниқлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

бюджет камомади ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 0,5 фоиз бўлгани ҳолда, Давлат бюджети даромадлари 10 421,4 млрд сўм, харажатлари — 10 658,9 млрд сўм миқдориди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 4296,5 млрд сўм (шу жумладан Давлат бюджетидан дотация — 230,0 млрд сўм, шунингдек, 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра республика бюджети қолдиқлари ҳисобига айланма касса нақд пулининг тўлдирилиши — 140 млрд сўм) ва харажатлар — 4063,9 млрд сўм миқдориди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг даромадлари 522,0 млрд сўм ва харажатлари — 522,0 млрд сўм миқдориди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлигининг Ғазначилиги бюджет ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 2010 йилнинг январь ойида, ўтказилган операцияларни 2009 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирган ҳолда, 2009 йилги Давлат бюджети ижроси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда якуний операциялар ўтказсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ҳар чоракда бажарилишини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилги ижросини таҳлил этиш натижалари бўйича, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджетининг асосий параметрларини белгиланган камомад доирасида аниқлаштиришга доир таклифлар киритсин.

28. 2010 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2010 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига 31-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда

илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

30. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 декабрь,
ПҚ-1245-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги
ПҚ-1245-сон қарорига
30-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 1 январдан
бошлаб ўз кучини йўқотган қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ва «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси корхоналарининг молиявий аҳволини соғломлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 20 октябрдаги ПҚ-204-сон қарорининг 8-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 8 июндаги ПҚ-374-сон қарорининг 2-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув ходимлари сонини янада мақбуллаштириш ҳамда қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 майдаги ПҚ-853-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбоши.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 5 августдаги ПҚ-1169-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 4 мартдаги 78-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбоши.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбоши.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги
ПҚ-1245-сон қарорига
31-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига
2010 йил 1 январдан бошлаб киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ-229-сон қарорида:

а) 3-бандда:

тўртинчи хатбоши қўйидаги мазмунда баён қилинсин:

«ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида ҳосил бўлган бюджет маблағлари тежами (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлардан ташқари)»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«вақтинча фойдаланилмаётган хоналарни ва давлатнинг бошқа мулкани чет ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағлар»;

б) 4-банднинг учинчи хатбошига «шунингдек кредиторлик қарзларни тўлашга» сўзлари қўшилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 18-банднинг учинчи хатбошидаги «харид қилиш» сўзларидан кейин «ва етказиб бериш» сўзлари қўшилсин;

б) 20-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тузилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар сотиб олиш ва етказиб бериш юзасидан контрактлар бўйича харажатларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади»;

учинчи ва тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 июлдаги ПҚ-404-сон қарорининг 2-бандига қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Минтақавий сиёсат жамғармаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти учун лекциялар ўқиганлик, мақолалар, ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаганлик учун ушбу бандда кўрсатилган шахслар, Минтақа-

вий сиёсат жамғармаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти-нинг штатдаги ходимлари томонидан олинадиган даромадлар жисмоний шахслар даромадлари солиғи тўлашдан озод қилинсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ–499-сон қарорида:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 9-банди бешинчи хатбошидаги «объектларни таъмирлаш» сўзларидан кейин «техник кузатиш ва назорат қилиш» сўзлари қўшилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35-банди биринчи хатбошидаги ушбу Низом 7-бандининг «к» кичик бандида назарда тутилган» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорти паркинни янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 14 декабрдаги ПҚ–531-сон қарорининг 3-бандидаги «2010» рақамлари «2014» рақамлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сон қарори билан тасдиқланган «Алкоголли маҳсулотларни чакана сотиш қоидаларининг 15-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин: «қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам чакана нархдан паст».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ–615-сон қарори билан тасдиқланган Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги низомнинг 12-банди учинчи хатбошидаги «устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ бўлган» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил учун Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида» 2008 йил 28 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарори 8-бандининг биринчи хатбошидаги «охирги икки чоракдаги» сўзларидан кейин «(қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашаётган корхоналар учун — охирги тўрт чоракдаги)» сўзлари қўшилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти билан уй-жой фондини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги ПҚ–1051-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбошидаги «2014 йил 1 январгача» сўзларидан кейин «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан якка тартибда уй-жой қуриш доирасида улар томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳажмлари бўйича пудрат ташкилотлари ва» сўзлари қўшилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 4-банди «к-1» кичик бандининг биринчи хатбошидаги «Ватанимизда ишлаб чиқарилган» сўзларидан кейин «ва импорт қилинган» сўзлари қўшилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда):

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «2010» рақамлари «2015» рақамлари билан алмаштирилсин;

б) «Бюджет ташкилотлари харажатларини (тўлашни) молиялаштириш тартибида»:

11-банднинг биринчи хатбошига «(иш ҳақи учун олинган аванслардан ташқари)» сўзлари қўшилсин.

29-бандда:

биринчи хатбошидаги «тақдирда» сўзидан кейин «товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрни тўлдирилгандан кейин» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбошидаги «товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрнини тўлдиришга ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «тушган барча маблағларнинг» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди бешинчи хатбошидан ва 26-1-бандининг учинчи хатбошидан «устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ бўлган» сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «давлат бюджети» сўзларидан кейин «бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» сўзлари қўшилсин;

б) Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомда:

2-банддаги «давлат бюджети» сўзларидан кейин «бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» сўзлари қўшилсин;

5-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«10 та энг кам ойлик иш ҳақидан 100 минг АҚШ долларигача тенг суммадаги битта контракт бўйича етказиб беришларни амалга оширишда харидлар буюртмачи томонидан ташкил этиладиган махсус комиссия қарори билан, тендер савдолари ўтказмасдан, қуйидаги йўллар билан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади:

харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг тавсифномасини, сонини, бажариш муддатини ва товарни етказиб бериш жойини кўрсатган ҳолда таклифларни етказиб берувчиларга ёки пудратчиларга юбориш; етказиб берувчилар ёки пудратчилар эълон қилган нархлар ва тавсифномаларни таққослаш.

Махсус комиссия буюртмачининг раҳбар ходимлари ва ваколатли мутахассисларидан камида уч нафардан иборат бўлган таркибда тузилади. Махсус комиссиянинг қарори протокол билан расмийлаштирилади».

14. Вазирлар Маҳкамасининг «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 250-сон қарорининг 9-бандидаги «2010» рақамлари «2015» рақамлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Гастроль-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2001 йил 29 июндаги 285-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 36-модда) 1-бандида:

тўртинчи хатбошидаги «шунингдек» сўзи «тўлиқ миқдорда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси минтақавий бўлимларининг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамларига ўтказилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи — ўн учинчи хатбоши қўшилсин:

«концертлар ва томоша тадбирларини ташкил этиш юридик шахслар томонидан, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси берадиган бир марталик гастроль-концерт гувоҳномаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Бир марталик гастроль-концерт гувоҳномасини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан белгиланади.

Бир марталик гастроль-концерт гувоҳномаси берганлик учун:

Тошкент шаҳрида — энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида;

вилоят марказларида — энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида;

бошқа аҳоли пунктларида — энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим маблағлари «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасига тушади ва улардан бир марталик гастроль-концерт гувоҳномасини бериш билан боғлиқ харажатларни қоплашда фойдаланилади.

Фаолиятни лицензиясиз ва гастроль-концерт гувоҳномасисиз амалга оширган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жазо чоралари қўлланади».

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларининг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 мартдаги 98-сон қарори 9-бандининг иккинчи хатбошидаги «2010» рақамлари «2011» рақамлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шакли-

да ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги 22-банд кўшилсин:

«22. Янги импорт автомобилларни чакана савдода сотиш».

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг 119-бандида: қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Янги импорт автомобилларни сотиш фақат юридик шахслар — ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг расмий дилерлари томонидан амалга оширилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда):

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «маблағлари» сўзидан кейин «бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» сўзлари қўшилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капиталқурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «маблағлари» сўзидан кейин «бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» сўзлари қўшилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди иккинчи хатбошидаги «бюджетдан ажратмалар» сўзларидан олдин «бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва» сўзлари қўшилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 114-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 4-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла қўшилсин:

«Лицензия фақат ижрочиларга — жисмоний шахсларга ва ижодий жамоаларга — юридик шахсларга берилади»;

б) 13-банднинг иккинчи хатбошидаги биринчи жумла чиқариб ташлансин;

в) 29-банднинг иккинчи хатбошидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

г) 31-банднинг иккинчи хатбошидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус

тартиби тўғрисидаги низомнинг 32-бандидаги «Тошшаҳар йўловчигранс» уюшмасига» сўзлари «шаҳар йўловчи ташиш корхоналарига (автобусларда йўловчи ташиш учун)» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 июндаги 263-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 52-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошига «Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришда» сўзларидан кейин «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган бошқа тадбирларни амалга оширишда» сўзлари қўшилсин;

б) 3-банднинг ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Жамғарма маблағлари Жамғарманинг фазначилик ҳисоб рақамида жамланади»;

в) Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

5-банднинг иккинчи хатбошига «Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришда» сўзларидан кейин «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган бошқа тадбирларни амалга оширишда» сўзлари қўшилсин;

б-банднинг иккинчи хатбошига «спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳажмларини» сўзларидан кейин «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган бошқа тадбирларни» сўзлари қўшилсин;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Жамғарма маблағлари Жамғарманинг фазначилик ҳисоб рақамида жамланади»;

21-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«21. Жамғарма маблағлари Жамғарманинг фазначилик ҳисоб рақамидан:

а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Фазначилигида очиладиган фазначилик ҳисоб рақамлари орқали:

намунавий лойиҳалардан фойдаланилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда фақат тасдиқланган манзилли рўйхатларга мувофиқ бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янги мактаблар қуришга, мактабларни мукамал реконструкция қилишга, мукамал ва жорий таъмирлашга;

мактабларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлашга;

парталар ва мактаб мебеллари сотиб олишга; мактабларни спорт анжомлари билан жиҳозлашга;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган бошқа тадбирларга сарфланади».

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 11-сон, 103-модда) билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низом

9-бандининг биринчи хатбошидаги «ўз маблағлари етишмаган тақдирда, етишмаган маблағларни маҳаллий бюджетлардан олиш йўли билан» сўзлари чиқариб ташлансин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошига «таъмирлаш» сўзидан кейин «шунингдек кредиторлик қарзларни тўлаш» сўзлари қўшилсин;

б) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларини сарфлаш йўналишлари

Тиббиёт муассасалари гуруҳлари	Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари:				Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг маблағларини сарфлаш йўналишлари	
					моддий рағбатлантиришга	моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, муассасани модернизация қилиш ва таъмирлаш, шунингдек кредиторлик қарзларни тўлашга
I гуруҳ муассасалар	тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган умумий бюджет маблағларининг 5 фоизигача	ҳомий ва донор ташкилотлардан, шунингдек пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушаётган маблағлар	бюджет маблағларини тежаш ҳисобига ҳисобот чорагининг охириги иш қунида ҳосил бўлган маблағлар (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлардан ташқари)	вақтинча фойдаланилмаётган бинолар ва давлатнинг бошқа мулкни чет ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағлар	25%	75%
II гуруҳ муассасалар					35%	65%
III гуруҳ муассасалар					40%	60%
IV гуруҳ муассасалар					50%	50%

Изоҳ. Тежалган маблағлар мавжуд бўлганда ушбу маблағлар ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақаларни молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин».

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига 2-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 51-модда) қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилганлиги учун давлат божи МИҚДОРЛАРИ

Фаолият турлари		Сигими (йўловчи ўрни ва юк кўтариш қуввати, тонна)	Автомототранспорт воситасининг бир бирлиги учун 1 йилга давлат божи суммаси (АҚШ долларларида)
1) йўловчиларни шаҳарда ташиш	автобуслар	14 ўрингача	50,0
		14 ўридан ортиқ	100,0
	микроавтобуслар	1 та транспорт воситаси учун	300,0
	енгил автомобиллар	4 ўрингача	75,0
4 ўридан ортиқ		125,0	
2) йўловчиларни шаҳар атрофида ташиш	автобуслар	19 ўрингача	75,0
		19 ўридан ортиқ	150,0
	микроавтобуслар	1 та транспорт воситаси учун	300,0
	енгил автомобиллар	4 ўрингача	75,0
4 ўридан ортиқ		125,0	
3) йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш	автобуслар	21 ўрингача	225,0
		21 ўридан ортиқ	600,0
	микроавтобуслар	1 та транспорт воситаси учун	700,0
	енгил автомобиллар	1 та транспорт воситаси учун	200,0
4) йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш		автобуслар	12 ўридан ортиқ
	микроавтобуслар	1 та транспорт воситаси учун	800,0
	енгил автомобиллар	1 та транспорт воситаси учун	250,0
5) юкларни автомобиль транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида ташиш		3,5 тоннагача	50,0
		3,5 тоннадан 10 тоннагача	100,0
		10 тоннадан 16 тоннагача	150,0
		16 тоннадан ортиқ	200,0
6) юкларни автомобиль транспортида шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш		3,5 тоннагача	75,0
		3,5 тоннадан 10 тоннагача	150,0
		10 тоннадан 16 тоннагача	200,0
		16 тоннадан ортиқ	250,0
7) юкларни автомобиль транспортида халқаро йўналишлар бўйича ташиш		1 та транспорт воситаси учун	300,0

Изоҳ. Давлат божи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича миллий валютада тўланади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

561 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 29 декабрь,
ПҚ–1250-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 29 декабрдаги
ПҚ–1250-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзметкомбинат» АИБ ишлаб чиқаришини 2007 — 2011 йиллар даврида модернизациялаш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» 2007 йил 10 июлдаги ПҚ–669-сон қарорининг 5-бандида «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича махсус комиссия» сўзлари «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича махсус идоралараро комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида» 2009 йил 27 январдаги ПҚ–1048-сон қарори:

3-бандининг бешинчи хатбошидаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича Махсус комиссия» сўзлари «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича Махсус идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия)» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органи» сўзлари «Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Дирекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

562 Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари тузилмасини янада мақбуллаштириш, уларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларини бозор иқтисодиёти шароитларида ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан жавобгарлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг асосий вазибалари ва функциялари этиб белгилансин:

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли устуворликларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат, аҳолининг бандлиги ва ижтимоий муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

меҳнат бозорини ривожлантириш ва бошқариш, аҳолининг бандлигини, шу жумладан хорижда ишлашини таъминлаш, демографик омиллар ва иқтисодиётни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иш билан

таъминлашнинг илғор шакллари жорий этиш бўйича самарали чора-тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларга, биринчи навбатда ёшларга, аёлларга, имкониятлари чекланган шахсларга профессионал қайта тайёрлаш ва иш билан таъминлаш бўйича, шунингдек ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;

ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар ва аҳолининг бошқа заиф тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича амалий ва манзилли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий муасасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш;

меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни, меҳнат муносабатлари, меҳнатни моддий рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ходимларнинг умумий чекланган сони 60 нафар, шу жумладан бошқарув ходимларининг сони 41 нафар бўлган янгиланган ташкилий тузилмаси ҳамда марказий аппаратининг тузилмаси 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмалари 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ;

туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари тузилмаси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирига, зарур ҳолларда, белгиланган ходимлар сони ва меҳнат ҳақи фонди доирасида Вазирликнинг тасдиқланган марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги икки ҳафта муддатда ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни ҳисобга олган ҳолда вазирлик тўғрисидаги янгиланган низомни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ–616-сон қарори 6-бандининг биринчи — бешинчи хатбошилари ҳамда унинг 2 — 4, 4а, 5 ва 6-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун

* 1 — 5-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 декабрь,
ПҚ-1251-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

563 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4161-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда пенсия таъминоти тизимини бошқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш ва унинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ; ходимларнинг умумий чекланган сони 34 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 24 нафар бўлган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаларининг ва туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмалари 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Кузатувчилар кенгаши таркиби 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин ва амалга киритилсин.

* 1 — 4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

** 5-илова берилмайди.

2. Қуйидагилар белгилансин:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари фуқароларнинг пенсия таъминотини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ижтимоий таъминот органларининг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

Пенсия жамғармасининг янги ташкил этилаётган бўлинмалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг фуқароларнинг пенсия таъминоти масалалари учун масъул бўлинмалари ходимларининг тегишли сони ҳисобига, ўтказиладиган аттестация натижаларига қараб тўлдирилади;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи директори Пенсия жамғармаси Кузатувчилар кенгашининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади;

Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимларининг ходимларига молия органлари ходимлари учун белгиланган меҳнат ҳақи шартлари татбиқ этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг фуқаролар пенсия таъминоти масалалари учун масъул бўлинмаларидаги фуқароларнинг пенсияга оид ҳужжатлари йиғмажилдлари, бухгалтерия ҳужжатлари, архивлар, уларга тегишли бинолар (хоналар) ва молмулклар белгиланган тартибда хатловдан ўтказилиши ва Пенсия жамғармаси бўлинмаларига топширилишини таъминласин;

тегишли ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, Пенсия жамғармасининг янги ташкил этилаётган бўлинмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича тадбирларни тасдиқлаш учун бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги янгиланган низомни тасдиқлаш учун Вазирлар маҳкамасига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда, халқаро тажрибани ҳисобга олиб, меҳнатга лаёқатсизликни эътироф этишнинг илғор усулларини жорий этишни назарда тутган ҳолда, тиббий-меҳнат экспертизаси тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек тиббий-меҳнат эксперти комиссиялари сонини мақбуллаштириш бўйича таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси таркибида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бошқармаси ва унинг ҳуду-

дий бўлинмаларида тегишли бўлимлар ташкил қилиниши муносабати билан улардаги бошқарув ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг назорат-тафтиш бўлинмаларини ва Пенсия жамғармасининг Назорат инспекциясини тугатиш ҳисобига 61 нафар, шу жумладан марказий аппаратдаги ходимлар сони 11 нафарга кўпайтирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарорининг 3-банди ва 1 — 3-иловалари 2010 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 декабрь,
ПҚ-1252-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

564 Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекинвест Интернешнл», «Ўз-АИГ» қўшма суғурта компанияларини ва «АИГ-Ўзбекинвест» агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 23 ноябрдаги 565-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон-Америка «Ўз-АИГ» суғурта компанияси» ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорлари томонидан компаниянинг номини «Chartis Uzbekistan» масъулияти чекланган жамият суғурта компанияси қўшма корхонаси» деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекинвест Интернешнл», «Ўз-АИГ» қўшма суғурта компанияларини ва «АИГ-Ўзбекинвест» агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 23 ноябрдаги 565-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 декабрь,
317-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 18 декабрдаги 317-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекинвест Интернешнл»,
«Ўз-АИГ» қўшма суғурта компанияларини ва «АИГ-
Ўзбекинвест» агентлигини ташкил этиш тўғрисида»
1994 йил 23 ноябрдаги 565-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Компаниянинг номланишида «Ўз-АИГ» сўзи «Chartis Uzbekistan» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 1-банднинг «в» кичик бандидаги «Ўзбекистон-Америка қўшма суғурта компанияси («Ўз-АИГ»)» сўзлари «Chartis Uzbekistan» масъулияти чекланган жамият суғурта компанияси қўшма корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Қарорнинг 2-банди тўртинчи хатбошидаги «Ўз-АИГ» компанияси» сўзлари «Chartis Uzbekistan» масъулияти чекланган жамият суғурта компанияси қўшма корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 4-банднинг иккинчи хатбоши ва 6-банд чиқариб ташлансин.

5. 7-банддаги «Ўз-АИГ» компанияси» сўзлари «Chartis Uzbekistan» масъулияти чекланган жамият суғурта компанияси қўшма корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 8-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 9-банддаги «Ў.Т. Султонов ва Б.С. Ҳамидов» сўзлари «Р.С. Азимов ва Э.М. Ғаниев» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**565 Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ–700-сон қарорини бажариш юзасидан, диагностика ва беморларни даволашнинг юқори технологик усуллари-ни ўзлаштиришга, тиббиёт ходимларининг касб даражасини доимий ошириб боришга йўналтирилган тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Клиник ординатура тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Тиббиёт таълим муассасаларининг клиник базалари тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

олий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган ва илмий-амалий марказлар, илмий-тадқиқот институтларининг кадрлар салоҳиятидан ва моддий-техника базасидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда тиббиёт ходимлари малакасини оширишни, шунингдек врачларнинг касб даражасини такомиллаштиришни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарорда белгиланган тадбирларни бажариш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджетининг ҳар йилги параметрларида ушбу мақсадлар учун назарда тутилаётган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан пулли-контракт асосида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашдан тушадиган маблағлар, ҳомийларнинг маблағлари ва хорижий грантлар доирасида амалга оширсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 декабрь,
319-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 18 декабрдаги 319-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни
қайта тайёрлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартибини белгилайди ҳамда уларнинг узлуксиз касбий таълимини таъминлашга йўналтирилган.

2. Фуқароларнинг малакали тиббий ёрдам олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек миждознинг эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш мақсадида тиббиёт ходимлари (врачлар, фармацевтика ходимлари, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика кадрлари) ўз малакаси ва касбий даражасини мунтазам равишда ошириб боришлари шарт.

3. Тиббиёт ходимлари ўзларининг асосий мутахассислиги базасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб қиладиган иккинчи ва ундан ортиқ (ноихтисосли), ёхуд қўшимча тор мутахассисликка эга бўлишлари мумкин. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш амалга ошириладиган врачлар (асосий ва қўшимча), фармацевтика, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика мутахассисликлари номенклатураси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

4. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ва бошқа давлатларда олий тиббиёт таълим муассасаларини тамомлаган тиббиёт ходимлари базавий олий ёхуд ўрта махсус, касб-хунар тиббиёт таълими тўғрисидаги хужжатини белгиланган тартибда нострификациядан ўтказгандан сўнг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўқишга қўйилади.

5. Хорижий фуқароларнинг тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиши тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

6. Даволаш-профилактика муассасаларига эга бўлган бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар тиббиёт ходимларининг ўқиши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

7. Таълим жараёнини методик таъминлаш, тиббиёт ходимларининг, шу жумладан даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муддатлари, шунингдек мавжуд мутахассисликка боғлиқ равишда қайта тайёрлашга қўйиладиган мутахассисликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

II. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг тузилмаси ва уни бошқариш

8. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг тузилмаси ва уни бошқариш:

тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш сифати, ўқув жараёнига янги технологияларни (таълим, тиббий, ахборот технологиялари ва бошқа технологияларни) жорий этиш даражаси мониторингини олиб бориш;

тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари, етакчи даволаш-профилактика муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари (кейинги ўринларда ИТИ деб аталади), ихтисослаштирилган ва илмий-амалий марказлар (кейинги ўринларда марказлар деб аталади) ва бошқа ташкилотларнинг кадрлар салоҳиятидан ва моддий-техника базасидан фойдаланиш йўли билан амалий соғлиқни сақлаш учун мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш имкониятларини кенгайтириш тамойилларига асосланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги умумий раҳбарликни амалга оширади, тиббиёт ходимларининг малакасини оширадиган ва уларни қайта тайёрлайдиган соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш механизми ва услубларини белгилайди.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, тасарруфида даволаш-профилактика муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар, соғлиқни сақлашнинг хусусий тизимида ишлаётган юридик ва жисмоний шахслар малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида тиббиёт ходимларини ўқитишнинг буюртмачиси ҳисобланадилар.

11. Соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари идоравий мансуб муассасалар барча номенклатурасининг тиббиёт ходимлари малакасини ошириш билан тўлиқ қамраб олиниши ва ўз вақтида малака ошириши учун масъулдирлар, улар ўқиши керак бўлган тиббиёт ходимлари контингентини шакллантирадидлар ва мавжуд эҳтиёжни белгилайдилар.

12. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда ТошВМОИ деб аталади) врач кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг базавий услубий маркази ҳисобланади, у илмий-услубий асосларни, ўқув-услубий ҳужжатларни ва врач кадрлар малакасини оширадиган ва уларни қайта тайёрлайдиган соғлиқни сақлаш муассасаларида таълим жараёнини ягоналаштириш механизмларини ишлаб чиқади.

ТошВМОИ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, республика даволаш-профилактика муассасалари, тасарруфида даволаш-профилактика муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторида ишлаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг

буюртманомалари асосида контингентнинг истиқболли режасини белгилайди, курсларни ўтказиш режасини тузади, уларни ўтказиш жойи, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тури ва шакллари аниқлайди, врач кадрларни ҳамкорликда ўқитиш учун олий тиббиёт таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари билан шартномалар тузади, ўқув режалари ва таълим дастурларининг мазмуни бўйича тавсиялар тайёрлайди.

13. Тошкент Фармацевтика тиббиёт институти (кейинги ўринларда ТошФарТИ деб аталади) фармацевтика кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг базавий услубий маркази ҳисобланади.

ТошФарТИ соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, республика даволаш-профилактика муассасалари, хусусий дорихона муассасалари, фармацевтика ишлаб чиқаришларининг буюртманомалари асосида контингентнинг истиқболли режасини белгилайди, курсларни ўтказиш режасини тузади, уларни ўтказиш жойи, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тури ва шакллари аниқлайди, ўқув режалари ва таълим дастурларининг мазмуни бўйича тавсиялар тайёрлайди.

14. Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг таянч услубий маркази ҳисобланади, у ҳудудий бўлинмаларга услубий раҳбарлик қилади, илмий-услубий асосларни, ўқув-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади.

Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ўзининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари буюртманомалари асосида контингентнинг истиқболли режасини белгилайди, курсларни ўтказиш режасини тузади, уларни ўтказиш жойи, малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг тури ва шакллари аниқлайди, ўқув режалари ва таълим дастурлари мазмуни бўйича тавсиялар тайёрлайди.

15. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида тиббиёт ходимларини, шу жумладан хусусий тиббиёт муассасалари ва халқаро ташкилотлар иштирокида ўқитиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган давлат талабларига мувофиқ тиббиёт таълим дастурлари асосида амалга оширилади.

16. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими учун тиббиёт таълим дастурларини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

17. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни амалга оширадиган тиббиёт олий таълим муассасалари, етакчи даволаш-профилактика муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар:

илм-фаннинг тиббий амалиёт билан алоқасини таъминлайдилар, илгор тиббиёт технологиялари соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими таълим жараёнига ўз вақтида жорий этилиши механизмини амалга оширадилар;

тегишли равишда ТошВМОИ, ТошФарТИ, Республика ўрта тиббиёт ва

доришунос ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази билан биргаликда табақалаштирилган ўқув режалари ва таълим дастурларини (шу жумладан масофадан туриб ўқитиш учун), шунингдек танқидий ва ижодий тафаккурни ривожлантиришга ҳамда ўз билимини мустақил оширишни рағбатлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг илғор услубларидан ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда профил мутахассисликлар бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини амалга ошириш учун тарқатма материални ишлаб чиқадилар;

замонавий даволаш-диагностика ёндашувлари, юқори тиббиёт ва фармацевтика технологияларини қўллаш соҳасидаги хорижий тажрибани умумлаштирадилар ва жорий этадилар;

тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг зарур даражада ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун жавоб берадилар.

III. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш турлари ва шакллари

18. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш асосий ёки турдош мутахассисликлар бўйича ўқитиш йўли билан амалга оширилади ва мутахассиснинг касб даражаси ва касб лаёқатини мунтазам равишда оширишга, касбий билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ва янгилашга, янги тиббиёт технологияларини ўзлаштиришга йўналтирилган.

19. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш бевосита (таълим дастурлари бўйича ўқитиш) ва билвосита (қоидага кўра, таълим дастурларисиз ўқитиш) шакллари бўйича ўтказилади.

Бевосита шакллар малакани умумий ва мавзули оширишни (такомиллаштиришни) ўз ичига олади.

Билвосита шакллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

стажировка (иш жойига хизмат сафарига юбориш);

масофадан туриб амалга ошириладиган таълим;

ўз билимини мустақил ошириш;

тажриба алмашиш;

мутахассисларнинг семинар, съезд ва конференцияларда қатнашиш;

ахборот технологияларини ўзлаштириш курсларида ўқиш.

20. Малакани умумий ошириш тиббиёт ходимлари соғлиқни сақлаш муассасаларида лавозимни эгаллаб турган мутахассисликка мувофиқ амалга оширилади. Ишлаб турган мутахассисларни асосий ишидан ажралган ҳолда умумий малака оширишга жалб этиш қуйидаги мақсадларни кўзлайди: назарий билимлар ва амалий кўникмаларни чуқурлаштириш ва янгилаш, замонавий тиббиётнинг долзарб муаммолари, соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг янги тамойиллари, диагностика ва касалликлар профилактикасининг замонавий услублари, далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган касалликларни даволаш стандартлари ва протоколлари билан танишиш.

Ўқитиш бир ёки бир неча даволаш муассасалари базасида муайян мутахассислик бўйича туркум машғулотлар шаклида (кун мобайнида бошқа фанларни ўрганишга чалғитмасдан) амалга оширилади. Умумий малака ошириш циклларида ўқишга олий тиббий ёки ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларини тамомлаган ва тегишли мутахассисликлар бўйича тайёргарликка эга бўлган мутахассислар қўйилади.

Умумий малака ошириш циклларида шунингдек нотиббийёт таълимига эга бўлган, бироқ тиббийёт мутахассисликлари бўйича ишлашга қўйилган мутахассислар ҳам малака оширишлари мумкин. Умумий малака ошириш цикллари, қоидага кўра, мутахассислик бўйича иш стажы камида 3 — 5 йил бўлган тиббийёт ходимлари учун ташкил этилади (лавозимда бўлишининг биринчи йилида соғлиқни сақлашни ташкил этиш бўйича малака оширишдан ўтиши шарт бўлган раҳбар тиббийёт ходимлари бундан мустасно).

21. Мавзули малака ошириш мутахассисликнинг муайян бўлимини қамраб оладиган дастур бўйича амалга оширилади ва қўйидаги мақсадларни кўзлайди: тиббийёт ходимларининг тор, шу жумладан уларнинг касб фаолиятининг турдош соҳасидаги малакасини ошириш (аниқ мавзу бўйича); касбий билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш; янги даволаш-ташхис усуллариини ўзлаштириш; тиббий дунёқарашни кенгайтириш.

Мавзули малака ошириш даволаш ёки илмий-тадқиқот муассасаси базасида ҳам базавий ёки ихтисосли (тор) мутахассислар учун, ҳам турдош ёки ноихтисосли (мос таълим йўналиши бўйича) тиббийёт мутахассислиги учун амалга оширилади.

72 — 144 соат (0,5-1,0 ой) давом этадиган мавзули малака оширишга бошқа ноихтисосли мутахассисликларнинг тиббийёт ходимларига рухсат берилади, чунки узлуксиз таълим талабларига жавоб беради, амалий соғлиқни сақлашда кўрсатиладиган ёрдамнинг сифати яхшиланишига кўмаклашади, бироқ ушбу мутахассислик бўйича даволаш-профилактика муассасаларида бўш лавозимларни эгаллаш учун асос ҳисобланмайди.

22. Қисқа муддатли (18 — 72 соат) курслар мутахассисликнинг муайян бўлимини қамраб оладиган мавзули малака ошириш тури ҳисобланади ва ишловчи мутахассисларни замонавий тиббийётнинг долзарб муаммоларидан, у ёки бу соҳадаги тиббийёт фани ютуқларидан хабардор қилиш, шунингдек раҳбар тиббийёт ходимларини соғлиқни сақлашни бошқариш ва ташкил этишнинг янги тамойилларига ўқитиш мақсадларида ўтказилади.

23. Сайёр цикллари — мутахассисларни асосий ишидан ажралган ҳолда жойларда ўқитиш. Сайёр цикллари умумий ва мавзули малака ошириш дастурлари бўйича ўтказилади ва ТошВМОИ, ТошФарТИ, Республика ўрта тиббийёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказининг ихтисосли кафедралари, тиббийёт институтларининг врачлар малакасини ошириш факультетлари томонидан соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ҳудудий органлари, республика даволаш-профилактика муассасалари, шунингдек тасарруфида даволаш-профилактика муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ бошқа олий таълим муассасалари, илмий-тадқи-

қот институтлари ва марказларнинг мутахассислари жалб этилган ҳолда ташкил этилади.

Сайёр цикллар қўйидаги мақсадларни кўзлайди: касбий фаолиятда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш; уларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш; янги даволаш-диагностика усулларини ўзлаштириш; тиббий дунёқарашни кенгайтириш; жойларда маслаҳат бериш ва даволаш-ташхис ёрдами кўрсатиш.

24. Тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг бевосита шакллари даврийлиги ва давомийлиги уни ташкил этиш шаклларига ва мутахассиснинг малакаси даражасини ва индивидуал профессионал эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда кадрларнинг буюртмачиси томонидан белгиланадиган талабларга боғлиқ бўлади.

25. Асосий ишдан ажралган ҳолда ўқишда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш бевосита шаклларининг жами давомийлиги ҳар 5 йил учун қўйидаги ҳажмда белгиланади:

врач кадрлар учун — камида 4 ҳафта (144 соат);

фармацевтика, ўрта тиббиёт кадрлари ва доришунос кадрлар учун — камида 2 ҳафта (72 соат).

26. Малака оширишнинг бевосита шаклларида муваффақиятли ўтган мутахассисларга ўтилган ўқиш соатлари кўрсатилган ҳолда белгиланган намунадаги сертификат берилади.

27. Стажировка (иш жойига хизмат сафарига юбориш) илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида, етакчи даволаш-профилактика муассасаларида, аниқ илғор даволаш-ташхис усулларини, илмий услубларни ўзлаштириш, шунингдек тиббиёт ходимлари тиббиёт амалиётининг фан билан интеграциясини таъминлаш мақсадига эга бўлган соғлиқни сақлаш соҳаларида тегишли мутахассисликларнинг энг янги ютуқлари ва технологиялари билан таништириш мақсадида республикада ва чет элда ўтказилади. Стажировка тамом бўлгандан кейин мутахассисларга ўзлаштирилган услуб, стажировка муддати кўрсатилган ҳолда унинг стажировкадан ўтганлиги тўғрисида муассасанинг раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган маълумотнома берилади.

28. Масофадан туриб амалга ошириладиган таълим асосий ишдан ажралмаган ҳолда амалга ошириладиган ва бир қанча турларга эга бўлган (кейс-технология, асинхрон ва синхрон он-лайн ва бошқалар) ахборот-коммуникация технологияларига асосланган малака оширишнинг билвосита шаклларида бири ҳисобланади. Масофадан туриб амалга ошириладиган таълим ўқув дастурига мувофиқ амалга оширилади, малака оширишнинг мустақил шакли сифатида, ёхуд кундузги таълимнинг масофавий шаклининг таркибий қисми сифатида амалга оширилиши мумкин. Масофадан туриб амалга ошириладиган таълим курсининг давомийлиги кундузги ўқишнинг тегишли курси академик соатларида белгиланади, бунда календарь муддатлар академик муддатлардан ортиқ бўлади. Янги билимларни ўзлаштириш даражаси тегишли равишда ТошВМОИ, ТошФарТИ, Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази томо-

нидан назорат қилинади ҳамда масофадан туриб амалга ошириладиган таълим муваффақиятли яқунланган тақдирда белгиланган намунадаги сертификат берилади.

29. Мустақил равишда билим олиш тиббиёт ходимлари томонидан касб даражасини оширишга, касбий лаёқатини ва тиббий дунёқарашни кенгайтиришга йўналтирилган ўзининг мутахассислиги ва турдош мутахассисликлар бўйича янги билимлар, малака ва кўникмаларни узлуксиз равишда мустақил ўзлаштиришини назарда тутди. Мустақил равишда билим олиш тиббий касбнинг ажралмас таркибий қисмидир, у ахборот технологияларининг эгалланишини рағбатлантиради, тиббий хизматларнинг рақобат бозорини ривожлантиради ва пировард натижада уларнинг сифатини оширади.

30. Қоидага кўра 36 — 72 соат давом этадиган тажриба алмашиш тиббиёт ходимларининг ўз мутахассислиги ёки турдош мутахассислик бўйича олий тиббиёт таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда, шунингдек етакчи даволаш-профилактика муассасаларида тажрибасини ошириш мақсадида ўтказилади.

31. Мутахассисларнинг семинар, съезд ва конференцияларда маърузалар билан қатнашиши тиббиёт ходимларининг тиббиёт фани ва амалиётининг долзарб масалалари бўйича илмий ва илмий-услубий маърузалар (хабарлар, постерлар) билан чиқишлари орқали таъминланади. Олдиндан маълум бўлган мавзу бўйича маъруза тайёрлаш тегишли тадқиқотлар олиб боришни ва белгиланган тартибда чоп этиш учун маъруза тезислари тайёрлашни назарда тутди.

Тиббиёт ходимларининг семинар, конференция ва съездларда иштирок этиши ахборот ва иш тажрибаси алмашиш, даволаш-ташхис жараёнини ташкил этишда замонавий тенденциялар билан танишиш имкониятини яратишга йўналтирилган ва уларнинг касбий лаёқати даражаси ўсишига кўмаклашади.

5 йилда малака оширишнинг жами соатларини ҳисоблашда тегишли сертификат мавжуд бўлган тақдирда семинар, съезд, конференция ишида қатнашишнинг 1 куни 8 соат сифатида, маъруза билан қатнашиш 16 соат сифатида ҳисобланади.

32. Таълим дастурлари асосида тузилган ахборот технологияларини ўзлаштириш курсларидан ўтиш ҳам тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг билвосита шаклларига киради. Ушбу курслар мажбурий бўлмагани ҳолда тиббиёт ходимларининг касбий ўсишига ҳамда ахборот технологиялари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш таъминланиши йўли билан ривожланишига кўмаклашади. Курсларни тамомлагандан кейин берилган сертификатларда кўрсатилган ўқиш соатлари сони 5 йилда малака ошириш бўйича зарур соатларнинг жами сонига киради.

33. Асосий ишдан ажралган ва асосий ишдан ажралмаган ҳолда ўқишда малака тоифасини олиш учун тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш барча шаклларининг жами мажбурий давомийлиги:

врач кадрлар учун — камида 8 ҳафта (288 соат);

фармацевтика, ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар учун — камида 4 ҳафта (144 соат) ҳажмида белгиланади.

34. Курсларни режалаштириш, малака ошириш курсларига йўлланмаларни тақсимлаш, мутахассисларни танлаш тартиби ва тиббиёт ходимларининг ўқитиш курсларида ўқиши учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

35. Тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш муайян танланган мутахассислик бўйича янги касбий билимлар, малака ва кўникмалар, ушбу мутахассиснинг малака таснифига мувофиқ ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатида миқдори қониқтирадиган даражада тиббий фаолиятни амалга ошириши учун зарур ва етарли ҳажмда ўзлаштирилишини назарда тутди.

36. Қуйидагилар врач кадрларни қайта тайёрлашнинг асосий турлари ҳисобланади:

бирламчи ихтисослаштириш;
кўшимча ихтисослаштириш;
клиник ординатура.

37. Бирламчи ихтисослаштириш врачларни қайта тайёрлаш тури бўлиб, қоидага кўра, турдош врачлик мутахассислигини олиш ва кейинчалик тегишли касбий фаолиятни бажариш мақсадида касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришга йўналтирилади.

Шахс врачлик мутахассисларидан бирини олганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлганда, мутахассислик бўйича камида 2 йил иш стажидан мавжуд бўлганда бирламчи ихтисослаштиришдан ўтиш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда мутахассисларга бўлган мавжуд эҳтиёжга мувофиқ ҳам соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, вазирликлар, идоралар ва тасарруфида даволаш-профилактика муассасалари мавжуд бўлган ташкилотларнинг йўлланмаси бўйича, ҳам врачнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган айрим тиббиёт мутахассисликлари бўйича тегишли бирламчи ихтисослашувдан базавий олий тиббий маълумот тўғрисидаги диплом мавжуд бўлган тақдирда врачлик стажини ҳисобга олмаган ҳолда ўтишга йўл кўйилади.

Қайта тайёрлашнинг ушбу тури асосий ишдан ажралган ҳолда, тегишли таълим дастурлари, кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базаси мавжуд бўлган тақдирда ТошВМОИ, тиббиёт олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар базасида амалга оширилади.

38. Бирламчи ихтисослаштириш муваффақиятли яқунланган тақдирда врачларга ўтилган соатлар сони кўрсатилган ҳолда:

фақат базавий олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлган шахслар учун — соғлиқни сақлашнинг амбулатор бўғинида клиник ихтисосликдаги мутахассиснинг бўш лавозимини эгаллаш;

магистратура, клиник ординатура ёки бошқа клиник мутахассисликлар бўйича интернатурани тамомлаган шахслар учун — ҳам соғлиқни сақлашнинг амбулатор, ҳам стационар бўғинларида кўшимча эгалланган мутахас-

сислик бўйича мутахассиснинг бўш лавозимини эгаллаш ҳуқуқини берадиган белгиланган намунадаги сертификат берилади.

39. Қўшимча ихтисослаштириш қўшимча (мавжуд асосий ихтисосга қўшимча) врач мутахассислигини эгаллаш мақсадида янги касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришга йўналтирилган врачларни қайта тайёрлаш тури ҳисобланади.

Магистратура, клиник ординатура ёки интернатура орқали асосий мутахассисликка эга бўлган врачлар қўшимча ихтисослаштиришдан ўтишга қўйилади.

Қўшимча ихтисослаштириш муваффақиятли яқунланган тақдирда врачларга ўтилган ўқув соатлари сони кўрсатилган ҳолда соғлиқни сақлашнинг амбулатор ва стационар бўғинларида тегишли мутахассиснинг бўш лавозимини эгаллаш ҳуқуқини берадиган белгиланган намунадаги сертификат берилади.

40. Врачларнинг бирламчи ва қўшимча ихтисослашуви асосий ишдан ажралган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқиш шarti билан, гуруҳларда ва якка тартибда амалга оширилади. Якка тартибда ўқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда қайта тайёрлашни ташкил этадиган муассаса томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган ихтисосликлар рўйхати бўйича:

а) ўқишнинг кундузги — масофадан туриб ўқитиладиган шаклига;

б) ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида тиббиёт ходимлари малакасини оширишга ўқитишга йўл қўйилади.

41. Врачларни касбий қайта тайёрлаш (ихтисослаштириш) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган асосий ва қўшимча врач мутахассисликлари номенклатурасига мувофиқ ўтказилади.

42. Врачларнинг бирламчи ва қўшимча ихтисослашувининг давомийлиги, қоидага кўра, 1 ойдан 12 ойгачани (144 — 1728 соат) ташкил этади ва врач — мутахассиснинг малака тавсифига мувофиқ тузилган таълим дастури билан белгиланади, олдинги олий тиббий маълумот даражасига, мавжуд ва ўзлаштириладиган ихтисосликка, қайта тайёрлаш тури ва меҳнат сарфига, ўқитиш шаклига боғлиқ бўлади.

43. Таълимнинг олинган йўналишига, мавжуд асосий врачлик ихтисослигига, ўзлаштирилиши керак бўлган билимлар ва кўникмалар ҳажмига мувофиқ бирламчи ва қўшимча ихтисослаштириш курсларига қабул қилиш тартиби ва ўқиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

44. Таълим тури сифатида клиник ординатура кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимига тегишли бўлади ҳамда врачларнинг узлуксиз касбий таълими кўп поғонали тузилмасининг таркибий қисми ҳисобланади. Клиник ординатурада ўқиш врач клиник мутахассисликларининг бири сифатида амалий соғлиқни сақлаш учун юқори профессионал кадрлар тайёрлашга йўналтирилган.

45. Ўрта тиббиёт кадрлари ва доришунос кадрларнинг ихтисослашуви қайта тайёрлаш тури ҳисобланади, кейинги даражадаги бўш лавозимларни, ёхуд ўша даражадаги лавозимни, бироқ бошқа ихтисосликдаги лавозимни эгаллаш ва мутахассиснинг малака таснифига мувофиқ кейинчалик тиббий профессионал фаолиятнинг янги турини бажариш мақсадида янги касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришга йўналтирилади.

Ўрта тиббиёт кадрлари 1-даражали лавозимларда камида 4 ой иш стажига эга бўлганларида ихтисослаштириш курсларида ўқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

46. Ихтисослашиш асосий ишдан ажралган ҳолда ва ўқитишнинг тўлов-контракт шартларида, гуруҳларда ва якка тартибда амалга оширилади. Якка тартибда ўқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази томонидан белгиланади.

Рўйхати кадрларга бўлган эҳтиёжга қараб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган бир қанча мутахассисликлар бўйича ихтисослашиш ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларнинг малакасини оширишга ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

47. Қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш муддатлари базавий таълимнинг йўналиши, мутахассиснинг малака таснифида функционал вазифалари ҳисобга олинган ҳолда тузилган ўқув дастурлари мазмуни билан белгиланади.

Ихтисослашишни муваффақиятли тугаллаган ўрта тиббиёт ходимларига ва доришунос ходимларга ўқилган соатлар сони кўрсатилган ҳолда белгиланган намунадаги сертификат берилади. Ушбу сертификат 2 ва 3-даражалардаги ўрта тиббиёт кадрларининг бўш лавозимларини эгаллаш ҳуқуқини беради.

48. Врачнинг иш стажига 3 йил ва ундан ортиқ танаффуслар бўлган тақдирда (ижтимоий таътиллар, тиббиёт мутахассислиги учун ихтисосли бўлмаган иш, узоқ вақт касал бўлиш, ногиронлик ва ҳоказолар) врач ўзининг касбий фаолияти тикланишидан олдин базавий (умумий амалиёт враччи, умумий амалиёт враччи-педагоги, умумий педиатр, умумий стоматолог, умумий гигиенист-эпидемиолог), олдинги йилларда уни эгаллаганлик тўғрисидаги ҳужжат билан тасдиқланадиган асосий ёки қўшимча ихтисосликка мувофиқ ихтисослашиш курсларидан ўтиши шарт.

49. Ихтисослашиш курсларига қабул қилиш тартиби ва уни ўташ муддатлари, сертификатлар намуналари, ихтисосликлар турлари, лавозимларни эгаллаш тартиби, ўрта тиббиёт кадрларининг лавозим даражалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

50. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

51. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими профессор-ўқитувчилар таркибининг иш вақти нормалари жами иш вақтини ҳисобга олиш доирасида 1540 соат ҳажмида Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

IV. Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш тартиби

52. Директор, бош врач, бошқарма (департамент) бошлиғи, уларнинг даволаш, илмий ишлар бўйича ўринбосарлари ёки иқтисодий масалалар, умумий масалалар бўйича шунга ўхшаш лавозимларни эгаллаб турган шахслар соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбар ходимлари доирасига киради.

53. Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари лавозимини эгаллаб турган барча шахслар белгиланган тартибда тасдиқланган таълим дастурларига мувофиқ тиббиёт муассасалари менежменти масалалари бўйича мунтазамлилик асосида малака ошириш курсларида ўқишлари керак.

54. Тиббиёт муассасалари менежменти масалалари бўйича соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар ходимлари малакасини оширишга умумий раҳбарликни Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади, Вазирлик буюртмачи ҳисобланади, таълимнинг ушбу турини такомиллаштириш йўллари, механизмлари ва усуллари белгилайди.

55. Соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари тиббиёт муассасалари менежменти масалалари бўйича соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар ходимлари лавозимини эгаллаб турган барча шахсларнинг малака оширишида ўз вақтида ва тўлиқ қамраб олиниши учун масъулдир, улар эҳтиёжни белгилайдилар ва ўқиши керак бўлган контингентларни шакллантирадилар.

56. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти тиббиёт муассасалари менежменти масалалари бўйича соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар ходимлари малакасини ошириш тизимининг базавий услубий ва ташкилий маркази ҳисобланади.

57. Тиббиёт муассасалари менежменти масалалари бўйича раҳбар ходимлар малакасини ошириш замонавий менежментнинг тизимли асослари, стратегик менежмент ва бизнес-режалаштириш, соғлиқни сақлаш муассасалари ва тиббиёт ходимлари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий жиҳатлари, ташкилот ходимларини бошқариш асослари, тиббий хизматлар маркетинги, тиббий хизматлар сифатини бошқариш, соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини бошқаришнинг бошқа долзарб масалалари каби бўлимлар бўйича билимларнинг чуқурлаштирилиши, кенгайтирилиши ва янгиланишини назарда тутади.

58. Тиббиёт муассасалари менежменти масалалари бўйича соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар ходимлари малакасини ошириш мавзули малака ошириши махсус курслари шаклида ўтказилади. Ҳар 5 йилда ушбу курсларда ўқишнинг жами давомийлиги:

тиббий маълумотли раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари учун — камида 216 академик соатни;

раҳбарларнинг молиявий-иқтисодий ихтисосликдаги ўринбосарлари учун — камида 108 академик соатни ташкил этиши керак.

59. Малака ошириш жараёнининг узлуксизлиги, мақбуллиги ва тезкорлигини таъминлаш мақсадида раҳбар ходимларни тиббиёт муассасалари менежменти масалаларига ўқитиш асосий ишдан ажралган ҳолда 18 академик соатдан 72 академик соатгача давом этадиган қисқа муддатли курслар шаклида ўтказилади.

60. Тиббиёт муассасалари менежменти масалалари бўйича соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар ходимлари малакасини ошириш 2 йилда камида 1 марта ўтказилади.

61. Тиббиёт муассасалари менежменти масалалари бўйича малака ошириш курсларидан муваффақиятли ўтганлик тўғрисидаги сертификатларнинг мавжудлиги раҳбар ходимларни эгаллаб турган лавозимига мувофиқликка аттестациядан ўтиши ва малака тоифасига аттестациядан ўтишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

V. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва баҳолаш

62. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг сифатини назорат қилиш ва баҳолаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) ички назорат, у қўйидагилардан иборат бўлади:

базавий билимларни баҳолаш;

янги билимлар, малака ва кўникмаларни эгаллаш даражасини жорий назорат қилиш;

ўқиш тугаллангандан кейин мутахассислик бўйича аттестацияни ўз ичига оладиган якуний назорат;

б) ҳам ўз кафедраларида, ҳам тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг қўшма шартномалари бўйича жалб этилган муассасаларда таълим жараёнини амалга ошириш муқобиллиги бўйича тегишли равишда ТошВМОИ, ТошФарТИ, Республика ўрта тиббиёт ходимлари ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази томонидан амалга ошириладиган маъмурий назорат;

в) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, кадрларнинг бошқа буюртмачилари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан амалга ошириладиган ташқи назорат.

63. Якуний назоратни амалга ошириш бўйича аттестация комиссияси таркиби малака ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширадиган муассасанинг ректори (директори)нинг буйруғи билан тасдиқланади.

64. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида эгалланган билимлар ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари, якуний аттестацияни ўтказиш тартиби, таълим жараёни сифатини баҳолаш мониторинги механизмлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

65. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

таълимнинг ушбу турида жалб этилган муассасаларда малака ошириш ва қайта тайёрлаш сифати мониторингини;

малака тоифаларини беришда — малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўқиган тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малака даражаси мониторингини баҳолашни амалга оширади.

66. Чет элда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида берилган ҳужжатлар (сертификатлар, гувоҳномалар) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказиладиган экспертиза асосида тасдиқланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги уларнинг ҳақиқийлиги, дастурларга ва мутахассис малака таснифининг у ўқиган муддатларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради. Экспертизани ўтказиш тартиби ва чет элда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида берилган ҳужжатлар (сертификатлар, гувоҳномалар) бўйича хулосалар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

VI. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида таълим жараёнининг мазмуни ва сифатига давлат томонидан қўйиладиган талаблар

67. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида таълим жараёнининг мазмуни ва сифатига давлат томонидан қўйиладиган талаблар «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ белгиланади ва улар тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида таълим жараёнини ташкил этишни, унинг мазмунини, услубий таъминлашни, сифат ва самарадорлигини оширишни такомиллаштиришга йўналтирилган.

68. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида мутахассисликлар бўйича ўқув режаси ва ўқув дастури етакчи олимлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан тузилади ва таълим жараёнини услубий таъминлашнинг ажралмас қисми, услубий-норматив ҳужжатлар ҳисобланади.

69. Мутахассисликлар бўйича ўқув дастури мутахассиснинг малака таснифига мувофиқ тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг базавий услубий марказлари томонидан ишлаб чиқилади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

аннотация;

кириш (ўқув дастурининг мақсади ва вазифалари, кутилаётган натижалар);

асосий қисм (маърузалар, семинарлар ва амалий машғулотлар мавзулари, уларни ўтказиш бўйича услубий тавсиялар, ўзлаштирилиши керак бўлган малака ва кўникмалар рўйхати, ўқув юкламаси ҳажми, ўқув адабиётлари ва монографиялар рўйхати).

Ушбу ўқув дастури асосида муассасанинг моддий-техника базаси ҳолатидан ва олий тиббиёт таълим муассасалари кафедралари ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказларнинг ходимлари томонидан хизмат кўрсатиладиган беморлар контингентидан келиб чиқиб маърузалар, семинарлар ва амалий машғулотлар мавзулари бўйича ажратилган соатларга 20 фоизгача ҳажмда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бунда машғулотларни олиб бориш, шу жумладан ўқитиш технологияси, амалий кўникмаларни ўзлаштириш услуби, тарқатма материаллар, тест саволлари ва курс мавзулари бўйича вазиятли топшириқлар бўйича зарур услубий тавсиялар ишлаб чиқилади.

70. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида ўқув дастури мазмунига қўйиладиган талаблар мутахассислик бўйича зарур ҳамда етарлича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш ҳисобга олинган ҳолда мутахассиснинг малака тавсифномасига қатъий мувофиқлик тамойиллари асосида белгиланади.

Ўқув дастури фан, техника, технологиянинг энг сўнгги ютуқларига мувофиқ ташкил этилиши ҳамда тиббий таълим тизимида узвийлик ва изчилликни таъминлаш талабларига жавоб бериши керак.

Ўқув дастурида таълим олувчилар томонидан билимларни мустақил излаш ва уларни ўзлаштириш назарда тутилиши керак.

Таълим жараёни анъанавий дидактик ва интерактив педагогик методлардан фойдаланган ҳолда, шунингдек мутахассислик бўлимларини ҳар томонлама қамраб олиш ва тўлақонли амалий тайёргарликка эга бўлиш мақсадида таълим олаётганларнинг даволаш-ташхис ва ишлаб чиқариш жараёнларида бевосита иштирок этиши орқали ташкил этилади.

71. Ўқув режалари ва дастурларини тузиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини таълим жараёнига жорий этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг

2009 йил 18 декабрдаги 319-сон қарорига
2-ИЛОВА

Клиник ординатура тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тиббий клиник мутахассисликлар бўйича клиник ординатурага қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Клиник ординатура — кадрларни қайта тайёрлаш тизимига кирадиган таълим тури бўлиб врачларнинг узлуксиз касбий таълими кўп поғонали тузилмасининг бир қисми ҳисобланади.

3. Врачларни клиник ординатурада ўқитиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган врачлик мутахассисликлари номенклатураси бўйича, мутахассисга қўйиладиган ихтисослик талаблари асосида тузилган ҳар қайси мутахассислик бўйича ўқув режаси ва ўқув дастурига мувофиқ амалга оширилади.

4. Врачларни клиник ординатурада ўқитишни амалга оширадиган тиббиёт муассасалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўйидагилардан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

илмий мактабларни шакллантирадиган тегишли юқори малакали илмий-амалий кадрлар потенциалининг мавжудлиги;

юқори технологияли ва малакали тиббий ёрдамни амалга ошириш имконини берадиган моддий-техник базанинг ҳолати;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган клиник ординаторларни ўқитиш бўйича таълим дастурининг мавжудлиги.

5. Клиник ординатура битирувчиларига ўқиш жараёнида олинган мутахассислик бўйича амалий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади.

II. Клиник ординатурага қабул қилиш

6. Клиник ординатурага таянч олий тиббий маълумот асосида рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган мутахассисликлар бўйича врачлар, шунингдек илгари клиник ординатурани ёки магистратурани тамомлаган ҳамда ихтисосидан ташқари иккинчи мутахассисликни олишни хоҳлаган мутахассислар қабул қилинади. Врачларни иккинчи тор мутахассислик бўйича клиник ординатурага қабул қилиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

7. Клиник ординатурага қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади. Танлов синовлари йилига бир марта, қоидага кўра, августнинг охириги ўн кунлигида ўтказилади.

8. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳисобланадиган, бошқа давлатларда тиббиёт олий таълим муассасаларини тугатган врачлар олий тиббий маълумот тўғрисидаги ҳужжати белгиланган тартибда нострификация қилингандан кейин кириш имтиҳонларига қўйилади.

9. Клиник ординатурага тасарруфида даволаш-профилактика муассасалари бўлган бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг йўлланмаси бўйича ўқишга кирадиган врачлар танлов синовларини муваффақиятли топширгандан кейин пулли-контракт асосида ўқишга қўшимча ўринлар бўйича (таълим/илмий муассасалар кафедралари/бўлимларининг тегишли кадрлар потенциали ва моддий-техник базаси мавжуд бўлган тақдирда) қабул қилинади.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика муассасаларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, таълим ва илмий муассасалар, минтақалар бўйича клиник ординатурада ўқитиш учун ўринлар сонини, қабул муддатини, зарур ҳуж-

жатлар рўйхатини, танлов синовларини ўтказиш сони ва шаклини, баҳолаш мезонларини, қабул бўйича ҳисобот шакллари белгилайди.

Бюджет маблағлари ҳисобидан врачларни клиник ординатурада ўқитиш ўринлари сони тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун давлат бюджетининг ҳар йилги назарда тутиладиган молиялаштириш ҳажми доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги клиник ординатурага қабулни ўтказиш учун республика оммавий ахборот воситаларида танлов эълон қилади, аризалар бериш муддати эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан иборат қилиб белгиланади.

12. Таълим муассасасининг раҳбари тиббий олий таълим муассасасининг ректори (проректори) ёки тиббий илмий муассасасининг директори (ўринбосари) раислигида қабул комиссиясини ташкил этади ва унинг таркибини тасдиқлайди. Қабул комиссияси таркибига турли клиник мутахассисликлар бўйича етакчи олимлар киради.

13. Клиник ординатурага қабул қилиш комиссиясининг масъул котиби лавозимига номзодлар ҳар йили муқобил асосда тасдиқлаш учун муассасалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига май ойининг биринчи ўн кунлигидан кечикмай киритилади. Комиссиянинг масъул котиби янги муддатга, лекин кўпи билан қаторасига икки йил тайинланиши мумкин.

14. Клиник ординаторларни тайёрловчи муассасалар клиник ординатурага кириш истагини билдирган танловда иштирок этувчи врачларнинг рўйхатини ҳужжатлар қабули тугаллангандан сўнг, танлов синовлари бошлангунга қадар, белгиланган шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиши керак.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан клиник ординатурага кириш учун мақсадли (иш берувчи – ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари ёки бошқа муассасалар, таълим берувчи муассаса клиник ординатор билан танловдан ўтгандан кейин уч томонлама шартнома тузилади) ва умумий танлов асосида эркин ўринлар (шартнома тузмасдан) ажратилади. Мақсадли ўқитишга танлов асосида олиш мутахассисликлар бўйича ажратилган ўринларга мувофиқ, кейин ҳудудий принципдан келиб чиққан ҳолда — республиканинг битта минтақасида яшайдиган (ёки кейинчалик ишга жойлаштирилишини хоҳловчи) талабгорлар ўртасида амалга оширилади. Танлов якунларига кўра тўлмаган битта мутахассисликлар бўйича мақсадли ўринлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, бошқа минтақалар учун қайта тақсимланади.

16. Клиник ординатурага кириш учун бир вақтнинг ўзида бир нечта муассасада танловда қатнашиш тақиқланади.

17. Тўпланган баллар рейтинги бўйича танловдан ўтган (бунда шахс мумкин бўлган энг юқори балларнинг камида 30 фоизини тўплаши керак)

ва ўқиш пулини тўлаган (тўлов-контракт шакл учун) шахслар клиник ординатурага қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

Мақсадли ўринлар бўйича, шу жумладан тасарруфида даволаш-профилактика муассасалари мавжуд бўлган бошқа вазирликлар, идоралар, ташкилотлар йўлланмаси бўйича қўшимча ўринларга ўқишга қабул қилиш, кўрсатиб ўтилган шартлардан ташқари, ўқиш тугагач ишга жойлаштириш ва кейинчалик уч йил ишлаб бериш юзасидан уч томонлама (ўқитадиган муассаса, клиник ординатор — ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси /вазирлик/ идора/ ташкилот) шартнома тузилгандан кейин амалга оширилади.

18. Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда доимий яшайдиган, Тошкент шаҳри муассасаларидаги клиник ординатурага кириш учун танловда иштирок этган ва синовлар натижасида юқори балл тўплаган врачлар ўз хоҳишига кўра ва қабул қилувчи таълим муассасасида тегишли кадрлар потенциали ҳамда замонавий моддий-техник ускуналар мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўқиш учун бошқа минтақанинг тегишли тиббиёт олий таълим муассасаларига ўтказилиши мумкин.

19. Клиник ординатурада ўқишга талабгорларнинг, танловда қатнашган ва синовлар натижаларига рози бўлмаганларнинг аризалари (аризаларни бериш муддатлари — натижалар эълон қилингандан кейин уч кун мобайнида) апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади (кўриб чиқиш муддати — ариза берилгандан кейин 24 соат мобайнида). Апелляция комиссияси муассаса раҳбарининг буйруғи асосида ташкил этилади. Апелляция комиссияси таркибига соҳа йўналиши бўйича етакчи мутахассислар жалб этилади. Талабгор апелляция комиссияси қарорига рози бўлмаган тақдирда ушбу қарор юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

20. Танлов комиссиясининг хулосаси асосида клиник ординатурага қабул қилиш муассаса раҳбарининг буйруғи билан ҳар йили 10 сентябргача амалга оширилади.

Минтақаларнинг у ёки бу мутахассис врачларга бўлган эҳтиёжига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ўқитадиган муассасанинг кадрлар потенциалини ва моддий-техник базасини ҳисобга олган ҳолда, клиник ординатурага тўлов-контракт асосида ўқитиш учун қўшимча ўринлар ажратиши мумкин.

Қабул қилиш тугаллангач муассаса раҳбарлари 10 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига клиник ординатурага врачлар қабули тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ҳисобот тақдим этадилар.

III. Ўқитиш учун тўловни амалга ошириш

21. Тўлов-контракт шакли бўйича ўқитиш тўловининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади. Ҳар

бир ўқув йили учун тўлов таълим мутахассислиги бўйича алоҳида, бир нафар ўқувчи ҳисобига харажатларни тўлиқ қоплаш миқдорида белгиланади.

Ўқитиш тўловини унга ҳар ойда тўланадиган стипендияни қўшмасдан ва ҳар ойлик стипендия миқдорини тўламасдан тўлашга йўл қўйилади, бунда ушбу ўқитиш шартлари контрактда кўрсатилади.

Энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда тегишли равишда қолган ўқитиш вақти учун тўлов суммаси ҳам ўзгаради. Бунда контрактларга тегишли қўшимчалар киритилади.

22. Ўқитиш учун тўлов жисмоний ёки юридик шахс томонидан тўлиқ ёки қисман бўлиб-бўлиб (белгиланган сумманинг камида 50 фоизи миқдорида), лекин контрактда белгиланган муддатларда йилига кўпи билан 2 марта тўланади.

Тўлов-контракт бўйича ўқитиш қийматини бюджет маблағлари ҳисобига тўлашга йўл қўйилмайди.

Клиник ординатурада ўқиётган врачларга муассаса томонидан тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткасининг 6-разряди бўйича, тоифасиз мутахассис врачнинг тариф ставкаси миқдорида стипендия тўланади.

IV. Клиник ординатурада ўқув жараёнини ташкил этиш

23. Клиник ординатурада ўқитиш кундузги шаклда, асосий иш жойидан ажралган ҳолда амалга оширилади. Ўқитиш муддати, қоидага кўра, камида икки йилни ташкил қилади ва мутахассиснинг малака тавсифномасини ҳисобга олган ҳолда тузилган ўқув дастури билан белгиланади. Клиник ординатурадаги ўқиш муддати мутахассислик бўйича врачлик меҳнат стажига қўшилади.

24. Клиник ординатурада ўқитиш муддати клиник ординаторларни тайёрлашни амалга оширувчи муассаса раҳбарининг буйруғи билан қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳомиладорлик, туғруқ ва чақалокни парвариш қилиш бўйича таътил вақтига, заҳирадаги ҳарбий хизматчининг ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан, шунингдек тиббиёт муассасаларининг тегишли хулосалари мавжуд бўлган тақдирда ординаторнинг касаллик даврига узайтирилиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича ректор (директор)нинг буйруғи билан, белгиланган тартибда академик таътил расмийлаштирилади.

Бунда академик таътил вақти учун стипендиялар тўлаш, клиник ординаторга раҳбарлик қилганлик учун тўлов, ўқитиш бўйича бошқа харажатлар тўхтатиб турилади. Ижтимоий нафақалар тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўқишга тиклангандан кейин клиник ординаторлар таълим дастурининг ўзлаштирилмаган бўлимлари бўйича ўқишни давом эттирадилар.

25. Бошқа минтақалардан келган ҳамда олий таълим муассасалари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг клиник ординатурасига кирган врачлар белгиланган тартибда яшаш жойлари билан таъминла-

надилар. Тиббиёт илмий-тадқиқот институтлари, ихтисослаштирилган ва илмий-амалий марказлар талабалар ва тингловчилар учун ётоқхоналарга эга бўлган олий таълим муассасаси ёки Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан тузилган шартнома асосида ўзларида ўқиётган клиник ординаторларни яшаш жойлари билан таъминлайдилар.

26. Ўқишга қабул қилингандан кейин 1 ой мобайнида машғулотларга кирмаган ёки машғулотларга 1 ойдан ортиқ қатнашмаган, ярим йиллик ёки йиллик аттестациядан ўтмаган, контракт пулини ўз вақтида тўламаган, шунингдек якка тартибда тайёрланиш режаларини белгиланган муддатларда бажармаган шахслар кафедра (бўлим, лаборатория ва шу кабилар) мудирининг тақдимномасига асосан муассаса раҳбарининг буйруғи билан клиник ординатурадан ўқишдан чиқарилади. Ўқитишнинг биринчи йилида кўрсатиб ўтилган сабаблар бўйича клиник ординатурадан четлатилган шахслар ўқишга қайта тикланмайди. Ўқитишнинг иккинчи йилида ўқишдан четлатилган клиник ординаторлар янги ўқув йилидан бошлаб тўлов-контракт асосида ўқишга тикланадилар.

27. Клиник ординатурада ўқиётган шахслар муассасанинг ички тартибқоидаларини бузган, аттестацияда ўрганилаётган мутахассисликка номувофиқ деб эътироф этилган (касби бўйича лаёқатсиз бўлган), шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда машғулотлардан четлаштирилиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра клиник ординатурадан четлаштирилган шахслар ўқишга қайта тикланмайди, лекин клиник ординатурага кириш учун танловда такроран қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар, касби бўйича лаёқатсизлиги сабабли четлаштирилган ҳолларда эса — фақат бошқа мутахассисликлар бўйича қатнашиш ҳуқуқига эга.

28. Клиник ординаторларни бир муассасадан бошқасига ўтказишга айнан шу мутахассислик бўйича, ярим йиллик ёки йиллик аттестациядан муваффақиятли ўтгандан кейин ва ўқитиш учун ўринлар бўлган тақдирда муассасаларнинг раҳбарлари розилиги асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати бўйича йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасидаги олий тиббиёт таълим муассасасини тамомлаган, бошқа мамлакатлар муассасасидаги клиник ординатурага ўқишга кирган ва ўқишни Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт муассасаларида давом эттириш истагини билдирган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқловчи ҳужжатлар (ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқнинг ва ўқиш юзасидан шартноманинг нусхалари, назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш даражасига доир ижобий баҳолар, бошқа мамлакатдаги таълим олинаётган муассасанинг илтимосномаси) асосида ўтишга рухсат беради. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланадиган, бошқа мамлакатларнинг тиббиёт олий таълим муассасаларини тугатган ва ушбу мамлакатларнинг клиник ординатурасига кирган врачлар Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт муассасаларига ўтказилишда, юқорида санаб ўтилган тасдиқловчи ҳужжатлардан ташқари, олий тиббий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нострификацияси тўғрисидаги гувоҳномани ҳам тақдим этишлари керак.

29. Клиник ординаторлар ўқитиш вақтида врачлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажаришга жалб этилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

30. Ўқитишнинг иккинчи йилидаги клиник ординаторлар соҳа мутахассислиги бўйича касбий фаолиятни бажариш учун минтақаларга 30 кунгача муддат билан хизмат сафарига юборилиши мумкин.

31. Клиник ординаторларни тайёрлаш муассасанинг Илмий кенгаши тайинлайдиган малакали мутахассислар (профессор, доцент ва илмий муассасаларнинг уларга тенглаштирилган лавозими) раҳбарлигида яқка тартибдаги режа бўйича амалга оширилади.

32. Клиник ординаторни тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаси:

таълим дастурига ва мутахассиснинг малака тавсифномасига мувофиқ билимлар ва кўникмаларни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлиши керак;

даволаш-профилактика муассасаларининг соҳа бўйича бўлимларида мутахассисликнинг асосий ва ёндош бўлимларини босқичма-босқич ўзлаштиришни (ротация) ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим;

кадрлар буюртмачисининг ва ўқитилаётганнинг хоҳишига кўра мутахассисликнинг у ёки бу бўлимлари чуқур ўрганилишини ҳисобга олган ҳолда тузилиши мумкин;

мутахассисликнинг бўлимлари бўйича назарий тайёрланишнинг муддатларини, мавзуларини ва назорат қилиш турини, ўзлаштирилиши керак бўлган амалий кўникмалар ва малакалар рўйхатини, турлари ва сонини ҳамда мутахассислик бўлимлари бўйича амалда бажарилган мустақил ишларни (рефератлар, шарҳлар, презентациялар ва шу кабиларни) акс эттиради;

кафедра (бўлим, лаборатория ва шу кабилар) мажлисида муҳокама қилинади ва тузатишлар киритилгандан кейин кафедра (бўлим, лаборатория ва шу кабилар) раҳбари томонидан врач клиник ординатурага қабул қилинган кундан бошлаб 1 ойдан кечикмай тасдиқланади.

Клиник ординаторни тайёрлашнинг яқка тартибдаги режасида шунингдек профессор ва доцентлар томонидан беморларни кўздан кечиришдаги иштирок этиш, уларнинг лекцияларида қатнашиш, поликлиника, стационар, даволаш, ташхис хоналари, бўлимлар ва шу кабиларда мустақил равишда бажарилган амалий ишлар ҳажмининг бажарилиши ҳам акс этган бўлиши керак.

Клиник ординаторни тайёрлашнинг яқка тартибдаги режасида асосий ва ёндош мутахассисликлар бўлимлари ва ёндош фанлар бўйича синов имтихонларини топшириш назарда тутилади.

Клиник ординаторни тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаси шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

33. Клиник ординаторларнинг билимлари ва кўникмалари ҳажмини кенгайтириш мақсадида улар клиник ординаторни тайёрлашнинг яқка тартибдаги режасидан ташқари амалга ошириладиган илмий ишларни бажаришга (рефератлар, мавзули таҳлиллар ва адабиётлар шарҳини тузиш, тиббий

амалиётдаги баъзи қоидаларни ёритиш, конференцияларда маърузалар қилиш, янги дори-дармонларни клиник синовдан ўтказиш ва шу кабиларга) жалб этилиши мумкин.

34. Клиник ординаторнинг энг юқори юкламаси тегишли мутахассислик врачлари ойлик юкламасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бундан ташқари, клиник ординатор мустақил ишларни бажаради. Мустақил ишларни бажариш вақтининг ҳажмига унинг раҳбари томонидан белгиланадиган бўлимлардаги жадвал бўйича бир ойдаги бепул мажбурий иккита тунги (кечки) навбатчилик киритилади.

35. Ўқув юкламасининг умумий ҳажми қуйидаги тарзда тақсимланади: тайёрлаш вақтининг 80 фоизгачаси — асосий ва ёндош мутахассисликларни ўрганишга ажратилади;

20 фоизгачаси — ёндош фанларни (патанатомия, патофизиология, клиник фармакология ва бошқаларни) ўрганишга ажратилади. Клиник ординатор томонидан ўрганиш учун мажбурий бўлган ёндош мутахассисликлар ва фанлар рўйхати уларни тайёрлашнинг ўқув дастурларида назарда тутилади.

Қўшимча фанлар (хорижий тиллар, компьютер курслари ва бошқалар) мустақил тайёрланиш соатлари ҳажмига факультатив машғулотлар тарзида клиник ординаторларни тайёрлаш ўқув дастурига киритилиши мумкин.

36. Бир нафар клиник ординаторга раҳбарлик қилганлик учун илмий раҳбарга илмий муассасалар харажатларининг бюджет сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида, шунингдек клиник ординаторларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳисобига ҳар йили 25 соат ҳисобидан соатбай ҳақ тўланади.

Олий таълим муассасаларида ва малака ошириш институтларида илмий раҳбарнинг клиник ординаторлар билан олиб борадиган ишлари уларнинг ўқув юкламасига ҳисобланади ва бир нафар клиник ординатор учун йилига 25 соат ҳисобидан ҳақ тўланади.

Клиник ординаторларнинг илмий раҳбарларини рағбатлантириш муассасанинг Илмий кенгаши қарорига кўра клиник ординаторларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

37. Ўқув йили мобайнида ярим йиллик, йиллик (ўқитишнинг биринчи йили тугагач) ва якуний аттестация ўтказиш назарда тутилади. Етакчи олимлардан (ярим йиллик, йиллик ва якуний аттестация) ҳамда кадрлар буюртмачиси вакиллари (якуний аттестация) иборат бўладиган аттестация комиссияси таркиби муассаса раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади, комиссия раиси этиб илмий ишлар бўйича проректор (директор ўринбосари) тайинланади.

38. Ўқитиш жараёнида клиник ординаторлар билимлари ва малакасини баҳолашда 100 балли баҳолаш тизими қўлланади. Бунда назорат қилишнинг қуйидаги турлари назарда тутилади:

ички назорат (мутахассислик ва ёндош фанлар бўлимлари бўйича билимлар ва кўникмаларни баҳолаш);

ярим йиллик, йиллик (ўқитишнинг ҳар бир семестри охирида) ва якуний аттестация;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга ошириладиган ташқи назорат (назорат тадбирлари режаси бўйича ва режадан ташқари таълим фаолиятини мониторинг ва назорат қилиш) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан амалга ошириладиган ташқи назорат (муассасаларни белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш).

39. Клиник ординатор, унинг амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи кафедра мажлисида маъқуллангандан кейин, ярим йиллик, йиллик ва якуний аттестацияга қўйилади. Ҳисобот кафедра (бўлим, лаборатория ва шу кабилар) раҳбари томонидан тасдиқланади ва аттестация комиссиясига тақдим этилади.

Аттестацияни ўтказиш тартиби (ҳисобот ҳужжатлари рўйхати, ўтказиш шакли ва муддатлари, олинган билимлар ва кўникмаларни назорат қилиш турлари) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

40. Жорий ўқув йилидаги ўқитиш дастури тугаллангандан кейин, аттестация натижаларига мувофиқ, билимлар ва кўникмаларнинг рейтинг назоратини ҳисобга олган ҳолда, аттестация комиссияси томонидан клиник ординаторларни навбатдаги курсга ўтказиш, ўқишдан четлаштириш ёки клиник ординатурани тугатганлик тўғрисида қарор қабул қилинади.

Клиник ординаторнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш ва якуний аттестация комиссиясининг қарори муассасанинг Илмий кенгашида ўқиб эшиттирилади.

41. Клиник ординатурада мутахассислар тайёрлаш сифати, уларнинг амалий соғлиқни сақлаш барча бўғинларида мустақил равишда ишлашга тайёрлиги учун жавобгарлик муассасалар ва кафедралар (бўлимлар, лабораториялар ва шу кабилар) раҳбарлари зиммасига юкланади.

42. Клиник ординатурани муваффақиятли тугатган шахсларга ушбу Низомга иловага мувофиқ гувоҳнома белгиланган тартибда берилади, у олинган врачлик мутахассислиги бўйича касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради. Гувоҳномада мутахассисликни ўзлаштириш даражасининг ўртача умумий баҳоси кўрсатилади.

43. Ўқитишнинг иккинчи йилидаги таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган клиник ординаторлар раҳбарларининг ёзма тавсияномаси асосида меҳнат шартномаси бўйича соҳа бўлимларида тунги навбатчилик қилиш ёки ўқишдан ташқари вақтда мутахассислиги бўйича ишлаш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда ўриндошлик бўйича ишлаш клиник ординаторнинг яқка тартибдаги режасини бажаришга салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

V. Клиник ординатура битирувчиларини ишга жойлаштириш

44. Мақсадли клиник ординатурага қабул қилинган врачлар ўқиш тугагач ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқариш органлари (тасарруфида даволаш-профилактика муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар, ташкилотлар) ихтиёрига уч йил ишлаб бериш шартнома шартларини бажариш учун қайтиб келишлари шарт.

45. Мақсадли клиник ординатурага киришда врачлар билан контракт тузган ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқариш органлари (тасарруфида даволаш-профилактика муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар, ташкилотлар) ўқитиш муддати тугагач уларни олинган мутахассисликка мувофиқ бўлган лавозимга доимий ишга жойлаштириши ва тайёрланган мутахассис ишга жойлашган муассасанинг жойи тўғрисида ёзма тарзда маълум қилиши шарт.

Давлат гранти асосида олий таълим муассасасини тугатган битирувчилар ҳам эркин умумий танлов бўйича (уч томонлама шартнома тузмасдан) клиник ординатурага кирган тақдирда ўқишни тугатгандан кейин, олинган мутахассислик бўйича тақсимотга мувофиқ, олий таълим муассасаси йўлланмаси бўйича уч йил ишлаб бериши шарт.

46. Эркин танлов бўйича тўлов-контракт асосида клиник ординатурага кирган ва бакалавриятда ўқишни тугатгандан кейин тақсимот бўйича давлат олдида мажбуриятга эга бўлмаган врачлар клиник ординатурада ўқишни тугатгач мустақил равишда, шу жумладан соғлиқни сақлаш хусусий сектори юридик шахслари билан меҳнат шартномаси бўйича ишга жойлашиш ҳуқуқига эгадирлар.

47. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассисларга бўлган эҳтиёж бўйича маълумотлар базасини шакллантиради ва клиник ординатура битирувчиларини ишга жойлаштириш мониторингини олиб боради.

Клиник ординатура тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Клиник ординатурани тугатганлик тўғрисида
ГУВОҲНОМА**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

(муассасанинг номи)

ГУВОҲНОМА
№ АА 000000

Врач _____га
_____ клиник
ординатурада 20__ йил _____дан 20__ йил _____ гача
_____ мутахассислиги
бўйича тўлиқ ўқув курсини тугатиб, _____ балл
баҳо билан якуний аттестациядан ўтганлиги тўғрисида берилди.

Рахбар

Котиб

_____ шаҳри М.Ў.

Рўйхатдан ўтказилган тартиб рақами _____

Берилган санаси _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**567 Мол-мулкни баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш,
тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Мол-мулкни баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 декабрь,
322-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 декабрдаги 322-сон қарорига
ИЛОВА

**Мол-мулкни баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш,
тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ****І. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом мол-мулкни баҳолашнинг янги стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек мол-мулкни баҳолашнинг амалдаги стандартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда «Давлат мулки қўмитаси» деб юритилади) мол-мулкни баҳолаш стандартларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ёки қайта кўриб

чиқиш, уларни келишиш, тасдиқлаш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун ваколатли ва масъул давлат органи ҳисобланади.

3. Мол-мулкни баҳолаш стандартлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари доирасида ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак.

4. Мол-мулкни баҳолаш стандартлари баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ёки Давлат мулки қўмитасининг ташаббуси билан амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар қайта кўриб чиқилиши мумкин.

5. Давлат мулки қўмитаси белгиланган тартибда тасдиқланган мол-мулкни баҳолаш стандартларини баҳолаш ташкилотларига етказди ва уларга риоя этилишини назорат қилади.

6. Мол-мулкни баҳолаш стандартларини амалда қўллаш мақсадида унга илова сифатида ушбу стандартларнинг ажралмас қисми ҳисобланган ва улар билан биргаликда амал қиладиган тегишли методик кўрсатмалар ишлаб чиқилиши мумкин.

II. Мол-мулкни баҳолаш стандартларига қўйиладиган талаблар

7. Мол-мулкни баҳолаш стандартлари қўйидагиларни белгилайдиган ўзаро боғлиқ нормалар ва қоидалар комплексини ифодалайди:

- баҳолаш тушунчалари ва принциплари;
- баҳолаш фаолиятида қўлланиладиган атамалар ва тарифлар;
- қиймат турларига қўйиладиган талаблар;
- бошланғич ахборотга қўйиладиган талаблар;
- баҳолашни ўтказиш тартиби;
- баҳолаш усулларини қўллаш хусусиятлари;
- баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар;
- бошқа талаблар.

8. Баҳолаш тушунчалари ва принциплари баҳолаш фаолияти ва мол-мулкни баҳолаш стандартлари асосланадиган асосий юридик ва иқтисодий тушунчаларни изоҳлайди.

9. Атамалар ва тарифлар мол-мулкни баҳолаш стандартларида фойдаланиладиган асосий ва махсус атамаларнинг моҳияти ва маъносини очиқ беради.

10. Қиймат турларига қўйиладиган талаблар стандартларни қўллаш учун мол-мулкни баҳолаш стандартлари билан белгиланган қийматнинг бозор ва бозор базаларидан фарқ қиладиган муҳим белгиларини белгилайди ва изоҳлайди, шунингдек мол-мулкни баҳолаш стандартларида назарда тутилган қийматлар турлари ўртасидаги фарқни белгилайди.

11. Бошланғич ахборотга қўйиладиган талаблар баҳолаш объектини

баҳолаш учун зарур бўлган ахборотнинг хусусияти, мазмуни ва ҳажмини белгилайди.

12. Баҳолашни ўтказиш тартиби баҳолаш объектини баҳолашда иш-ҳаракатларнинг босқичлари ва изчиллигини белгилайди.

13. Баҳолаш усуллари қўллаш хусусиятлари баҳолаш мақсадидан ва баҳолаш объектининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб баҳолашнинг у ёки бу усулини танлаш тартибини очиб беради.

14. Баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни баён қилиш шаклини, тақдим этиладиган ахборотнинг сон ва сифат изчиллигини ҳамда мантиқан ўзаро боғлиқлигини белгилайди.

15. Мол-мулкни баҳолаш стандартларида баҳолаш жараёнини тартибга солишга йўналтирилган бошқа талаблар ҳам бўлиши мумкин.

III. Мол-мулкни баҳолаш стандартларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар

16. Мол-мулкни баҳолаш стандартлари талабларини баён қилиш ҳар хил талқин қилишни истисно этадиган қисқа ва аниқ бўлиши керак.

17. Ҳажми ва мазмунига қараб мол-мулкни баҳолаш стандартлари ўз номига эга бўлган айрим бўлимларга бўлинади. Бўлимлар рим рақамлари билан рақамланиши керак, барча бўлимларнинг кичик бандлари араб рақамлари билан рақамланади.

18. Мол-мулкни баҳолаш стандартининг ҳар бир бандида тугалланган битта норматив кўрсатма бўлиши керак.

19. Жадваллар, графиклар, хариталар, схемалар, ҳужжатлар ва бланкаларнинг намуналарини иловаларда жойлаштириш, матнда эса тегишли ҳаволаларни кўрсатиш зарур.

20. Мол-мулкни баҳолаш стандартини расмийлаштириш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг белгиланган талабларига мувофиқ бўлиши керак.

IV. Мол-мулкни баҳолаш стандартларини келишиш ва тасдиқлаш тартиби

21. Мол-мулкни баҳолашнинг ишлаб чиқилган стандартлари, агар мол-мулкни баҳолаш стандартининг лойиҳасида бошқа вазирликлар ва идораларнинг манфаатлари ёки ваколатига дахл қиладиган нормалар мавжуд бўлса, келишиш учун манфаатдор вазирликлар ва идораларга юборилади.

22. Мол-мулкни баҳолашнинг келишиладиган стандарт лойиҳасида тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг тегишли вазирлик ва идоранинг муҳри билан тасдиқланган имзолари қўйилган лойиҳанинг келишилганлигини кўрсатадиган яқунловчи қоидалар бўлиши керак.

23. Мол-мулкни баҳолаш стандартлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

V. Мол-мулкни баҳолаш стандартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш

24. Мол-мулкни баҳолаш стандартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш Давлат мулки қўмитаси томонидан амалга оширилади.

25. Мол-мулкни баҳолашнинг янги стандарти тайёрланиши муносабати билан илгари қабул қилинган мол-мулкни баҳолаш стандартига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уни ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш тўғрисидаги таклифлар янги стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бир вақтда тайёрланиши керак.

26. Агар баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш мол-мулкни баҳолаш стандартларига тегишли бўлса, Давлат мулки қўмитаси ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни ҳукукий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига тақдим этади. Мол-мулкни баҳолаш стандартлари қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилгунига қадар ушбу стандартлар қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қисми бўйича амал қилади.

27. Агар баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ёки Давлат мулки қўмитасининг ташаббуси билан мол-мулкни баҳолаш стандартларини қайта кўриб чиқишда мол-мулкни баҳолашнинг айрим стандартлари амал қилишини тўхтатиш зарурияти юзага келса Давлат мулки қўмитаси Адлия вазирлигига мол-мулкни баҳолаш стандарти ўз кучини йўқотганлигини эътироф этиш тўғрисидаги тегишли қарорни тақдим этади.

28. Бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ёки келишган ҳолда қабул қилинган мол-мулкни баҳолаш стандартига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уни ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш ушбу вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ёки келишган ҳолда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

568 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ–163-сон ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2008 йил 26 сентябрдаги ЎРҚ–183-сон қонунлари)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ–163-сон ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2008 йил 26 сентябрдаги ЎРҚ–183-сон қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва Хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарорига 4-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда) 6-илова II бўлими 17-бандининг «д» кичик банди;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2002 йил 5 сентябрдаги 317-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 50-модда) илова 3-бандининг «б» кичик банди.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 декабрь,
323-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 22 декабрдаги 323-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сон қарори билан тасдиқланган Холдинглар тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 39-модда):

а) I бўлимда:

муқаддима қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида», «Рақобат ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ холдинглар ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тартибини белгилайди;

1-банддаги «очиқ турдаги акциядорлик жамияти» сўзлари «очиқ акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «бошқа қонун ҳужжатлари» сўзлари тегишли равишда «қимматли қоғозлар бозори тўғрисида», «бошқа қонунчилик ҳужжатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) II бўлимнинг 2-бандидаги «ва рақобатни ривожлантириш» сўзлари «рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 22 августдаги 361-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 8-сон, 31-модда):

а) 1-иловада:

2.1-бандда:

«в» кичик банддаги «тугатиш комиссияси» сўзлари «тугатувчи» сўзи билан алмаштирилсин;

«з» кичик бандда:

«тўхтатиш» сўздан кейин «(бекор қилиш)» сўзи қўшилсин;

«рахбари» сўзи «аъзолари» сўзи билан алмаштирилсин;

«к» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«к) аудиторлик текшируви ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига ҳақ тўлашнинг чекланган миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш»;

қўйидаги мазмундаги «л¹» кичик банд қўшилсин:

«л¹) Жамиятнинг қузатувчи кенгаши ваколатига кирадиган масалалар

бўйича, шу жумладан жамиятни бошқариш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этиш бўйича унинг ҳисоботларини эшитиш»;

3.1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.1. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш расман эълон қилинган кунгача уч календарь кунда шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади»;

3.2, 3.3, 3.10, 3.15, 7.8-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

3.4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.4. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар фақат реестр тузилган санада кўрсатиб ўтилган реестрга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки уни тузишда йўл қўйилган хато тузатилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин»;

3.5-банддаги «акциядорлар рўйхатига киритилган, Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар» сўзлари «жамият акциядорлари реестрида қайд этилган» сўзлари билан алмаштирилсин;

3.11-банддаги «Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига биноан» сўзлари «жамият акциядорлари реестрига биноан» сўзлари билан алмаштирилсин;

3.12-банддаги «Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати бўйича» сўзлари «жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 3.15¹-банд қўшилсин:

«3.15¹. Агар жамият акциялари бир неча шахсларнинг умумий улушли мулкида бўлса, у ҳолда акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш бўйича ваколат уларнинг хоҳиши бўйича умумий улушли мулк қатнашчиларидан бири томонидан ёхуд уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган шахслардан ҳар бирининг ваколоти зарур тарзда расмийлаштирилиши керак»;

4.1 — 4.4-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.1. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришни Кузатувчи кенгаш амалга оширади. Кузатувчи кенгаш қуйидагиларни белгилайди:

Акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказиладиган санаси, жойи ва вақти;

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби;

умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисида хабар бериш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана;

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана;

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига маълум қилиш тартиби;

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда ак-

циядорларга ва давлат вакилига тақдим қилинадиган маълумотлар (материаллар) рўйхати;

овоз бериш учун бюллетеннинг шакли ва матни;

йиғилишни ўтказиш шакли (ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун).

4.2. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига хабар бериш акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши расмий эълон қилинган санадан 30 календарь кун олдин тузилган жамият акциядорлари реестри асосида матбуотда тегишли ахборотни эълон қилиш ва акциядорларга ёзма билдиришнома (4-илова) юбориш йўли билан амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти ёзма билдиришномани акциядорга ва давлат вакилига мустақил равишда ёхуд тегишли хизматлар кўрсатишга жамият билан қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиси ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиси орқали юборишга ҳақлидир.

Акциядорнинг талабига кўра жамият акциядорга унинг Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун тузилган жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги маълумотни тақдим этиши шарт.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига хабар бериш муддати жамият томонидан белгиланади. Очик акциядорлик жамияти акциядорларига ва давлат вакилига акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санасидан олдин 10 календарь кундан кечикмай Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ёзма билдиришнома юборилиши керак.

4.3. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарда қуйидагилар бўлиши керак:

жамиятнинг номи ва жойлашган жойи (почта манзили);

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

жамият акциядорлари реестри тузилган сана;

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

акциядорларни ва давлат вакилини Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар (материаллар) билан таништириш тартиби.

4.4. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар (материаллар)га жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича жамият тафтиш комиссияси (тафтишчи) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, яқка бошчилик қиладиган ижро этувчи орган, коллегиял ижро этувчи орган, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки шартномани бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида жамият Кузатувчи кенгаши хулосаси, жамият Кузатувчи кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчиларга) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамият уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги тахрирдаги устави лойиҳаси.

Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлатнинг вакилига тақдим этилиши шарт бўлган қўшимча маълумотлар (материаллар) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин;

4.7-банддаги «тури», «турлари» сўзлари тегишли равишда «типи», «типлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

5.1-банднинг учинчи хатбошидаги «ёки жамият аудиторинг» сўзлари чиқариб ташлансин;

5.4, 5.7, 5.8-бандлардан «жамият аудитори» сўзлари чиқариб ташлансин;

5.5-банддаги «тури (типи)» сўзлари «типи» сўзлари билан алмаштирилсин;

6.4-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6.4. Бўлиб ўтмаган Акциядорлар умумий йиғилиши ўрнига чақирилган янги Акциядорлар умумий йиғилиши, агар унда қатнашиш учун рўйхатдан ўтказиш тамом бўлиши пайтида жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акциялари овозларининг жами камида 60 фоизига эгалик қилган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтказилган бўлса ҳуқуқий ваколатлидир»;

6.6-банддаги «рўйхатига мувофиқ» сўзлари «реестрга мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

7.6-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7.6. Овозларни ҳисоблаб чиқиш, Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш учун бюллетенлар бериш учун Жамият кузатувчи кенгаши томонидан сони ва шахсий таркибини Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлайдиган саноқ комиссияси ташкил этилади».

б) 3-иловада:

2.7-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2.7. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган ижро этувчи орган таркибига кирадиган шахснинг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда, унинг вазифалари Жамият кузатувчи кенгашининг қарори билан белгиланадиган шахс томонидан жамият акциядорларининг навбатдаги Умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажарилишига йўл қўйилади»;

3.1-банддаги «Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатувчи кенгашнинг ваколатига кирган масалалар» сўзлари «Акциядорларнинг умумий йиғилиши мутлақ ваколатига ёки Кузатувчи кенгашнинг ваколатига кирган масалалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва Хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарорида:

а) 2-банднинг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 34-банди иккинчи хатбошидаги «инвестиция фонди уставида назарда тутилган тартибда» сўзларидан кейин «бир йил муддатга» сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, (2002 й., 6-сон, 36-модда) 1-илова ўзбек тилидаги матнининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» бўлимидаги «қимматбаҳо қоғозлар» сўзлари «қимматли қоғозлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 32-модда):

а) 1-иловада:

4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Кузатувчи кенгаш ваколатига қуйидагилар киради:

жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 72-моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санасини белгилаш;

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун жамият акциядорлари реестрини тузиш санасини белгилаш;

жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш масалаларини Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига киритиш, шунингдек аудиторлик текшириши ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига ҳақ тўлашнинг чекланган миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

агар жамият уставига ёки Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ бундай ҳуқуқ унга берилган бўлса, эълон қилинган акцияларнинг сони ва типлари доирасида акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш ёки жамият томонидан қўшимча акциялар жойлаштирилиши йўли билан жамият устав фонди миқдорини кўпайтириш;

агар жамият уставида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, чиқарилган қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш; мол-мулкнинг бозор қийматини белгилаш;

агар жамият уставига ёки Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ бундай ҳуқуқ унга берилган бўлса, қонунда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижро этувчи органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва хоказолар), агар жамият уставида бу унинг ваколатига тегишли деб то-

пилган бўлса, ижро этувчи органнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

акциядорлик жамияти номидан ижро этувчи орган раҳбарини (бошқарув раисини, директорни) ва коллегиял ижро этувчи орган (бошқарув, дирекция) аъзоларини бир йил муддатга ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузиш;

агар жамият уставида ушбу масалани ҳал этиш унинг ваколатига тегишли бўлса ёки Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ушбу масалани ҳал этиш унга топширилган бўлса, йиллик бизнес-режани тасдиқлаш;

агар бундай лавозимни жорий этиш жамият уставида назарда тутилган бўлса корпоратив маслаҳатчини тайинлаш;

агар жамиятнинг уставида жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш Кузатувчи кенгаш ваколатига тегишли бўлмаса ёки Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан унга топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йил учун бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечикмай Кузатувчи кенгаш мажлисида маъқулланиши керак;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;

агар жамият уставида бу унинг ваколатига тегишли деб белгиланган бўлса, ижро этувчи органга тўланадиган тақдирлаш пули ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчига) тўланадиган тақдирлаш пули ва компенсациялар миқдори бўйича тавсиялар бериш ва аудиторлик ташкилоти хизматчиларига ҳақ тўлашнинг чекланган миқдорини белгилаш;

акциялар бўйича дивиденд миқдори ва уни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира ва бошқа жамғармаларидан фойдаланиш;

жамиятни бошқариш органлари фаолияти тартибини белгилайдиган ҳужжатларни тасдиқлаш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва бўйсунадиган корхоналарини ташкил этиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг VIII бўлимида назарда тутилган ҳолларда мол-мулкни сотиб олиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ йирик битишувлар тузиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг IX бўлимида назарда тутилган ҳолларда тузилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битишувларни тузиш;

акциядорлик жамиятининг бошқа хўжалик жамиятларида қатнашиши билан боғлиқ битишувларни тузиш;

жамиятнинг ижро этувчи органи фаолиятига тегишли бўлган ҳар қандай ҳужжатлардан тўсиқсиз фойдаланиш ва Кузатувчи кенгашга юкланган вазифаларни бажариш учун уларни ижро этувчи органдан олиш. Олинган

хужжатлардан Кузатувчи кенгаш ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

йиллик бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисида жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбарининг ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш ҳамда якка бошчилик қиладиган ижро этувчи орган, жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи раҳбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи томонидан қўпол бузишларга йўл қўйилганда ёки жамият йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрларини бажариш барбод қилинганда улар билан тузилган шартномани муддатидан олдин бекор қилиш;

агар уставга мувофиқ унга бундай ҳуқуқ берилган бўлса, якка бошчилик қиладиган ижро этувчи орган (директор), жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи раҳбари (бошқарув, дирекция), бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи томонидан шартнома шартлари бузилганда улар билан тузилган шартномани бекор қилиш;

конунда ва жамият уставида Кузатувчи кенгаш ваколатига тегишли деб белгиланган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жамиятнинг Кузатувчи кенгаши ваколатига тегишли бўлган масалалар жамиятнинг ижро этувчи органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас»;

5-банднинг биринчи хатбошидаги «жамият уставида назарда тутилган тартибда» сўзларидан кейин «бир йил муддатга» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги 11¹ ва 11²-бандлар қўшилсин:

«11¹. Жамият Кузатувчи кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

11². Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони жамиятнинг Кузатувчи кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарзда олинган овозларни тўлиқ бир номзодга беришга ёки овозларни икки ёки ундан кўп номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир»;

17-банддаги «ёки аудиторнинг» сўзлари чиқариб ташлансин;

24-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«24. Жамият Кузатувчи кенгаши мажлиси протоколи жамият Кузатувчи кенгашининг мажлисда қатнашаётган аъзолари томонидан имзоланади. Улар протоколнинг тўғрилиги учун жавоб берадилар»;

б) 2-илованинг 5-банди иккинчи хатбошидаги «жисмоний шахслар» сўзларидан кейин «шу жумладан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ходимлари» сўзлари қўшилсин;

в) 3-иловада:

33-банднинг иккинчи хатбошидаги «бошқача» сўзи «бошқа» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги VII боб қўшилсин:

«VII. Инвестиция фондларининг инвестиция активларини ишончли бошқариш хусусиятлари

34. Инвестиция фондларининг инвестиция активларини ишончли бош-

қариш қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган ҳамда инвестиция фондининг Кузатувчи кенгаши билан шартнома (контракт) тузган ёхуд ушбу Низомда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бошқарувини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тайинланган инвестиция активларини ишончли бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

35. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи инвестиция активлари ва инвестиция фондларини ишончли бошқарувчи, инвестиция активларини ва хусусийлаштирилган инвестиция фондини ишончли бошқарувчи ўртасида тузилган шартномага (контрактга), мазкур Низомга, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг норматив ҳужжатларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фондлар активларини бошқаришни амалга ошириши шарт.

36. Фондни таъсис этиш босқичида инвестиция активларини ишончли бошқарувчи билан Муассислар кенгаши раиси шартнома (контракт) тузади. Фонд акциядорларининг биринчи Умумий йиғилиши томонидан шартнома (контракт) тасдиқлангандан кейин инвестиция активларини ишончли бошқарувчи билан шартнома (контракт)ни фондининг Кузатувчи кенгаши раиси қайта тузади.

37. Инвестиция фонди билан инвестиция активларини ишончли бошқарувчи ўртасидаги шартнома (контракт) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган Фондни бошқариш тўғрисида инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси билан инвестиция фондининг намунавий контрактига ёки фондни бошқариш тўғрисида инвестиция активларини ишончли бошқарувчи билан хусусийлаштирилган инвестиция фондининг намунавий контрактига мувофиқ тузилади.

38. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи инвестиция фондларининг активларини бошқаришда ушбу фондлар номидан иш кўради. Бунда у инвестиция фонди билан тузилган шартнома (контракт)да инвестиция фондининг номига ҳавола қилган ҳолда фондининг инвестиция активларини ишончли бошқарувчи сифатида иш кўраётганлигини кўрсатиши шарт.

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи инвестиция фондлари активларини ушбу фондларнинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб бошқариши шарт.

39. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчининг фаолияти инвестиция фондининг Кузатувчи кенгаши ва депозитарий томонидан назорат қилинади. Фондининг Кузатувчи кенгаши инвестиция активларини ишончли бошқарувчи билан тузиладиган битишувлар рўйхатини, шунингдек битишувларнинг хусусияти ва ҳажми бўйича чекланишини белгилашга ҳақлидир.

40. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи фонд активларини бошқариш бўйича бутун фаолиятни амалга оширади, шу жумладан:

Акциядорлар умумий йиғилишининг жойи, муддатлари ва кун тартиби тўғрисидаги билдиришномани тузади ва етказиб беришни таъминлайди;

Акциядорлар умумий йиғилиши ва фондининг Кузатувчи кенгаши мажлиси протоколларини юритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ фонднинг йиллик ҳисоботлари ва бошқа ҳисоботларини ишлаб чиқади;

устав талабларига, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ фонднинг соф активлари қиймати бўйича маълумотларни аниқлайди ва эълон қилади;

фонд уларнинг акциялари мулкдори бўлган акциядорлик жамиятларига нисбатан фонд номидан акциядорларнинг барча ҳуқуқларини амалга оширади;

фонд активини ташкил этадиган пул маблағларини инвестиция фондининг банк ҳисоб рақамига жойлаштиради;

устав талабларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Инвестиция фондлари тўғрисидаги низом ва Хусусийлаштириш инвестиция фондлари тўғрисидаги низомга кўра мажбурий эълон қилиниши назарда тутилган инвестиция фондларига нисбатан маълумотларни, молиявий ҳисоботлар ва реклама хусусиятига эга бўлган материалларни тайёрлаш, тарқатиш ва эълон қилишни назорат қилади ва амалга оширади;

инвестиция сиёсати масалалари бўйича фонднинг Кузатувчи кенгашига маслаҳат хизматлари кўрсатади;

инвестиция активларини ишончли бошқарувчи билан инвестиция фонди, инвестиция активларини ишончли бошқарувчи ва хусусийлаштирилган инвестиция фонди ўртасида тузилган шартнома (контракт)га мувофиқ фондга бошқа хизматлар кўрсатади.

41. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи:

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби, шунингдек фонднинг барча ҳужжатлари ва ҳисоботлари юритилиши;

қимматли қоғозларни фонд инвестиция қилган барча акциядорлик жамиятларида бошқарув органларида фонднинг вакилликни;

фонд инвестициялари тўғрисидаги ахборотнинг махфийлигини таъминлайди, шунингдек инвестиция фондини бошқариш учун бошқарувчи томонидан тайинланган ҳар қандай шахс ушбу битим бўйича унга тахлилий хизматлар кўрсатилиши учун инвестиция фондига нисбатан ахборотнинг махфийлигига риоя қилиниши учун (ҳам хизматлар кўрсатиш даврида, ҳам ушбу давр тамом бўлгандан кейин) кафолат олиши мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўради (махфийлик тўғрисидаги контрактлар тузилиши ҳам шу жумлага киради);

фонд ҳужжатлари сақланиши ва расмийлаштирилишининг тўғрилигини; эълон қилинган дивидендларнинг фонд акциядорларига ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлайди.

42. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

фондларнинг чекланмаган миқдордаги инвестицияларини бошқариш;

фондлар номидан қимматли қоғозлар билан битишувлар тузиш, пул маблағларини қимматли қоғозларга инвестиция қилиш учун фонднинг пул маблағини тасарруф этиш, қонун ҳужжатларига, уставга ва инвестицион декларацияга мувофиқ фондларнинг активлари билан бошқа битишувларни амалга ошириш;

фонднинг номидан фонд билан тузилган шартнома (контракт)га мувофиқ фонднинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ банк ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни имзолаш;

акциялар чиқарилишини ҳисобга олиш ва депозитарий учун мажбурий ҳисобланган фонд активларини жойлаш юзасидан фармойишлар чиқариш;

инвестиция фондлари соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомларга, инвестицион декларацияга ва инвестиция фондлари фаолияти чекланишига мувофиқ фондлар фаолияти билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун фондларнинг пул маблағларидан фойдаланиш;

фонд Кузатувчи кенгашининг барча мажлисларида кузатувчи сифатида овоз бериш ҳуқуқисиз бир нафар вакилга эга бўлиш ҳуқуқига эга, фаолият ёки фондларни бошқариш тўғрисида инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси билан шартнома (контракт) тузиш шартлари билан боғлиқ масалалар бўйича мажлисларда муҳокама ёки овоз бериш юз берадиган мажлисларнинг даврлари бундан мустасно;

фонд уставига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдан ташқари Акциядорлар умумий мажлисини ва Кузатувчи кенгашни чақиришни талаб қилиш;

фонднинг Кузатувчи кенгашидан тузилган шартнома (контракт)га ва фонд уставига мувофиқ инвестиция активларини ишончли бошқарувчи томонидан фонд номидан ўз вазифалари бажарилиши учун банк ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқини ёки бошқа ваколатларни беришни (ишончнома бериш йўли билан) талаб қилиш.

43. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи қўйидагиларга мажбур:

а) устав қоидаларига, Кузатувчи кенгаш ва фонд акциядорлари умумий йиғилиши қарорларига, ушбу Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестицияларни ва қимматли қоғозлар портфелини самарали бошқаришни таъминлаш ҳамда фондлар акциядорларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун имкони бўлган барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириш;

б) операцияларни амалга ошириш, шу жумладан фонд акциялари ёки фонднинг охирги йиллик баланс ҳисоботига мувофиқ қиймати фонд активлари қийматининг 10 фоизидан ошадиган фонднинг бошқа қийматлари олди-сотдиси бўйича битишувларни амалга оширишда фонднинг Кузатувчи кенгашининг ёзма розилигини олиш;

в) уставга мувофиқ фонд акцияларига ёзилиш бўйича қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиси билан зарур тайёргарлик ишларини олиб бориш ҳамда унга ёзилиш натижасида олинган барча маблағларни фонднинг ҳисоб рақамига кечиктирмасдан ўтказиш мажбуриятини юк-лаш;

г) фондга тегишли бўлган барча нақд маблағни, чеклар ва нақд бўлмаган тўловларни фонднинг банк ҳисоб рақамига дарҳол ўтказиш;

д) фонднинг банк ҳисоб рақамидан маблағлар ўтказиш бўйича барча тўлов топшириқларини ушбу топшириқлар банкка тақдим этилишидан ол-

дин имзолаш учун қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсига тақдим этиш;

е) ҳар бир молиявий чорак тугаллангандан кейин 30 кун мобайнида Кузатувчи кенгашга қуйидаги ҳужжатлар шаклида ушбу давр учун фонд иши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш:

ҳисобот даврининг боши ва охири бўйича фонднинг бухгалтерия баланси, молиявий натижалар ва даромадлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек бухгалтерия ҳисоботининг бошқа шакллари;

ҳисобот даврида махсус давлат кредити олинishi, ундан фойдаланилиши ва унинг қайтарилиши тўғрисидаги ҳисобот;

Кузатувчи кенгаш томонидан белгиланган ҳисобот даврида инвестиция ёки хусусийлаштирилган инвестиция фондининг қимматли қоғозлари ва бошқа активлари билан содир этилган битишувлар рўйхати;

белгиланган шакл бўйича ҳисобот даври мобайнида инвестиция ёки хусусийлаштирилган инвестиция фонди маблағлари ҳисобига инвестиция активларини ишончли бошқарувчи томонидан қилинган харажатлар тўғрисидаги ҳисобот;

ж) Кузатувчи кенгашни инвестиция активларини ишончли бошқарувчи раҳбарлари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

з) акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши кунидан 30 кун олдин Кузатувчи кенгашга фонд фаолияти тўғрисидаги баланс ҳисоботни, шу жумладан соф активлар қиймати тўғрисидаги ҳисоботни, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни, махсус давлат кредитлари олинганлиги, ундан фойдаланганлиги ва унинг қайтарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек ҳар бир аниқ ҳолатда фонднинг мустақил аудиторлари томонидан тасдиқланган ҳисобот даврининг охири кунда тузилган бухгалтерия ҳисоботининг бошқа шаклларини тақдим этиш;

и) фондларнинг инвестиция портфелини ташкил этадиган барча активларни қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида сақлаш;

к) фондларнинг акциялари билан битишувлар бўйича ҳисоб-китобда хато қилинган тақдирда маблағлар фонд ҳисоб рақамига қайтарилишини ёки компенсация қилинишини таъминлаш;

л) Хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари тўғрисидаги низомда белгиланган ҳажмда ва муддатларда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ҳисобот тақдим этиш.

44. Инвестиция фонди Кузатувчи кенгаш номидан қуйидагиларга мажбур:

инвестиция активларини ишончли бошқарувчисининг ёзма талабига кўра фонднинг активларини бошқариш юзасидан тузилган шартнома (контракт)-га, инвестицион декларацияга ва устав фондига мувофиқ ишончли бошқарувчи ўз мажбуриятлари бажарилиши учун унга ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқини бериши учун (ишончнома бериш йўли билан) барча зарур чоратадбирларни кўриш;

инвестиция активларини ишончли бошқарувчи томонидан фонд билан

тузилган шартнома (контракт) бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш.

Фонд инвестиция активларини ишончли бошқарувчи томонидан шартнома (контракт) бажарилмаган ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда уни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

45. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи инвестиция активларини ишончли бошқарувчининг қонун ҳужжатларида тақиқланган хатти-ҳаракатлари натижасида фонд кўрган зарар учун фонд олдида жавоб беради.

46. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи фонд активларини бошқариш бўйича фаолиятни амалга оширишда қўйидагиларга ҳақли эмас:

фонд номидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятида чеклашлар бўлган хатти-ҳаракатни амалга ошириш;

унинг натижасида қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатлар талаблари, шу жумладан активлар тузилмасига қўйиладиган талаблар бузиладиган битишувларни содир этишга;

хусусийлаштириш инвестиция фонди томонидан хусусийлаштирилган корхоналарнинг акциялари учун тўловни кечиктириш шаклида берилган махсус давлат кредитларидан ташқари инвестиция портфелини ташкил этадиган фонднинг активлари ҳисобига қайтарилиши керак бўлган қарз маблағларини жалб этиш;

фонднинг активларини бошқариш ёки учинчи шахсларнинг мажбуриятларини ижро этиш билан боғлиқ бўлмаган ўз мажбуриятларини ижро этишни таъминлаш учун фонднинг инвестиция портфелини ташкил этадиган активлардан фойдаланиш;

хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларидан ва давлатнинг қимматли қоғозларидан ташқари хусусийлаштирилган инвестиция фонди активлари ҳисобига қимматли қоғозларни сотиб олиш;

фонднинг активлари ҳисобига ўзининг аффиляция қилинган шахсларидан инвестициялаш объектларини сотиб олишга ёхуд бундай активларни уларга бериш;

ўзи бошқарадиган инвестиция фондларининг акцияларини сотиб олиш;

ўзининг аффиляция қилинган шахслари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни, шунингдек ўзининг аффиляция қилинган шахслари томонидан бошқариладиган инвестиция фондларининг акцияларини сотиб олиш;

фондларнинг инвестиция активларини ўзининг аффиляция қилинган шахсларига, депозитарийга, фонднинг мустақил аудиторига, шунингдек давлат органига жойлаштириш;

фонднинг инвестиция портфелини ташкил этадиган активларини ўз мулки қилиб сотиб олиш, ўз мол-мулкни фонднинг активини ташкил этадиган мол-мулк таркибига бериш; инвестиция активларини ишончли бошқарувчига мукофот пули тўлашда хато аниқланган тақдирда, қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича ваколатли давлат органининг норматив ҳужжатла-

рида назарда тутилган бошқа ҳолларда инвестиция фонди чиқимларининг белгиланган нормаларидан ортиқча харажатларни тўлаш, пул маблағларини фонд активига қайтариш учун ўз пул маблағларидан фойдаланиш ҳоллари бундан мустасно;

бошқа инвестиция активларини ишончли бошқарувчи, унинг аффиляция қилинган шахслари, инвестиция фондининг мустақил аудитори томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олиш;

фонднинг мол-мулкани инвестиция активларини ишончли бошқарувчининг ўзи томонидан ёки инвестиция активларини ишончли бошқарувчини назорат қилувчи ёхуд унинг назорати остидаги шахслар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга инвестиция қилиш бўйича тўғридан-тўғри ёки учинчи шахслар орқали битим тузиш, шунингдек фонднинг мол-мулкани фонднинг Кузатувчи кенгашининг олдиндан берилган ёзма розилигисиз инвестиция активларини ишончли бошқарувчи иқтисодий манфаатга эга бўлган корхоналарнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилиш;

фонднинг Кузатувчи кенгаши рухсатисиз устав фондида фонднинг улуши беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этадиган корхона томонлардан бири бўлган битишувларга нисбатан бирор-бир учинчи шахсга маслаҳат бериш;

фонднинг қонун ҳужжатларида, фонд уставида ёки инвестицион декларацияда тақиқланган фаолияти турлари билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш.

Қонун ҳужжатларида инвестиция активларини ишончли бошқарувчи фаолиятига қўшимча чеклашлар белгиланиши мумкин.

47. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи билан устав фондида беш ёки ундан ортиқ фоиз микдоридаги улуш тегишли бўлган корхона билан ҳар қандай шартнома (контракт) фонднинг Кузатувчи кенгаши томонидан маъқулланиши керак.

48. Фонд билан фонд Кузатувчи кенгаши аъзолари, шунингдек инвестиция активларини ишончли бошқарувчининг Кузатувчи кенгаш аъзолари ва мансабдор шахслари иқтисодий манфаатга эга бўлган юридик шахс ўрта-сидаги ҳар қандай битишув фонднинг Кузатувчи кенгаши томонидан маъқулланиши керак.

Кўрсатиб ўтилган шахслар, агар улар устав фондида беш ва ундан ортиқ фоиздаги улуш фондга тегишли бўлган ёки фонд акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизи унга тегишли бўлган юридик шахсга нисбатан меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлсалар, ёхуд мулкдор ёки кредитор ҳуқуқларига эга бўлсалар иқтисодий манфаатга эга деб ҳисобланади.

49. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчининг мансабдор шахсларига акцияларни фонд биржасида (фонд бўлимларини ташкил этган бошқа биржаларда) сотувга қўйиш юзасидан экспертизада қатнашиш тақиқланади.

50. Фонд фаолиятига чекловлар инвестиция активларини ишончли бошқарувчи ижро этиши учун мажбурий ҳисобланади.

51. Фондга кўрсатилган хизматлар учун инвестиция активларини ишончли бошқарувчига тақдирлаш пули фонд томонидан асосий ва қўшимча (мукофот пули) тақдирлаш шаклида тўланади.

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчига асосий тақдирлаш пули чораклар бўйича тақсимлаган ҳолда, бир йил учун қатъий белгилаб қўйилган суммада белгиланади. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи томонидан олинган асосий тақдирлаш пулининг умумий миқдори фонд соф активлари ўртача йиллик қийматининг 5 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Кўрсатиб ўтилган суммага фондни бошқариш тўғрисидаги шартнома (контракт)ни бажариш бўйича инвестиция активларини ишончли бошқарувчининг барча харажатларини қоплаш суммаси киритилади, Инвестиция фондлари тўғрисидаги низомга мувофиқ фонд ҳисобига тегишли бўлган харажатлар бундан мустасно.

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчига қўшимча (мукофот пули) тақдирлаш пули шартнома (контракт)га биноан йил натижалари бўйича, бироқ фонд акциядорларига йил мобайнида ҳисобланган дивидендлар ҳисобга олинган ҳолда фонд соф активлари йиллик ўсиши суммасидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган молиялаштириш ставкаси бўйича соф активларни депозитларда жойлаштиришда юз берадиган ўсишдан 7 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

52. Фондга кўрсатилган хизматлар учун инвестиция активларини ишончли бошқарувчига тақдирлаш пули тўлаш миқдори, муддатлари ва тартиби улар ўртасида тузиладиган шартнома доирасида белгиланади.

53. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22 — 24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

54. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича давлат ваколатли органи инвестиция активларини ишончли бошқарувчи учун қуйидаги хатти-ҳаракатларни тақиқлаб қўйишга ҳақлидир:

инвестиция портфелларини жойлаштириш;

инвестиция портфелларини сотиб олиш;

фонднинг инвестиция портфелини ташкил этадиган мол-мулк ҳисобига мол-мулк сотиб олиш;

фонднинг инвестиция портфелини ташкил этадиган мол-мулкни бегоналаштириш.

55. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчининг фаолиятида жиноят белгилари аниқланган тақдирда қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича давлат ваколатли органи тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига беради.

56. Фонд янги инвестиция активларини ишончли бошқарувчи билан контракт тузишидан олдин лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган тақдирда фонднинг Кузатувчи кенгаши қимматли қоғозлар бозорини бошқариш

бўйича давлат ваколатли органи билан келишган ҳолда фонднинг инвестиция портфелини ташкил этадиган инвестиция активларини вақтинча ишончли бошқарувчини тайинлайди.

Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган пайтдан бошлаб инвестиция активларини ишончли бошқарувчи ўз фаолиятини қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиси сифатида амалга оширишга ҳақли эмас ҳамда вақтинча ишончли бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб икки иш куни мобайнида инвестиция фондининг инвестиция портфелини ташкил этадиган инвестиция активларини ишончли бошқарувчига тегишли бўлган барча ҳужжатларни ва инвестиция фондининг бошқа ҳужжатларини бериши шарт.

57. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчини қайта ташкил этиш ва тугатиш тижорат ташкилотлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

58. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи иқтисодий ночорлик белгилари бўйича ва банкрот деб эълон қилинганда суд тартибида тугатилганда унинг фондлар билан контрактлари белгиланган тартибда бекор қилинади.

59. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи фондлар билан контрактларни бекор қилишда фонднинг Кузатувчи кенгаши томонидан вакил қилинган шахсга фонднинг барча ҳужжатларини ва Кузатувчи кенгаш ёки инвестиция активларини ишончли бошқарувчи — ворис томонидан асосли равишда сўраладиган ҳар қандай ахборотни беради.

60. Фонд, унинг акциядорлари ва инвестиция активларини ишончли бошқарувчи ўртасидаги низолар суд тартибида ҳал этилади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Корпоратив бошқарув марказини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 4 июлдаги 304-сон қарорида:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларни ҳамда давлатнинг ишончли вакили ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш»;

б) 2-иловада:

7-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларни ҳамда давлатнинг ишончли вакили ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш»;

8-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар ҳамда давлатнинг ишончли вакили ходимларини».

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарорига 1-илованинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 60-модда) ўзбек тилидаги матни 24-банди тўртинчи хатбошидаги «қимматбаҳо қоғозлар» сўзлари «қимматли қоғозлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини иш-

лаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 13 ноябрдаги 506-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 118-модда) ўзбек тилидаги матнида:

а) қарорнинг номидаги ва 1-банддаги «қимматбаҳо қоғозлар» сўзлари «қимматли қоғозлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

низомнинг номидаги, 1, 2, 4 ва 5-бандлардаги «қимматбаҳо қоғозлар» сўзлари «қимматли қоғозлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг биринчи хатбошидаги «қимматбаҳо қоғозлар» сўзлари «қимматли қоғозлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

низомга 1-иловада:

илованинг номидаги, 1, 4, 6, 7, 8-бандлардаги, 9-банднинг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошидаги, 10-банддаги «қимматбаҳо қоғозлар» сўзлари «қимматли қоғозлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «қимматбаҳо қоғозлар», «қимматбаҳо қоғозларнинг» сўзлари тегишли равишда «қимматли қоғозлар», «қимматли қоғозларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

низомга 3-илованинг номидаги, биринчи ва саккизинчи хатбошидаги «қимматбаҳо қоғоз» сўзлари «қимматли қоғоз» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 17 мартдаги 126-сон қарори 3-банднинг иккинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 29-модда) «профессионал бошқарувчи компанияларга» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 25 июндаги 295-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 61-модда):

а) муқаддимадаги «профессионал бошқарувчи компанияларнинг», «профессионал бошқарувчи компанияларга» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларнинг», «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандда:

учинчи хатбошидаги «профессионал бошқарувчи компанияларга» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «бошқарувчи компанияларнинг» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

3-банддаги «бошқарувчи компанияларни» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

учинчи хатбошидаги «профессионал бошқарувчи компанияларга» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «бошқарувчи компанияларнинг» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «профессионал бошқарувчи компанияларга» ва «бошқарувчи компанияларни» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиларига» ва «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи, саккизинчи хатбошидаги «бошқарувчи компанияларнинг» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «бошқарувчи компаниялар» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг иккинчи хатбошидаги «бошқарувчи компанияларни» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошидаги «бошқарувчи компанияларнинг» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-бандда:

учинчи хатбошидаги «бошқарувчи компанияларни», «бошқарувчи компаниялар» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларни», «инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «бошқарувчи компаниялар» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи, еттинчи, саккизинчи хатбошидаги «бошқарувчи компанияларнинг» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 77-модда):

а) 4-банддаги «профессионал бошқарувчи компанияларга» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-илованинг номидаги «профессионал бошқарувчи компанияларга»

сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 77-модда) 3-иловада:

а) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «профессионал бошқарувчи компанияларга» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «давлатнинг ишончли вакилларига» сўзларидан кейин «шу жумладан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ходимлари жумласидан бўлганларга» сўзлари қўшилсин;

б) 5-банддаги «профессионал бошқарувчи компанияларга» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банднинг ўн учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«инвестиция активларини ишончли бошқарувчи фаолиятига чекловлар (давлат активлари инвестиция активларини ишончли бошқарувчига берилган тақдирда)».

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 28 июлдаги 160-сон қарорида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошидаги «иккинчи даража» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 5-банддаги «инвестиция институтлари» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**569 Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш
ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида**

Алкоголли маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотишга йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2010 йил 1 январдан бошлаб алкоголли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун уларнинг 1-иловага мувофиқ нархлардан паст нархларда сотилиши мумкин бўлмаган энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

алкоголли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар, маҳсулотларни сотиш нархлари ва ҳажми ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин;

алкоголли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлардан паст нархларда сотиш ҳолатлари аниқланган тақдирда алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ва чакана савдо корхоналарига нисбатан тегишли жарима санкциялари қўлланади, айбдор шахслар эса белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

3. «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар бўйича белгиланган талабларга 2010 йил 1 январдан бошлаб риоя этилишини таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўрсин;

ишлаб чиқарувчи корхоналарга ва чакана савдо корхоналарига 2010 йил 1 январдан бошлаб алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар жорий этилиши тўғрисида ўн кун муддатда маълум қилсин;

алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар жорий этилиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси 2010 йил 1 январдан бошлаб, белгиланган тартибда мониторинг ва текширишларни амалга оширишда алкоголли маҳсулотларнинг белгиланган энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлардан паст нархларда сотилиши ҳолларини аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. 2010 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 23 декабрь,
327-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 23 декабрдаги 327-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун
энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар**

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	1800	2400
Коньяк, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	3800	5000

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 23 декабрдаги 327-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
2010 йил 1 январдан бошлаб киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартибида:

а) 20-бандга қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан алкоголли маҳсулотларни (пиводан ташқари) қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи сотиш нархидан паст нархларда сотиш»;

б) 28-бандда:

иккинчи хатбошига «алкоголли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотиш ҳоллари бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи — олтинчи хатбоши қўшилсин:

«Алкоголли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотиш ҳолатлари аниқланган тақдирда алкоголли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонага:

ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотилган алкоголли маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдориди, лекин белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

айнан шу қонун бузилиши бир йил мобайнида тақдоран аниқланган тақдирда — ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотилган алкоголли маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдориди, лекин белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима қўлланади.

Ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи хат бошида назарда тутилган жарима суммасини аниқлашда сотилган алкоголли маҳсулот қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархи бўйича ҳисоблаб чиқарилади»;

учинчи ва тўртинчи хатбоши тегишли равишда еттинчи ва саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари 60-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам чакана нархдан паст нархлар бўйича».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**572** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 28 декабрь,
334-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 28 декабрдаги 334-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига туза-тиш киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2008 йил 3 июлдаги 149-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 7-сон, 34-модда) 2-бандининг биринчи хатбошидаги «Махсус комиссиянинг» сўзлари «Идоралараро махсус комиссиянинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2 апрелдаги 94-сон қарори билан

тасдиқланган Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низом 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Махсус комиссиянинг» сўзлари «Идоралараро махсус комиссиянинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида» 2009 йил 14 августдаги 232-сон қарорининг 5-бандидаги «Махсус комиссия» сўзлари «Идоралараро махсус комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 октябрдаги 275-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасига жалб этиладиган техник кўмак (грантлар) ҳажмлари тизимли асосда кўпайтирилишини таъминлаганлиги учун вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мукофотларнинг аниқ миқдорлари ва мукофотланадиган мансабдор шахслар рўйхати ҳар бир аниқ лойиҳа бўйича тегишли тузилмаларнинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда аниқлаштирилади ва тасдиқланади»;

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

573 Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ-1236-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади):

мустақил юридик шахс ҳисобланади ва давлат корхонаси шаклида ташкил этилади;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар (контрактлар)ни рўйхатдан ўтказишда, хўжалик юритувчи субъектларга улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан шартномалар (контрактлар) тузишда кўмаклашиш хизматлари учун ундириладиган воситачилик ҳақи, халқаро молиявий институтлар ва донор ташкилотларнинг грант маблағлари, ҳомийлик ёрдами, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

3. Дирекция «Ўзэкспомарказ» МКК» очик акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 107-уйдаги биносида жойлаштирилсин.

4. «Ўзэкспомарказ» МКК» очик акциядорлик жамияти бир ой муддатда: Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органи фойдаланаётган жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни Дирекция балансига берсин;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2010 йил учун тузилган шартномалар (контрактлар)ни рўйхатдан ўтказганлик учун тушган воситачилик ҳақини Дирекциянинг ҳисоб рақамига ўтказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий фаолият кўрсатувчи ташкилий қўмитасига Дирекциянинг самарали фаолиятини таъминловчи маълумотларнинг ахборот базаларини шакллантиришда ва доимий равишда янгилаб боришда ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун киритсин.

6. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 11 апрелдаги 67-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 11 апрелдаги 67-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2009 йил 26 февралдаги 55-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 28 декабрь,
335-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 28 декабрдаги 335-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро
саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси
фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси хўжалик юритувчи субъектларни, шу жумладан хорижий харидорларни республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида кенг хабардор қилиш, шерикларни излаб топишда ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида хўжалик шартномалари, шунингдек маҳсулотларни экспортга етказиб бериш учун шартномалар тузишда ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар йили ўтказилади.

3. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси фаолиятини ташкил этишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий фаолият кўрсатувчи ташкилий қўмитаси (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини тайёрлаш ва ўтка-

зиш Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланадиган комплекс чора-тадбирлар асосида амалга оширилади.

4. Дирекция:

мустақил юридик шахс ҳисобланади ва давлат корхонаси шаклида ташкил этилади, банкларда ҳисоб рақамларига, белгиланган намунадаги муҳрга ва штампга эга бўлади;

Ташкилий қўмитанинг ишчи органи функцияларини бажаради ҳамда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар (контрактлар)ни рўйхатдан ўтказишда, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан шартномалар (контрактлар) тузишда хўжалик юритувчи субъектларга қўмаклашиш хизматлари учун ундирилдиган воситачилик ҳақи, халқаро молиявий институтлар ва донор ташкилотларнинг грант маблағлари, ҳомийлик ёрдами, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Дирекциянинг муассиси ҳисобланади.

II. Дирекциянинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Дирекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳар йили ўтказилишини ташкил этиш;

ҳар йили ўтказиладиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини, унинг ишида қатнашадиган мамлакатимиз корхоналарини ва улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни, шу жумладан маҳаллийлаштирилдиган маҳсулотларни кенг реклама қилишни, шу жумладан хорижий фойдаланувчилар фойдаланадиган ахборот ресурслари орқали реклама қилишни ташкил этиш;

потенциал хорижий харидорларни Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига жалб этиш ва уларнинг қатнашишини кенгайтириш ишини тизимли асосда олиб бориш;

биржалар ва ярмаркаларда хорижий шериклар билан экспорт-импорт битишувларини кенгайтириш, маҳсулот экспорти бўйича икки томонлама ҳукуматлараро битимлардан аста-секин воз кечиш, биржа ва ярмарка савдолари майдончаларида тузиладиган экспорт контрактларини расмийлаштиришда маҳаллий корхоналарга қўмаклашиш йўли билан маҳаллий товарлар ва хизматларни экспорт қилишнинг бозор принциплари ва механизмларини кучайтириш тадбирларини амалга ошириш;

шериклар излаб топишда ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш юзасидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида хўжалик шартномалари тузишда ҳамда маҳсулотни экспортга етказиб бериш учун шартномалар тузишда қўмаклашиш;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузиладиган шартномалар (контрактлар)ни таҳлил қилиш ва тегишли лойиҳаларни

Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш бўйича таклифларни шакллантириш, уларни Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, шу жумладан маҳаллийлаштирила-диган маҳсулотнинг ягона ахборот базасини шакллантириш ва доимий ра-вишда янгилаб бориш, Ўзбекистон саноат корхоналари маҳсулотларининг ҳар йили янгиланадиган каталогларини электрон ва қоғоз форматда нашр этиш;

Ташкилий кўмита қарорларини амалга ошириш.

7. Дирекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функция-ларни амалга оширади:

ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва мамлакатимиз корхона-лари базасида ишлаб чиқариш мумкин бўлган ўзлаштирилиши истикболли товарлар, шунингдек ўзлаштирилган маҳсулотнинг потенциал истеъмолчи-лари бўлган хорижий корхоналар тўғрисидаги доимий равишда янгилаб бориладиган маълумотларнинг ахборот базасини юритиш ва Интернет тар-моғига жойлаштириш;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ички бозорда эҳтиёж мавжуд бўлган товарлар, бутловчи буюмлар ва материаллар, шунингдек товарларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда бериладиган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида аниқ тарзда хабардор қилиш;

ишлаб чиқариш алоқаларини йўлга қўйиш учун мамлакатимиздаги по-тенциал маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг импорт қилинадиган маҳсулот-ларга ўхшаш маҳсулот истеъмолчилари билан амалий учрашувлари ва му-зокараларини ташкил этиш;

биргаликдаги ишлаб чиқариш фаолиятини ва кооперация алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида республика ишлаб чиқарувчиларининг бошқа маҳал-лий ишлаб чиқарувчилар, потенциал хорижий шериклар билан музокарала-ри ва тақдимотларини ташкил этишга кўмаклашиш;

республика хўжалик юритувчи субъектларини Халқаро саноат ярмар-каси ва Кооперация биржасини ўтказиш саналари, тартиби ва уларда қатна-шиш шартлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

ташкил этилаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси-да хўжалик юритувчи субъектларнинг — ишлаб чиқарувчиларнинг, бирин-чи навбатда республика корхоналари томонидан импорт қилинадиган ма-ҳсулотга ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг, шунингдек респуб-ликада ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадга мувофиқ бўлган товарлар-ни импорт қилувчи корхоналарнинг кенг тақдим этилишини таъминлаш;

потенциал хорижий харидорларни Халқаро саноат ярмаркаси ва Коопе-рация биржасига кенг жалб этиш тадбирларини амалга ошириш;

миллий ишлаб чиқарувчиларга шериклар излаб топишда ва Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш, шу жумладан экспортга етказиб бериш юзаси-дан шартномалар тузишда кўмаклашиш;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва

уларнинг реестрини юритиш, шунингдек бундай шартномалар қатнашчиларига ушбу реестрдан кўчирмалар бериш;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар бажарилиши мониторингини олиб бориш;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар (контрактлар)ни ўрганиб чиқиш йўли билан тегишли лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритишга доир таклифлар тайёрлаш;

тармоқ ва минтақавий саноат ярмаркалари ташкилотчиларига уларни ўтказишда методик ёрдам кўрсатиш;

саноат кооперацияси алоқаларини чуқурлаштиришга ва саноат кооперацияси ҳамда замонавий технологияларни ўзлаштириш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтиришга йўналтирилган тадбирлар бўйича ахборотларни тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида кенг ёйишни таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларида материаллар ва таҳлилий шарҳлар эълон қилиш;

шунга ўхшаш тадбирларни ўтказишга оид халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини тайёрлаш ва ўтказиш масалалари бўйича Ташкилий қўмига таклифлар киритиш;

белгиланган тартибда унга юкланган бошқа функциялар.

8. Дирекция ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

III. Дирекциянинг давлат ва хўжалик органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби

9. Дирекциянинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари ва корхоналар Дирекцияга зарур ахборот материалларини тақдим этадилар.

10. Бошланғич ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишда, шунингдек кейинчалик маълумотлар базасини Дирекцияга тақдим этишда вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби Ташкилий қўмига томонидан тасдиқланади.

IV. Дирекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Дирекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини тайёрлаш ва ўтказиш масалалари бўйича таклифларни Ташкилий қўмига киритиш;

вазирликлар, идоралар ва корхоналардан Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар (контрактлар)нинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни олиш;

конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

12. Дирекция:

ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва ўзлаштирилиши истикболли бўлган товарлар, шунингдек бунинг учун ишлаб чиқариш ва технологик ресурсларга эга бўлган мамлакатимиз корхоналари, бундай товарларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда бериладиган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги доимий равишда янгиланган бориладиган маълумотларнинг ахборот базаси юритилиши ва Интернет тармоғига жойлаштирилиши;

тармоқлараро ва тармоқ ички ишлаб чиқариш алоқаларини йўлга қўйиш ва мустақамлашга қўмаклашиш чора-тадбирлари самарали амалга оширилиши ҳамда ушбу Низом билан юкланган вазифалар ва функциялар доирасида хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалар портфели шакллантирилиши;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича комплекс тадбирларнинг ўз вақтида келишилиши ва Ташкилий қўмига томонидан тасдиқланиши;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корхоналар, шу жумладан хорижий корхоналарнинг Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш муддатлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиниши;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномаларнинг ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиши ва уларнинг реестри юритилиши, шунингдек бундай шартномаларнинг қатнашчиларига ушбу реестрдан кўчирмалар берилиши;

конун ҳужжатларига мувофиқ Дирекцияга юкланган бошқа вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

V. Дирекция фаолиятини ташкил этиш

13. Дирекцияга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод қилинадиган директор бошчилик қилади.

14. Директор:

Дирекция фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва Дирекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш билан

боғлиқ тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

бўлимлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди ва Дирекция ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири билан келишган ҳолда штатлар жадвалини тасдиқлайди, Дирекция ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Дирекция номидан хўжалик шартномалари ва бошқа шартномалар тузади;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг топшириқларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

15. Дирекция қуйидаги учта бўлимдан иборат бўлади:

а) Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказишни ташкил этиш бўлими;

б) ахборот-таҳлилий таъминлаш, реклама, маълумотлар базасини юриштиш ва тузилган контрактлар мониторинги бўлими;

в) хўжалик юритувчи субъектлар билан ишлаш ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан хорижий харидорлар ва маҳаллийлаштириладиган маҳсулот буюртмачилари ўртасидаги ишлаб чиқариш-кооперация алоқаларини йўлга қўйишга қўмаклашиш бўлими.

16. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Дирекция тузилмасига ва ходимлари сонига ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

574 **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2009 йил 13 ноябрдаги ПҚ–1227-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2009 йил 13 ноябрдаги ПҚ–1227-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси Д.О. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 28 декабрь,
336-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 28 декабрдаги 336-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
критилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 январдаги 45-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Устави 23-бандининг бешинчи хатбошидаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар» сўзлари «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ТАСИС дастурини амалга оширишни таъминлашда вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида» 1997 йил 29 майдаги 274-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 5-сон, 20-модда):

а) 2-банддаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикасида Европа Иттифоқи Комиссиясининг ТАСИС дастури доирасидаги лойиҳалар бўйича вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомнинг 3, 6 ва 34-бандларидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти» ҳамда «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» ва «Ташқи

иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 5 мартдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 16-модда):

а) 4-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 411-сон қарорига 3-иловадаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 февралдаги 92-сон қарорига 4-иловадаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотига оид битимлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича махсус давлат комиссиясининг таркиби тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги 295-сон қарорига 3-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 53-модда):

«Асқаров М.А. — Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирининг ўринбосари» сўзлари «лавозимига кўра — Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг шуъба мудир» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўзлари «Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро молия институтлари иштирокида амалга ошириладиган «Тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги» лойиҳасини рўёбга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 13 январдаги 17-сон қарорига 2-иловадаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси. Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж ўтказиш» лойиҳасини Жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 26 январдаги 37-сон қарорига 5-иловадаги «Нурмуродов М.Б. — Молия вазири ҳамда Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари «Ғуломов Р.А. — Молия вазинининг биринчи ўринбосари ҳамда Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарорига 1-иловадаги «Хаитов А.А. — Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг мудирининг» сўзлари «лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамаси Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг мудирининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорида:

1, 23 ва 46-иловалардаги «Хаитов А.А. — Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг мудирининг» сўзлари «лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамаси Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг мудирининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-иловадаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ри-

вожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-иловадаги «Сафоев Н.С. — Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирининг ўринбосари» сўзлари «лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг мудирининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-иловадаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари «Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-иловадаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирининг ўринбосари» ҳамда «Погребняк А.Г. — Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари тегишли равишда «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирининг биринчи ўринбосари» ҳамда «лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамаси Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-иловадаги «Абдуалиев А.Х. — Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» ҳамда «лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирининг ўринбосари» сўзлари тегишли равишда «лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» ҳамда «лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг мудирининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

44-иловадаги «Хайтов А.А. — Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг мудирининг» сўзлари «лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамаси «Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг мудирининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорида:

а) 1-бандда:

«Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар» сўзлари «Макроиктисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши қўшилсин:

«Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти»;

б) 2-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси ахборот-таҳлил департаментининг тузилмаси ва ходимлари сони 5-иловага мувофиқ»;

в) 9-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тариф разрядларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 октябрдаги 482-сон қарорига илованинг VII бўлими қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«VII. Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси

1. Бошқарма бошлиғи	19
2. Бўлим мудири	18
3. Бош мутахассис	17
4. Етакчи мутахассис	16
5. Инспектор	10»

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида:

а) 41-банддаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар» сўзлари «Макроиктисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 42-банднинг учинчи хатбошидаги ва 43-банддаги «Бош вазир ўринбосари — Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплекси раҳбари» сўзлари «Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — Макроиктисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 57-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«57. Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — Макроиктисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбари ҳамда Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси раҳбарлигида Макроиктисодий ривожлантириш, иқти-

содиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти, ахборот-таҳлил департаментлари, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа марказий иқтисодий идоралар тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда амалга оширадилар. Зарур ҳолларда масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Президиуми томонидан ташкил этиладиган комиссиялар амалга оширадилар»;

г) 59 ва 60-бандлардаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар» сўзлари «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 67-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мажлис протоколи Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти ва Умумий бўлим томонидан мажлис тугагандан кейин бир сутка муддатда Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ва Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбари раҳбарлигида расмийлаштирилади ҳамда мажлисда раислик қилувчи томонидан имзоланади»;

е) 85-банднинг иккинчи хатбошидаги «Бош вазир ўринбосари — Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплекси раҳбари» сўзлари «Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 11 ноябрдаги 247-сон қарорининг 5-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 59-модда) «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар» сўзлари «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 1 майдаги 74-сон қарорига иловада:

«Хўжаев Б.А.» сўзи «Бекенов С.Х.» сўзи билан алмаштирилсин;

«Ашрафхонов Б.Б.» сўзи «Ғуломов Р.А.» сўзи билан алмаштирилсин;

«Асқаров М.А. — Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирининг ўринбосари» сўзлари «лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни

маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг мудирини» сўзлари билан алмаштирилсин;

«вазири вазифасини бажарувчи» сўзлари «вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Қосимов Н.С.» сўзи «лавозимига кўра» сўзлари билан алмаштирилсин; куйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ. Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади».

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 6-сон, 34-модда) билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 14-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Ахборот-таҳлил департаменти ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ)-ни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатни уч кун муддатда тайёрлайди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари комплекси раҳбари билан икки кун муддатда келишиш учун Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига беради»;

б) 27-банднинг учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йўғма ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Араб мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида» 2008 йил 28 октябрдаги 233-сон қарориди:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йўғма ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қарорга илованинг «Бажарувчилар» устунидаги Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йўғма ахборот-таҳлил департаментига кўрсатмалар Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 мартдаги 61-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармаси инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун тижорат банкларига

кредит линияларини очиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 34-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«34. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Ахборот-таҳлил департаменти уч кун муддатда ушбу Низомга 2-иловага асосан шакл бўйича лойиҳанинг ТИАни тасдиқлаш тўғрисида ҳужжат тайёрлайди ҳамда Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбари билан икки кун муддатда келишиш учун Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментига беради».

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 19 июндаги 173-сон қарорида:

а) 1-иловадаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар» сўзлари «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

II бўлим қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

II. Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси	
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	
200.	«1-SON ZARCARLIK KORXONASI» давлат корхонаси
201.	«KUMUSH» масъулияти чекланган жамият ҚК
202.	«FONON» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси давлат корхонаси
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси	
203.	«SSP-EXPOCONTACT» унитар корхонаси

қуйидаги мазмундаги II-1 бўлим қўшилсин:

II-1. Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари комплекси	
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	
204.	«O'ZEKSPOMARKAZ» ОАЖ
205.	«INTERSERVIS» давлат корхонаси

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Киото Протоколининг Мусаффо ривож-

ланиш механизми доирасида «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг компрессор станцияларида табиий газ сизиб чиқишини камайтириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 23 июндаги 175-сон қарорига иловадаги «Асқаров М.А. — Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йўзма ахборот-таҳлил департаменти мудирининг ўринбосари, Мувофиқлаштирувчи қўмита раҳбарининг ўринбосари» сўзлари «лавозимига кўра — Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг мудирини, Мувофиқлаштирувчи қўмита раҳбарининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро молиявий институтлар, хорижий ҳукуматга қарашли молиявий ташкилотлар ва донор мамлакатларнинг маблағларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 12 августдаги 229-сон қарориди:

а) 1-иловадаги «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири» ҳамда «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири» ҳамда «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молиявий институтлар, ташкилотлар ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги низомнинг 7-бандидаги «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар» сўзлари «Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**576 Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий ахборотларни аҳоли эътиборига етказиш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари матнларини қамраб олган ва кенг фойдаланиш учун Интернет тармоғида жойлаштирилган Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ишлари тугалланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йил 1 январдан бошлаб барча фойдаланувчиларнинг Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан текин фойдаланиши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини юритиш, техник жиҳатдан сақлаб туриш ва модернизация қилиш тадбирларини молиялаштириш Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини юритиш, техник жиҳатдан сақлаб туриш ва модернизация қилиш тадбирларини молиялаштириш ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг Кузатувчи кенгаши томонидан белгиланади.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари:

тегишли органларни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ахборотларнинг ҳар ҳафтада олиниши ҳамда раҳбарлар, ходимлар ва бошқа манфаатдор шахсларга етказилиши учун масъул бўлган шахсларни белгилаган ҳолда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига улаш;

ўз ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ҳамда янгидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида хабардор бўлиши учун масъулиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг узлуксиз ишлашини ва ахборот хавфсизлигини таъминласин;

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини ўз вақтида ва сифатли янгилаш, шунингдек Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига уланиш ва ундан фойдаланиш тартибини тушунтириш юзасидан чоратадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан фойдаланилиши юзасидан доимий мониторинг олиб борсин;

ҳар ҳафтада олдинги ҳафтада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини, шунингдек уларга қисқача изоҳларни Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Интернет тармоғидаги Ҳукумат порталида эълон қилиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 31 декабрь,
340-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 31 декабрдаги 340-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
кiritилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 47-модда) билан тасдиқланган Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан фойдаланиш Интернет тармоғи орқали текин амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 4-бандига қуйидаги таҳрирдаги «е-1» кичик банд қўшилсин:

«е-1) Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини юритиш, техник жиҳатдан сақлаб туриш ва модернизация қилиш тадбирларини молиялаштириш».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**578** Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ва қурилиши тугалланмаган объектларини сотишдан тушадиган пул маблағларини тақсимлаш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 31 декабрь,
343-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг
асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган
объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган
пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг учинчи шахсларнинг бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхонасидан қарзларини қайтариш ҳисобига ундирилган асосий воситаларига ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларига татбиқ этилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ва қурилиши тугалланмаган объектларини сотишдан тушган маблағлар ёки уларнинг бир қисми бошқа мақсадларга йўналтирилган тақдирда ушбу Низом уларнинг қолган қисмига нисбатан татбиқ этилади.

4. Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш қўйидаги шартлардан бири қониқтирилган тақдирда амалга оширилади, (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ сотиладиганлари бундан мустасно):

белгиланган хизмат қилиш муддатининг тамом бўлиши (тўлиқ эскириш ҳисобга ўтказилиши);

уларнинг жисмоний эскириши, авариялар, табиий офатлар, фойдаланишнинг нормал шароитлари бузилиши оқибатида яроқсиз ҳолга келиши; маънавий эскириши;

бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг қурилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, модернизация қилиниши ва қайта ташкил этилиши муносабати билан бўшаб қолиши.

II. Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини ва қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш ҳамда уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш

5. Бюджет ташкилотларининг бинолари ва иншоотлари (шу жумладан қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотлари) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда Давлат мулки қўмитаси деб аталади) томонидан хусусийлаштириш тартибида сотилади, ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бюджет ташкилотларининг қолган асосий воситалари бюджет ташкилотлари томонидан юқори ташкилот билан келишган ҳолда, юқори ташкилот бўлмаган тақдирда — қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда сотилади, ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда:

бир инвентар объектнинг қолдиқ қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (бюджет ташкилоти томонидан сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) юз баравари миқдоридан ортиқни ташкил этадиган автотототранспорт воситалари, шунингдек бошқа асосий воситалар асосий воситалар қиймати баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолангандан кейин оммавий савдоларда сотилиши керак, ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

бир инвентар объектнинг қолдиқ қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (бюджет ташкилоти томонидан сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) юз баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган асосий воситалар бюджет ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали сотилади, ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Юқори ташкилотнинг (мавжуд бўлганда) талабига кўра ёки бюджет ташкилотларининг ўз ташаббуси билан ушбу асосий воситалар асосий воситалар қиймати баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолангандан кейин оммавий савдоларда сотилиши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги бюджет ташкилотлари ҳисобланадиган ваколатхоналарининг асосий воситалари ва қурилиши тугалланмаган объектлари қуйидаги тартибда сотилади:

бинолар ва иншоотлар (қурилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотлар ҳам шу жумлага киради) — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида;

қолган асосий воситалар — Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ваколатхоналари томонидан юқори ташкилот билан (мавжуд бўлганда) келишган ҳолда ваколатхона жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали мустақил равишда сотилади.

7. Ушбу Низомнинг 5-банди биринчи хатбошида назарда тутилган бинолар ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотларни) сотишдан тушган маблағлар Давлат мулки қўмитасининг махсус фазначилик ҳисоб рақамида жамланади ва улар, сотиб олиш манбаларидан қатъи назар, Давлат мулки қўмитаси томонидан хусусийлаштиришдан тушган маблағлар сифатида тақсимланади.

8. Ушбу Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган тартибда бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини сотишдан тушган маблағлар бюджетдан ташқари воситалар бўйича бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамларида (ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг тегишли бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида) жамланади. Кўрсатиб ўтилган маблағлар бюджет ташкилотлари томонидан қўйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи — тегишли бюджет даромадига ўтказилади;

50 фоизи — бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамларида (ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг тегишли бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида) қолади.

Бюджет ташкилотлари томонидан асосий воситалар оммавий савдоларда сотилган тақдирда маблағларни тақсимлаш уларни баҳолаш ва сотиш харажатлари чиқариб ташлангандан кейин амалга оширилади.

9. Бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан фаолият ихтисослигига мувофиқ моддий-техник базани мустаҳкамлашга (шу жумладан автомобилотранспорт воситаларини сотиб олишга), шунингдек кредиторлик қарзни (мавжуд бўлганда) тўлашга йўналтирилади.

10. Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги бюджет ташкилотлари ҳисобланadиган ваколатхоналарининг асосий воситалари ва қурилиши тугалланмаган объектларини сотишдан тушган маблағлар:

бинолар ва иншоотлар бўйича (қурилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотлар ҳам шу жумлага киради) — уларни сотиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида белгиланган тартибда;

колган асосий воситалар бўйича — харажатлар сметасида назарда тутилган асосий воситаларни сотиб олишга, фаолият ихтисослигига мувофиқ моддий-техник базани мустаҳкамлашга, шунингдек кредиторлик қарзни (мавжуд бўлганда) тўлашга тақсимланади.

11. Асосий воситаларни балансда сақловчи иштирокида Давлат мулки қўмитаси билан харидор ўртасида тузилган асосий воситаларнинг олди-сотди шартномаси ва асосий воситаларнинг чиқиб кетганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ушбу Низомнинг 5-банди биринчи хатбошида назарда тутилган бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини балансдан ҳисобдан чиқариш учун асос ҳисобланади.

**III. Давлат унитар корхоналарининг асосий
воситаларини ва қурилиши тугалланмаган объектларини
сотиш ҳамда уларни сотишдан тушган пул маблағларини
тақсимлаш**

12. Давлат унитар корхоналарининг бинолари ва иншоотлари (шу жумладан қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотлари) Давлат мулки қўмитаси томонидан хусусийлаштириш тартибида сотилади, ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Давлат унитар корхоналарининг қолган асосий воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ муассис билан келишган ҳолда давлат унитар корхоналари томонидан мустақил равишда сотилади.

Бунда:

бир инвентар объектнинг баланс қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (давлат унитар корхонаси томонидан сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) юз баравари миқдоридан ортиқни ташкил этадиган автотототранспорт воситалари, шунингдек бошқа асосий воситалар асосий воситалар қиймати баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолангандан кейин оммавий савдоларда сотилиши керак, ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

бир инвентар объектнинг баланс қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (давлат унитар корхонаси томонидан сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) юз баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган асосий воситалар давлат унитар корхоналари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали сотилади, ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Муассиснинг талабига кўра ёки давлат унитар корхоналарининг ўз ташаббуси билан кўрсатиб ўтилган асосий воситалар асосий воситалар қиймати баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолангандан кейин оммавий савдоларда сотилиши мумкин.

13. Чет элда жойлашган давлат унитар корхоналарининг (шу жумладан уларнинг шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиалларининг) асосий воситалари ва қурилиши тугалланмаган объектлари қўйидаги тартибда сотилади:

бинолар ва иншоотлар (қурилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотлар ҳам шу жумлага кирази) — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида;

қолган асосий воситалар — давлат унитар корхоналари (шу жумладан уларнинг шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари) томонидан муассис билан келишган ҳолда корхона жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали мустақил равишда сотилади.

14. Ушбу Низомнинг 12-банди биринчи хатбошида назарда тутилган бинолар ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаган бинолар ва иншоотларни) сотишдан тушган маблағлар Давлат мулки қўмитасининг

махсус ғазначилик ҳисоб рақамида жамланади ва улар, сотиб олиш манбаларидан қатъи назар, Давлат мулки қўмитаси томонидан хусусийлаштиришдан тушган маблағлар сифатида тақсимланади.

15. Ушбу Низомнинг 12-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини сотишдан тушган маблағлар давлат унитар корхоналарининг асосий депозит ҳисоб рақамларига ўтказилади ва уларнинг тасарруфида қолади.

Давлат унитар корхоналарининг тасарруфида қоладиган маблағлар улар томонидан фаолият ихтисослигига мувофиқ моддий-техник базани мустаҳкамлашга (шу жумладан автомобилотранспорт воситаларини сотиб олишга), шунингдек кредиторлик қарзни (мавжуд бўлганда) тўлашга йўналтирилади.

16. Чет элда жойлашган давлат унитар корхоналарининг (шу жумладан уларнинг шўба корхоналари, ваколатхоналари ва филиалларининг) бинолари ва иншоотларини (шу жумладан қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотларини) сотишдан тушган маблағлар уларни сотиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида белгиланган тартибда тақсимланади.

17. Давлат унитар корхоналарининг ушбу Низомга мувофиқ сотилган бинолари ва иншоотларини (шу жумладан қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотларини) баланسدан чиқариш муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Асосий воситаларни балансда сақловчи иштирокида Давлат мулки қўмитаси билан харидор ўртасида тузилган асосий воситаларнинг олди-сотди шартномаси ва асосий воситаларнинг чиқиб кетганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ушбу Низомнинг 12-банди биринчи хатбошида назарда тутилган давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини баланسدан ҳисобдан чиқариш учун асос ҳисобланади.

IV. Яқуний қоидалар

18. Асосий воситалар сотилиши муносабати билан уларни баланسدан чиқариш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг раҳбарлари тақдим этилаётган ахборотнинг ишончлилиги ва ушбу Низомга мувофиқ ўзларининг тегишли ҳисоб рақамларига тушаётган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибининг 15-бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўтган йиллардаги дебиторлик қарзларнинг қайтарилган суммалари тегишли бюджетлар даромадларига ўтказилади (бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига пайдо бўлганлари бундан мустасно)»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини сотишдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Товар-моддий бойликларни сотишдан олинган маблағлар бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамларида (ёки Ғазначилик бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида) жамланади ва бюджет ташкилотлари томонидан қуйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи — тегишли бюджет даромадига;

50-фоизи — бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамларида (ёки Ғазначилик бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида) қолади.

Товар-моддий бойликларни сотишдан олинган бюджет ташкилотлари ихтиёрида қолдирилган маблағлар улар томонидан фаолият соҳасига мувофиқ моддий-техник базани мустаҳкамлашга йўналтирилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда) 2-илованинг 19-бандида:

«Ажратмалар миқдорлари (%)» устунидаги «2» рақами «3» рақами билан алмаштирилсин;

«Шакллантириш манбаи» устунига «давлат активлари олди-сотдиси бўйича тузилган ва бекор қилинган шартномалар, берилган кредитлар ва қарзлар бўйича тушган пеня ва жарималар суммалари» сўзлари қўшилсин;

«Ажратмалар миқдорлари (%)» устунига «50» рақамлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 54-модда) билан тасдиқланган Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусу-

сийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35-бандидаги ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 77-модда) билан тасдиқланган Давлат корхоналари тўғрисидаги низомнинг 17-бандига қўйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Бунда бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотиш Давлат мулки қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотишдан тушган маблағлар, уларни сотиб олиш манбаларидан қатъи назар, давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинган маблағлар тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат мулки қўмитаси томонидан тақсимланади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги 27-сон қарорида:

а) Давлат активларини, биржадан ташқари савдоларда, шу жумладан инвестиция мажбуриятлари билан сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 50-банди иккинчи хатбошидаги «етишмаётган суммани» сўзлари «ёки закат шартномага мувофиқ савдолар ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Хусусийлаштиришдан тушумларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва маблағлардан фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

1-банднинг олтинчи хатбошидан кейин қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«протоколни ёки олди-сотди шартномасини имзолашдан бош тортган ёки уни рад этган ким ошди савдолари ёки танловлар (тендерлар) ғолибларидан ушлаб қолинган закат суммаси»;

2-бандда:

1-банддаги «ва 5» сўзлари «5 ва 5-1» сўзлари билан алмаштирилсин; бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3 фоизи — тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шу жумладан Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари ҳисоб рақамларига»;

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

3-банддаги «ушбу Низомнинг 2 ёки 4-бандларига» сўзлари «ушбу Низомга» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг биринчи хатбошидаги «ер участкаларини» сўзидан кейин «резидентларга» сўзи қўшилсин;

қўйидаги мазмундаги 5-1-банд қўшилсин:

«5-1. Давлат активлари олди-сотдиси бўйича тузилган ва бекор қилин-

ган шартномалар, берилган кредитлар ва қарзлар бўйича тушган пеня ва жарималар суммалари қуйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шу жумладан Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари ҳисоб рақамларига йўналтирилади»; қолган қисми ушбу Низомнинг 2-бандига мувофиқ тақсимланади»; қуйидаги мазмундаги 6-1-банд қўшилсин:

«6-1. Давлат мулки қўмитаси (унинг ҳудудий бошқармалари) томонидан харажатларни амалга оширишда етказиб берувчилар билан шартномалар қуйидаги ҳолларда танлов (танлаб олиш)ни ўтказмасдан тузилиши мумкин:

давлат активлари тўғрисидаги рекламаларни ва ахборот тусидаги эълонларни оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш, шунингдек реклама ва эълонларни ташқи реклама манбаларида (билбордлар, баннерлар ва бошқаларда) жойлаштириш;

давлат активларини сотишда, шунингдек юридик шахслар акциялари (улушлари, пайлари)ни ва бошқа активларни давлат манфаатларини кўзлаб сотиб олишда биржа ва биржадан ташқари савдоларга хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан хизматлар кўрсатиш;

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувни ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилиш маркази томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий-тадқиқот ва бошқа ишлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Республика бизнес-мактаби томонидан корпоратив бошқарувни ривожлантириш мақсадида Давлат мулки қўмитаси марказий аппарати ва таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат ишончли вакиллари малакасини ошириш;

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги «Хусусийлаштириш ахборот тизимлари» ахборот технологиялари маркази» давлат унитар корхонаси томонидан замонавий ахборот-технология компьютер дастурларини, маҳаллий компьютер ва интернет тармоғини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат тендер комиссияси қарорлари асосида давлат активларини сотишда мамлакатимиздаги ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

баҳолаш ташкилотлари томонидан хизматлар кўрсатиш.

Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияси бўлган баҳоловчи ташкилотлар хизматларига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширилади»;

22-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. Тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шу жумладан Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун Давлат мулки қўмитаси ихтиёрида қолдириладиган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ фойдаланилади».

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарорига
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат автомобилотранспорт воситаларини сотиш тартиби тўғрисида» 1994 йил 28 сентябрдаги 489-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат автомобилотранспорт воситаларини жисмоний ва давлат тасарруфида бўлмаган юридик шахсларга сотиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1995 йил 18 августдаги 325-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 8-сон, 29-модда).
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат автомобилотранспорт воситаларини сотиш тартиби тўғрисида» 1994 йил 28 сентябрдаги 489-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1996 йил 19 сентябрдаги 326-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 9-сон, 26-модда).
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилотранспорт воситаларининг олдидан шартномаларини расмийлаштиришни тартибга солиш тўғрисида» 2003 йил 13 январдаги 12-сон қарорига илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 4-модда).

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

579 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 апрелдаги 173-сон қарорига иловада кўрсатилган «Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари»га киритиладиган товарлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 713-1

(2009 йил 31 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6 ва 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 майдаги 217-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ва айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2001 й., 5-сон, 27-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 апрелдаги 173-сон қарорига иловада кўрсатилган «Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари»га киритиладиган товарлар рўйхати (рўйхат рақами 713, 1999 йил 4 май) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 1 декабрь,
110-сон

Давлат божхона
қўмитаси раиси

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 1 декабрь,
01-02/8-30-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

580 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 апрелдаги 173-сон қарорига иловада кўрсатилган «Бошқа ноозиқ-овқат истеъмол товарлари»га киритиладиган товарлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 714-1

(2009 йил 31 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6 ва 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 майдаги 217-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ва айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2001 й., 5-сон, 27-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 апрелдаги 173-сон қарорига иловада кўрсатилган «Бошқа ноозиқ-овқат истеъмол товарлари»га киритиладиган товарлар рўйхати (рўйхат рақами 714, 1999 йил 4 май) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 1 декабрь,
111-сон

Р. АЗИМОВ**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2009 йил 1 декабрь,
01-02/8-26-сон

С. НОСИРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

581 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2057*

(2010 йил 1 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун

хужжатлари тўплами, 2009 й., 47-сон, 506-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 370-модда) бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари иловага мувофиқ ўзгартирилсин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2009 йил 1 декабрдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдори ўзгарганлигини ҳисобга олиб 2009 йилнинг охирига қадар иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2009 йил 22 сентябрдаги 11, 59Қ/Қ, 96-сонли «Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини ўзгартириш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2019, 2009 йил 16 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2009 й., 43-сон, 459-модда) қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси ижро аппарати раҳбари**

М. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 декабрь,
13-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 декабрь,
80-Қ/Қ-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 декабрь,
116-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантиришни мувофиқ-
лаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
ҳамда Молия вазирлигининг 2009 йил
16 декабрдаги 13, 80-Қ/Қ, 116-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган
Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар
ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга
оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва
раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ**

Т/р.	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	Институт директори	
	профессор	582 443
	фан доктори	558 780
	фан номзоди	535 247
2.	Директорларнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори	
	профессор	535 247
	фан доктори	516 230
	фан номзоди	493 135
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири	
	фан доктор ёки профессор	516 230
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўл- ган фан номзоди	493 135

Т/р.	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	474 246
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки профессор	493 135
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	474 246
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	455 253
5.	Бош илмий ходим	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	493 135
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	474 246
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	455 253
6.	Етакчи илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	474 246
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	455 253
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	432 785
7.	Катта илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	432 785
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	410 573
	илмий даражага эга бўлмаган	388 856
8.	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди	410 573
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	388 856
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	367 320
9.	Тажриба орттирувчи тадқиқотчи	324 089

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**582 Суғурталовчининг муваққат маъмурияти тўғрисида-
ги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2058*

(2010 йил 1 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда) мувофиқ **буюраман**:

1. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 ноябрь,
108-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2009 йил 20 ноябрдаги
108-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Суғурталовчининг муваққат маъмурияти тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда) мувофиқ суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ишлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом суғурталовчининг аризасига биноан унинг лицензияси бекор қилинган ҳолларга, шунингдек унинг муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган суғурталов-

чининг бошқарув органи қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёхуд тугатилишига тааллуқли эмас.

2. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг функцияси бўлиб суғурталовчининг илгари амал қилган бошқарув органларининг ваколатларини амалга ошириш ҳисобланади.

3. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти суғурталовчи лицензиясининг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) буйруғи билан тайинланади.

4. Суғурталовчининг илгари амал қилган бошқарув органларининг ваколатлари суғурталовчининг муваққат маъмурияти тайинланган санадан бошлаб тўхтатиб турилади ва суғурталовчининг муваққат маъмуриятига ўтади. Муваққат маъмурият суд қарор чиқаргунга қадар бўлган даврда ўз фаолиятини амалга оширади.

5. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

6. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти аъзоларининг моддий-техника таъминоти ва меҳнатига ҳақ тўлаш суғурталовчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ҳар бир аъзосининг ҳар ойлик пул мукофоти миқдори суғурталовчининг раҳбари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

II. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг таркиби

7. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти раҳбар ва бошқа аъзолардан иборат.

8. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти аъзоларининг сони уч кишидан ошмаслиги лозим. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг шахсий таркиби Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

9. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг таркибига Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлган ва суғурта соҳасида икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган (суғурта агенти сифатидаги, шунингдек, ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш стажи ҳисобга олинмайди) шахслар киритилиши мумкин.

10. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг таркибига суғурталовчининг мулкдорлари (муассислари, акциядорлари) ва (ёки) ходимлари, бошқа шахс-

ларнинг ишларини ва (ёки) мулкларини бошқаришга чекловлари мавжуд бўлган шахслар киритилишига йўл қўйилмайди.

III. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг фаолиятини ташкил этиш

11. Суғурталовчининг илгари амал қилган бошқарув органлари суғурталовчининг муваққат маъмурияти тайинланган санадан бошлаб икки иш кунидан кечиктирмасдан суғурталовчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни ҳужжатлар рўйхати бўйича, муҳр ва штампларни, моддий ва бошқа бойликларни топшириши, суғурталовчининг муваққат маъмурияти эса қабул қилиб олиши лозим.

12. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ўзининг тайинланганидан кейин суғурталовчининг мулкидан суғурталовчининг мулкдорлари (муассислари, акциядорлари) ва ходимлари томонидан рухсатсиз фойдаланишни олдини олиш бўйича чораларни кўриши лозим.

13. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг қарорлари унинг барча аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти аъзоларининг овозлари тенг бўлганда, суғурталовчининг муваққат маъмурияти раҳбарининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

14. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти харажат операцияларини амалга оширишга ҳақли эмас, суғурталовчининг бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлари), суғурталовчига тушаётган пулларни ҳисобга ёзиш ва илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустаснодир.

15. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти унинг зиммасига юклатилган функцияларни амалга оширишда олинган маълумотнинг махфийлигини таъминлаши лозим.

16. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ўз иши яқунлари бўйича ҳисобот тузади.

IV. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботи

17. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботи уч нусхада тузилади (Молия вазирлиги, суғурталовчини тугатиш тўғрисидаги Молия вазирлигининг аризаси йўлланган суд ва суғурталовчи учун биттадан), суғурталовчи муваққат маъмуриятининг барча аъзолари томонидан имзоланади, суғурталовчининг муваққат маъмурияти раҳбарининг имзоси ва суғурталовчининг муҳри билан тасдиқланади. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ҳисоботининг варақлари рақамланган, тикилган ва суғурталовчининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

18. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти суд қарор чиқарганидан кейин беш кун давомида суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботи-

ни тузиши ҳамда Молия вазирлигига ва суғурталовчини тугатиш тўғрисидаги Молия вазирлигининг аризаси йўлланган судга топшириши лозим.

19. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботида суғурталовчининг муваққат маъмурияти томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ба-тафсил маълумотлар акс эттирилади.

20. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

ҳисоботнинг номи, тузилган санаси ва жойи;

суғурталовчининг реқвизитлари (шу жумладан, амал қилиши тугатилган суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг серияси, рақа-ми ва берилган санаси) ва суғурталовчи фаолиятининг умумий тавсифи;

суғурталовчининг муваққат маъмурияти тайинланишининг асоси (суғур-таловчи лицензиясининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорнинг, Молия вазирлигининг суғурталовчининг муваққат маъмуриятини тайинлаш тўғрисидаги буйруғининг рақами ва санаси) ва унинг шахсий таркиби;

суғурталовчининг мулкидан суғурталовчининг мулкдорлари (муассислари, акциядорлари) ва ходимлари томонидан рухсатсиз фойдаланишни олдини олиш бўйича суғурталовчининг муваққат маъмурияти томонидан кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборот;

суғурталовчининг бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлари), суғурталовчига тушаётган пулларни ҳисобга ёзиш ва илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича суғурта ходисалари юз берганда суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш билан боғлиқ суғурталовчининг муваққат маъмурияти томонидан амалга оширилган харажат операциялари тўғрисидаги ахборот;

суғурталовчининг муваққат маъмурияти ихтиёрига кўра бошқа ахборот.

21. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботида қуйидаги ҳуж-жатларнинг нусхалари илова қилинади:

суғурталовчининг муваққат маъмуриятига суғурталовчининг илгари амал қилган бошқарув органлари томонидан топширилган ҳужжатларнинг рўйхати;

суғурталовчи муваққат маъмуриятининг қарорлари;

суғурталовчининг муваққат маъмурияти ихтиёрига кўра бошқа ҳужжат-лар.

V. Яқуний қоидалар

22. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

23. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

583 Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида намунавий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1279-1

(2010 йил 9 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 февралдаги ПҚ–1062-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 107-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 апрелдаги 127-сон «Якка тартибда уй-жой куриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштиришнинг, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 225-модда), 2009 йил 5 июндаги 152-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 15 майдаги ПҚ–1112-сон қарори)» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 24-сон, 269-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 05-20-401, 14 ва 01/23-55-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида намунавий низомга (рўйхат рақами 1279, 2003 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 17-18-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Адлия вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 24 декабрь,
12-сон

Р. МУҲИТДИНОВ**Иқтисодиёт вазири**

Тошкент ш.,
2009 йил 24 декабрь,
91-сон

С. БЕКЕНОВ**Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.**

Тошкент ш.,
2009 йил 24 декабрь,
14-сон

Б. УЛАШОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

584 Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1281-3

(2010 йил 9 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2009 йил 12 августдаги 230-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 32-33-сон, 363-модда) қарорнинг 3-бандини бажариш юзасидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолият юритувчи чет эл юридик шахслари-норезидентларни солиқ органларида ўз вақтида ва тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, шунингдек улар томонидан тегишли солиқларни тўланишини назорат қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 12 сентябрдаги 2003-67, 01-02/19-36 ва 240-В-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (рўйхат рақами 1281, 2003 йил 4 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 19-20-сон) 3-сонли иловасининг янги таҳрири иловага* мувофиқ баён этилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 декабрь,
2009-32-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 декабрь,
01-02/19-29-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 декабрь,
240-В-3-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

585 «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъект-
ларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Мик-
рокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар
бериш тартиби тўғрисидаги низом»га қўшимча ва ўзгартириш-
лар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1548-4*

(2010 йил 9 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марка-
зий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 273-В, 111-сонли қарори (рўйхат рақами 1548, 2006 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 8-сон, 60-модда) билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредит-

лар бериш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 ноябрь,
33/2-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 ноябрь,
112-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Молия
вазирлигининг 2009 йил 21 ноябрдаги
33/2, 112-сонли қарорига
ИЛОВА

**«Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига
бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк»
кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш
тартиби тўғрисида»ги низомга киритилаётган қўшимча ва
ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«бюджетдан ташқари жамғармалар — Иш билан таъминлашга кўмакла-
шиш давлат жамғармаси, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувват-
лаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақо-
бат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тад-
биркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жам-
ғармаси ҳамда собиқ «Бизнес Фонд»га қарашли кредит линияларини
АТ «Микрокредитбанк»га қайтарилиши натижасида шаклланадиган АТ «Мик-
рокредитбанк» (қуйида — Микрокредитбанк) имтиёзли кредит ресурслари».

2. 39-банд қуйидаги тахрирдаги бешинчи хатбоши билан тўлдирил-
син:

«Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш
Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарори билан белгиланган туман-
лардаги лойиҳаларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Мо-
нополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат

қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан бериладиган микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида ажратилади».

3. 45-банд қўйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси билан бош банк ўртасида тузиладиган бош келишув Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Бунда ушбу жамғарма томонидан очилган кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши қарори билан белгиланган туманлардаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади».

4. Мазкур қўшимча ва ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.*

А. ХАЙТОВ

2009 йил 21 ноябрь

*Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

2009 йил 21 ноябрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ШАЙХОВ

2009 йил 21 ноябрь

*Ўзбекистон фермер хўжаликлари
уюшмаси раиси в.б.*

Т. БОЗОРОВ

2009 йил 21 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 19 декабрдан 31 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 апрелдаги 173-сон қарорига иловада кўрсатилган «Бошқа озик-овқат маҳсулотлари»га киритиладиган товарлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 1 декабрдаги 110, 01-02/8-30-сонли қарори.*

2009 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 713-1 (2009 йил 31 декабрдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 апрелдаги 173-сон қарорига иловада кўрсатилган «Бошқа ноозик-овқат истеъмол товарлари»га киритиладиган товарлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 1 декабрдаги 111, 01-02/8-26-сонли қарори.*

2009 йил 21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 714-1 (2009 йил 31 декабрдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2009 йил 16 декабрдаги 13, 80-Қ/Қ, 116-сонли қарори.*

2009 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2057 (2010 йил 1 январдан кучга киради).

4. «Суғурталовчининг муваққат маъмурияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 20 ноябрдаги 108-сонли буйруғи.*

2009 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2058 (2010 йил 1 январдан кучга киради).

5. «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида намунавий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 24 декабрдаги 12, 91, 14-сонли қарори.*

2009 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1279-1 (2010 йил 9 январдан кучга киради).

6. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 9 декабрдаги 2009-32, 01-02/19-29, 240-В-3-сонли қарори.*

2009 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1281-3 (2010 йил 9 январдан кучга киради).

7. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2009 йил 21 ноябрдаги 33/2, 112-сонли қарори.*

2009 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1548-4 (2010 йил 9 январдан кучга киради).

II. Давлат реестрдан чиқарилди:

1. Бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига киритиладиган товарлар рўйхати. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 713, 1999 йил 4 май).*

Адлия вазирининг 2009 йил 21 декабрдаги 284-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Бошқа ноозиқ-овқат истеъмол товарларига киритиладиган товарлар рўйхати. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 714, 1999 йил 4 май).*

Адлия вазирининг 2009 йил 21 декабрдаги 285-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, Амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва Раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини ўзгартириш тўғрисида. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар-*

ни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2019, 2009 йил 16 октябрь).

Адлия вазирининг 2009 йил 22 декабрдаги 286-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари асосий фондлари бўйича йиллик эскириш нормалари. СССР Вазирлар Кенгашининг 1973 йил 11 ноябрдаги 824-сон қарорига мувофиқ СССР Госплани, СССР молия вазирлиги, СССР Давқурилиш ва СССР МСБ томонидан 1974 йил 28 июнда тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2009 йил 30 октябрдаги 241-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестрдан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Ацетонни сақлаш ва қўллашда хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Тутун ва шамоллатиш саноат қувурларини ишлатишда хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Мембрана сақлагич қурилмаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва ишлатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқлар. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг